

ЎЙДА ҚОЛИНГ! ЎЗИНГИЗНИ КОРОНАВИРУС БАЛОСИДАН АСРАНГ!



**ХУСУСИЙ
БАНДЛИК
АГЕНТЛИГИ:**
Энди ҳаммаси бошқача
бўлади... (ми?)

**ДУНЁ
ИҚТИСОДИЙ**
таназзулда.
Ўзбекистон-чи?



15

[@mahalladoshuz](#)

[@mahalladosh_uz](#)

[www.mahalladosh.uz](#)

№21

(1924-1927) 2020 йил
18 – 25 июнь

MAHALLA — ADOLAT TAROZISI

Маҳалла

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

Янги қурилаётган
**УЙЛАР ХАЛҚ
УЧУН**
эмасми?



13

**МАРҚАЗИЙ
ОСИЁ**

мислсиз
курғоқчилик
бўсағасидами?



14

Қўшқўпирлик
АЁЛ НЕГА
хўрланди?



20

Нега
МАҲАЛЛАГА
келганда пул
топилмайди?



21



ТУРИЗМ:

**СОҲАГА ЯНГИЧА
ЁНДАШУВЛАР КЕРАК**

16

КОРЕЯ:
бир миллат,
икки давлат —
70 йиллик
зиддият



29

УСТЮРТДА
кимёвий
қуроллар синов
ўтказилганми?



31

«ХУШЁРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТНИ ЁН ҚАРРА ОШИРАДИГАН ЯНГИ БОСҚИЧ БОШЛАНМОҚДА»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 16 июнь куни хизмат кўрсатиш ва ички туризм соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари коронавирус билан боғлиқ вазиятга тўхталиб, охириги пайтда юртимизда бу касалликка чалинганлар сони ошгани, энг ёмони, аҳоли ўртасида ҳам кўп рақат рўй бераётганига эътибор қаратди.

— Буларнинг барчаси коронавирус билан боғлиқ вазият тобора мураккаб туш олаётганини кўрсатиб турибди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Бугун пандемияга қарши курашишда ҳушёрлик ва масъулиятни ён қарра оширадиган янги босқич бошланмоқда, десак тўғри бўлади. Қанчалик қийин бўлмасин, бу босқичда карантин қоидаларига қатъий амал қилишимиз шарт. Ҳар бир ишимизни эҳтиёткорлик билан, оқибатини пухта ўйлаб, нафақат ўзимиз, балки оиламиз ва фарзандларимиз олдидаги масъулиятни чуқур ҳис этиб бажаришимиз керак. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатларимиз йўққа чиқиши ҳеч гап эмас. Ишончим комил, анча билим ва тажриба ортирган, бағрикенг ва матонатли халқимиз бу босқичдан ҳам, албатта, муносиб ўтади.

Хизматлар соҳаси ривожлантирилади

Йиғилишда хизмат кўрсатиш соҳаси салоҳиятидан тўла фойдаланилаётгани таъкидланди. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур йўналишда камидан 160 минг кўшимча иш ўрни яратиш мумкин. Масалан, ҳозирги кунда Тошкент шаҳри, Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларида ахборот технологиялари соҳасида йилига 50 минг доллар экспорт қиладиган ва Top Talent рейтингининг энг юқори 3 фоизига кирадиган 21 та ёш фрилансер дастурчи бор. Давлатимиз раҳбари шундай иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг замонавий хизматларни ўрганишига шароит яратиш муҳимлигини таъкидлади.

Соҳани ривожлантириш молиявий кўмаксиз бўлмади. Шу боис Президент Шавкат Мирзиёев хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 100 миллион доллар ёки 1 триллион сўмдан зиёд кредит ре-

сурслари ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу маблағлар ҳам давлат, ҳам хусусий банклар орқали ажратилади ва кредит ставкаси 15 фоиздан ошмайди.

«Қайси ҳоким битирувчилар билан шахсан учрашди?»

Президентимиз бу йилги битирувчиларни ўқиш ва ишга жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

— Қайси ҳоким бу масалада бош қотириб, битирувчилар билан шахсан учрашди? Ёш ўғил-қизларимиз эртага қаерга ва кимга иш сўраб мурожаат қилади? Худудда улар учун иш ўринлари захираси шакллантирилганми? — дея саволлар кўйди давлатимиз раҳбари.

Вилоят ҳокими ва сектор раҳбарлари битирувчилар билан учрашиб, уларни ишга йўналтиришга ёрдам бериши кераклиги таъкидланди. Бош вазир ўринбосарларига олис худудларга ишга борадиган ёш мутахассисларни рағбатлантириш, улар учун бошланғич ёрдам пули ва уй-жой ажратиш тизимини жорий этиш бўйича топшириқ берилди.

Ички туризм орқали иш ўринлари яратилади

Йиғилишда ички туризмни ривожлантириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ҳисоб-китобларга кўра, бу соҳада 200 мингдан зиёд аҳолини иш билан таъминлаш мумкин. Шунингдек, туризмга хизмат қилувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда яна кўп рақат иш жойлари ташкил этилади.

Қолаверса, Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидаги сайёҳлик имкониятларидан ҳам тўла фойдаланилмапти. Халқ орасида уларни билмайдиганлар, кўрмаганлар ҳали кўп.

Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасига вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар билан бирга янги ички туризм маршрутлари очиш, кўчма дам олиш масканларини кўпайтириш, тиббиёт ва соғломлаштириш туризмининг тараққиёттириш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎзА материали асосида тайёрланди.

«ОБОД ХОНАДОН – ТАМОЙИЛИ ҚИСҚА»



Бугунги кунда маҳалла тизими жамиятимиз олдида турган муаммоларга ечим топишда етакчи кучга айланмоқда. Халқимиз турмушидаги қандай масала бўлмасин, у маҳалла тузилмаси эътиборидан четда эмас. Куни кеча Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигида фуқаролар йиғинлари фаолиятини самарали ташкил этиш, маҳаллаларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда учраётган муаммолар, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришда фуқаролар йиғинларининг давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиги ҳамда соҳага оид бир қатор масалаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида қатор мавзулар батафсил муҳокама қилинди.

Йиғилишда турли йўналишларда амалга оширилаётган ишлар атрофида таҳлил қилиниб, бу жараёнда йўл қўйлаётган камчиликларга танқидий баҳо берилди.

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш – сидқидилдан ишлашни талаб этади

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган маҳалла ва оила масалаларига оид мавжуд муаммоларни ҳал этиш, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, камбағалликни қисқартириш, томорқадан оқилона фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича «Обод ва хавфсиз маҳалла» тизимининг жорий этилиши вазирлик тизими, хусусан, ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига залворли вазифаларни юкламоқда. Бу борада хонадонлар ва кўча-

ларни обод қилишга қаратилган «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» тамойили асосида ишни ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

— Бу вазифа аҳолининг ҳамжиҳатликда, ҳамфикрликда иш тутиши, ўз хонадони, ўз кўчаси, ўз маҳалласининг ободлигига бефарқ муносабатда бўлмалигини таъминлашда ифодасини топади, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазир Раҳмат Маматов. — Шу маънода айни кунларда мамлакатимиздаги барча маҳаллалар, хонадонларни тартибга келтириш, уйларни оқлаш, дарактларни парваришлаш, зиёратгоҳ ва қабристонларни ободонлаштириш, камбағал оилаларнинг хонадонларида ҳашарлар уюштиришга аҳамият берилётганини таъкидлаш жоиз. Бу орқали эришилаётган натижаларга эътибор қаратсак, айтайлик, бир кунда ҳар бир маҳаллада биттадан хонадон таъмирлаб борилса, уларга зарур кўмак кўрсатиш бўйича тизимли



ОБОД КЎЧА – ОБОД МАҲАЛЛА» МУДДАТДА САМАРА КЎРСАТИШИ КЕРАК

иш йўлга қўйилса, қисқа муддатда халқимиз ҳаётида ободлик қай даражага кўтарилишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бунинг учун эса жойлардаги масъуллар «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» тамойилининг мазмун-моҳияти ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиши керак. Афсуски, бу борада камчиликлар борлигидан кўз юмолмаймиз. Ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмас экан, қутилган самарага эришиш мушкул.

Худуд хавфсизлигига эришиш ҳамжиҳатликдаги фаолиятга асосланади

Бугунга келиб маҳалла фуқаролар йиғинлари ва профилактика нозирлари кучининг бирлаштирилгани жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ижобий натижаларга эришиш имконини беради. Аммо айрим маҳаллаларда масъулларнинг янгича иш услубига кўниқолмаётганини ҳам кўздан қочириб бўлмайди. Бунинг исботини республика бўйича 9 145 та маҳалланинг 2752 тасида (30,1 фоиз) жиноятлар содир этилишига йўл қўйилганида яққол кўришимиз мумкин. Йилнинг ўтган даврида хотин-қизлар томонидан 1591 та жиноят содир этилгани ҳам фикримиз исботидир. Ачинарлиси, улар ўртасида безорилик 9 тага, оғир тан жароҳати етказиш 9 тага, босқинчилик ва талончилик 3 тага, қотиллик 2 тага, ўғирлик 1 тага кўпайган.

Қашқадарё вилоятида эса жиноятчилик ҳолати жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46,1 фоизга ортган. Таассуфки, вояга етмаганлар, ёшлар, хотин-қизлар, ишсиз фуқаролар, ҳатто, илгари судланганлар орасида ҳам жиноятчилик сезиларли даражада кўпайган.

Камбағалликни камайтириш — устувор масала

Президентимиз томонидан бу йил иқтисодий аҳоли паст бўлган аҳоли қатламини камбағалликдан чиқариш, одамларнинг бандлигини таъминлаш бўйича белгилаб берилган вазифалар асосида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Аммо бугун юртимизда 1 млн. 106 минг 990 нафар ишсиз аҳоли мавжудлигини инобатга олсак, бу борадаги муаммолар қай даражадалигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бунга биринчи навбатда маҳалла тизими вакиллари етарли эътибор қаратишлари керак. Аммо айрим ҳудудларда мазкур йўналишдаги ишлар су-



олиб борилаётгани афсусланарли. Жумладан, йил бошидан буён Андижон шаҳри, Каттакўрғон шаҳри, Фарғона тумани, Қашша тумани, Когон ва Вобкент туманларида битта маҳалла бир ойда ўртача биттадан фуқаронинг бандлигини таъминлаган, холос. Яхши тушуниш керакки, бу масалани ечмасдан туриб оилалардаги муҳит, фарзандлар тарбиясини яхшилаш, турли нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ҳақида гапириш ноўрин.

Мурожаатлар ортида — инсон тақдирини мужассам

Муаммосини ҳал қилиш учун эшик қоқиб, ёрдам сўраб келган фуқаронинг мурожаатига бепарво қараш қонун талабига ҳам, одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди. Бу масалада маҳалла тизимида амалга оширилаётган ишлардан тўлиқ қониқиш ҳис қилишга ҳали эрта. Жумладан, тизимда мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнида қаноатлантириш даражаси 54 фоизга ҳам етмаган. Аҳоли муаммоларини ўрганиш ва унга ечим топиш асосий вазифаси ҳисобланган маҳалла тузилмасида бу йўналишда қониқарсиз фаолият юритиш кеҳирлимас ҳолатдир.

Камчиликлар таҳлил этилиб, ечимлар бўйича аниқ тавсиялар берилди

Бугун ҳар қачонгидан ҳам сергак бўладиган палла. Пандемия тобора авж олиб боряпти, ишлаб чиқариш секторлари ҳали тўлиқ ҳажмда фаолият бошламади. Иқтисодий йўқотишлар эса аҳоли турмуш тарзига таъсир қилмай қолмайди. Бунда ҳар бир ташкилот зиммасига қатта масъулият юкланади. Хусусан, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига ҳам.

Вазирликда бўлиб ўтган навбатдаги видеоселектор йиғилиши айна йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш, фаолиятда йўл қўйлаётган хатолар таҳлилига бағиш-

ланди. «Обод хонадон», «Обод кўча» ва «Обод маҳалла» мезонларини амалиётга жорий этишда учраётган камчиликларни бартараф этиш йўллари кўриб чиқилди.

— Давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 4 июнь кунини Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига июнь-август ойларида республикамизнинг барча маҳаллаларида хонадонлар ва кўчаларни обод ҳамда кўркам қилиш бўйича кенг қўламли чоратадбирларни амалга ошириш топшириғи берилди, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг Ботир Парпиев. — Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Обод хонадон – обод кўча – обод маҳалла» тамойили асосида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан жойлардаги 503 та ички кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатилди, 96 531 туп манзарали дарахтга шакл берилди ва оқланди, 554 та қабристон, 113 та қадамжо ва зиёратгоҳлар, 273 та болалар ва спорт майдончалари, 837 та ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш объекти ободонлаштирилди, 921 та чиқиндиҳоналар тартибга келтирилди.

Афсуски, белгиланган вазифалар ижросида сусткашликка йўл қўяётганлар ҳам бор. Масалан, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳрида 17 та, Арнасойда 9 та, Янгиобода 1 та, Форишда 16 та, Мирзачўлда 28 та хонадон таъмирланган. Бироқ Пахтакор туманига бу эзгу ташаббуслар етиб бормаган, биронта хонадон таъмирланмаган. Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида ҳам худди шундай вазият кузатишган. Андижон, Пахтаобод, Булоқбоши, Хўжаобод, Жалақудук туманларида ишлар умуман тизимли ташкил этилмаган.

Ажралишларга нима сабаб бўлмоқда?

Самарқанд вилоятида оилавий ажримлар сабаби ўрганил-

ганда, уларнинг 21 таси хиёнат, 69 таси миграция, 35 таси узоқ муддат давомида бирга яшамаслик, 23 таси ичкилик ва гиёҳвандлик, 42 таси оилага учинчи шахснинг аралашуви, 454 таси оиладаги турли келишмовчиликлар натижасида юзага келган оиланинг пароканда бўлишида эр-хотиндан бошқа бировни айбдор қилиш мантқиқсизлик. Бироқ оилада ижтимоий муҳит барқарорлигини таъминлашга ҳамма бирдек жавобгар. Боиси у жамиятнинг бир бўғини, у емирила бошладим, жамиятга ҳам дарз кетади. Дарзлар кўпайгани сайин мўртлашади, алаоқибат, парчаланиб кетади.

Самарқанд вилоятида ишсизлик муаммоси ҳам урчиган. Кам таъминланган оилаларда яшовчи ишсиз фуқароларни ишга жойлаштириш ва камбағалликдан чиқариш борасида Булунғор, Жомбой ва Пайариқ туманларида сусткашликка йўл қўйилган. Халқимизда қўшнинг тинч, сен тинч, деган нақл бор. Наҳот ён-отрофдаги инсонларнинг кўли калталиги, етишмовчиликда турмуш кеҳиришига оддий томошабин бўлиб туриш мумкин? Бунинг учун одамнинг дийдаси қаттиқ, қалб кўзи ожиз бўлиши керак.

Бекаму кўст ҳаёт учун ким масъул?

Орамизда олма пишишини, оғзига тушишини кутиб ўтирадиганлар ҳам йўқ эмас. Йўқса, Қашқадарё вилоятидаги 4 минг 902 та хонадон томорқаларидан самарасиз фойдаланармиди? Наҳотки, буни ҳам кимдир келиб айтиши, туртки бериши шарт бўлса?

Йиғилишда айна шу каби асосли саволлар ўртага ташланди. Камчиликлар таҳлили давомида уларнинг ечимлари бўйича аниқ тавсиялар берилди. Камчиликни юзга айтилгани, танбех берилгани, хатони тузатишга ҳаракат қилингани эътирофга лойиқ иш. Бироқ айтилган гап, билдирилган тақлиф, кўрсатилган ечим йиғилиш залида қолиб кетмаса бўлди.

Хабарингиз бор, жорий йил 12 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида Олмазор туманига ташриф буюрган эди. Айтиш мумкинки, ушбу ташриф доирасида тақдироти ўтказилган лойиҳалар, фойдаланишга топширилган янги бино ва объектлар иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, ҳалқимизнинг фаровон яшашини таъминлаш, илм аҳлига зарур шароитлар яратиш, пировардида мамлакатимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Буни эса куйидаги фикрлардан ҳам билиш мумкин.



«ИЛМЛИ ОДАМЛАР – МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ОЛТИН ФОНДИ»

Математиклар янада масъулият билан фаолият юритади



Голибжон БОТИРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институти Ёш математик ва ёш олимлар масалалари бўйича директор ўринбосари:

— Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларнинг рақамли ва мантикий билимга эга бўлишини тизимли ташкил этиш, математика фанини чуқур ўқитиш, ёш олимларнинг янги авлодини шакллантириш борасида кенг

кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳа ривожини йўлида қабул қилган бир қанча қарор ва фармонлари бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Юртбошимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳри Олмазор туманида Математика институтининг янги биноси қурилиб, фойдаланишга топширилиши эса бу эзгу амалларнинг мантикий давоми бўлди. Айниқса, ташриф доирасида ўтказилган учрашувда давлатимиз раҳбарининг «Илмли одамлар – мамлакатимизнинг олтин фонди» дея айтган сўзлари, математика илм-фани ва таълимини янги сифат босқичига олиб чиқиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш юзасидан билдирган қимматли фикрлари

биз, математикларнинг янада масъулият ва шижоат билан ишлашимиз учун кўшимча куч бағишлади. Шунингдек, ушбу фанга иқтидор бор ёшларни саралаб олиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда узлуксиз таълим тизимида зарурий математик билимларни илғор хорижий тажрибалар асосида ўқитишни ташкил этиш, чет элдаги олий таълим муассасалари ҳамда илмий ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш бўйича келажақда амалга ошириладиган ишлар давлатимиз томонидан доимий қўллаб-қувватланиши илм аҳли кўнглини тоғдек кўтарди.

Ўйлайманки, Математика институтининг Талабалар шаҳарчасидаги янги бинога кўчирилиши Ўзбекистон Миллий университети ёш олимлари ва талабалари учун катта имкониятлар эшигини очди.

«Ишонччи оқлаймиз»

Ҳикмат САБУРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек-Исроил қўшма факультети декани:

— Муҳтарам Президентимизнинг бу галги ташрифи менга жуда катта куч ва хотиржамлик бағишлади. Шахсан мен учун ҳар бир илм кишиси оила аъзолари



бағрида, фарзандлари билан бирга бўлиши жуда муҳим. Чунки бу жиҳат уларга илмий иш билан тинч ва хотиржам шугулланиши, кўпроқ вақтини севган машғулотига сарфлаши учун катта имконият яратади. Қолаверса, илм аҳли учун яшаш ва иш жойининг яқинлиги унинг илм-фан соҳасида самарали фаолият юритишида алоҳида ўрин тутаети. Мисол учун, Малайзия ва Чехияда фаолиятимни олиб борган вақтларда ҳам ишхона ва яшаш уйим орасидаги масофа жуда қисқа эди. Табиийки, бу омил ўз устимда янада кўпроқ меҳнат қилиш, илмий изланишлар олиб бориш, талабалар билан ўзаро фикр алмашишга замин яратган.

Маълумки, бундан бир йил олдин, 2019 йил 24 май куни Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илм-фан намоёндалари билан учрашган эди. Ушанда олим ва педагогларнинг ижтимоий шароитларини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, улар учун кўп қаватли уйлар қуриш бўйича кўрсатмалар берганди.

Шунга мувофиқ, Тошкентдаги Талабалар шаҳарчаси ҳудудида 6 та 9 қаватли тураржой бунёд этилди. 216 та хонадон жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топширилди. Қувонарлиси, барча шароитларга эга бу тураржойлардан менга ҳам хонадон ажратилганлиги ёш оиламизга чексиз қувонч бағишлади. Бу юксак ғамхўрликка жавобан келажақда илм-фан соҳасида Юртбошимизга камарбаста бўлиб, мамлакатимиз ёшларининг етуқ ва малакали кадрлар бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўлишига ваъда бераман!

«Mahalla» мухбири
Саъдулло ТУРСУНОВ ёзиб олди.

«Маҳаллалар обод ва хавфсиз гўшага айланади»

— Юртбошимизнинг бу галги ташрифини туманимиз аҳли катта хурсандчилик билан қарши олди. Боиси ушбу ташриф доирасида туманда камбағалликни қисқартириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириб, янги иш ўринлари ташкил этиш, бу орқали аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш борасида янги-янги лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Айниқса, Президентимизнинг «Охириги уч йилда Олмазорга тўрттинчи марта келяпмиз. Туманда ўзгариш бўляптими, одамлар манфаат кўряптими, нима муаммолар бор, деган саволлар мени кийнади. Бугун натижаларни таҳлил қилиб, сизлар билан баҳаслаш янги йўналишлар ва режаларни белгилаб олишимиз керак» дея айтган сўзлари биз, маҳалла тизими ходимлари қалбини янада тўлқинлантириб юборди.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки жорий йил Президентимиз ташаббуслари билан юртимиз маҳаллаларида мутлақо янги тизим – «Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» тамойили ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шу ўринда савол туғилади: хўш, маҳаллалар қачон обод ва хавфсиз бўлади? Қачонки, аҳоли бандлиги таъминланса, маҳаллалар ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитта салбий таъсир этувчи ҳолатларнинг олди олинса, ёшлар, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари химоя қилинса, албатта. Бунинг учун давлатимиз раҳбари Тошкент туманининг Олмазорга яқин ҳудудидан 200 гектар ер ажратиб, янги sanoat зонаси барпо этиш тақдирини билдирди. Агар у ердаги корхоналар ишга тушса, камидан 60 мингта янги иш ўрни яратиш мумкин бўлади. Шунингдек, «Чорсу



Ҳабибулла АБДУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳри Олмазор туманидаги «Чигʻатой Дарбоза» маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

бозори», Зарқайнар, Сағбон, Себзор, Қорасарой, Гўзалбоғ ва бошқа кўча-маҳаллаларда, жами 482 гектар майдонда замонавий туристик, савдо ва дам олиш маскани – «очик осмон остидаги музей» барпо этилиши, шахримиздаги қўллаб хунармандлар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги тadbиркорлар фаолиятини янада ривожланишига хизмат қилади.

Хабарингиз бўлса, 2018 йил 16 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунни қабул қилинган эди. Ўтган қисқа вақт ичида 60 дан ортиқ хусусий бандлик агентлиги лицензия олиб, ўз фаолиятини бошлади. Кўпглаб юртдошларимиз бундай марказлар ёрдамида хориждан ўзларига қонуний асосда маъқул иш ҳам топишди. Бироқ, «туруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, асосан, фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш билан шугулланган бу каби агентликлар орасида ҳалолликка амал қилмай, уларга мурожаат қилган фуқароларнинг маблағларини фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш ҳолатлари ҳам кузатилди.



ХУСУСИЙ БАНДЛИК АГЕНТЛИГИ: Энди ҳаммаси бошқача бўлади...(ми?)

Хусусан, «Human» хусусий бандлик агентлиги ва «Korean and migrations» хусусий бандлик агентлиги масъулияти чекланган жамиятлари минглаб одамларни хорижда ишга жойлаштиришга ёлгон ваъдалар бериб, фуқароларнинг миллиардлаб пул маблағларини қўлга киритиб, шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборишган. Бундай хусусий бандлик агентликлари мутасаддиларга тегишли қонуний жазо қўлланилиб, жабрланганларга ўз пул маблағлари қайтариб берилди.

Ўз навбатида, бундай фирибгарлик ва товламачиликлар «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга сабаб бўлди. Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Хўш, қисқа муддатда мазкур қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга нима сабаб бўлди? Бундан кейин фуқароларимиз алданиб қолмайдами? Уларга қандай қулайлик ва енгилликлар яратилмоқда?

Муаммо нимада эди?

– Кўпчилик билса керак, хорижда ишловчи фуқаролар тақдирига дахлдор дейиш мумкин бўлган «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги амалдаги қонунга асосан, хусусий агентликлар Ўзбекистондан ташқарида иш қидираётган шахсларга кўрсатган хизматлари учун улардан пул ундиради. Яна, олдиндан, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иномжон Қудратов. – Афсуски, бундай амалиёт натижасида агентликлар томонидан фуқароларнинг ишончини суистеъмол қилиш ва уларга моддий зарар етказиш ҳолатлари кўпайди. Эсингизда бўлса, 7 мингдан ор-

тиқ фуқарога жами 72 млрд. сўм миқдорда моддий зарар етказган ўнга яқин хусусий бандлик агентликлари раҳбарларига нисбатан жиноят иши кўзга тилган ва ижтимоий тармоқларда кенг муҳомадаларга сабаб бўлган. Жабрланганлар ҳукуматга мурожаат қилган, уларга етказилган зарарлар уч кун ичида қўлга берилган эди.

Муаммо – қонунда ана шундай ҳолатлар содир этилишига етарли шароитлар сақланиб қолганида. Яъни амалдаги қонунда хусусий агентликларнинг иш қидираётган шахслар олдидаги мажбуриятлари тўлиқ мустаҳкамлаб қўйилмаган, ёки қатъий тартиблар белгиланмаган, қолаверса, фаолияти устидан тегишли назорат ўрнатилмаган.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигига ҳам боғлиқ

– Шундай ҳолатлар бўлганки, хусусий бандлик агентлиги ходими бўлмасдан ХБА офиси олдида ҳеч қандай шартномасиз фуқародан пул олган, – дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги масъул ходими Ортиқхўжа Норов. – Бундай одамларга қандай қонун чиқариб берсангиз ҳам фойдаси йўқ. Шу боис, аввало, ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқини ўзи ҳимоя қила олиши керак. Юртдошларимиз хусусий бандлик агентлигига мурожаат қилганида ташкилотнинг лицензиясини кўришга, ХБА билан тузиладиган шартномани ўқиб кўришга ёки уни ўзи билан олиб кетиб, соҳани тушунадиган бирорта ҳуқуқшуносга кўрсатишга, шартномага қўл хўжатлариники, агентлик сўраётган пулни тўла-маслиққа ҳаққи бор. Яъни фуқароларимиз ХБА билан шартномани имзолашдан олдин хўжатларини яхшилаб ўрганишса, кейин мураккаб вазиятларга тушиб қолишмайди. Қолаверса, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ҳар бир вилоят марказида филиал-

лари бор. Фуқаролар шартнома тузишдан олдин ушбу филиалларга бориб, шартномани кўрсатиб, бепул маслаҳат олишса мақсадга мувофиқ бўларди.

Қўшимча ва ўзгартиришлар нималардан иборат?

Бу борада тақлиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ қонуннинг 13-, 14-, 15-, 17-, 20- ва 23-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда янги 15¹-модда билан тўлдириб назарда тутиляпти.

– Хусусан, иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш хизмати учун тўловни чет эллик иш берувчи ҳисобидан амалга ошириш механизмини жорий этиш (иш қидирувчи учун кафолатлар яратилади) кўзда тутилмоқда, – дейди Иномжон Қудратов. – Шунингдек, захира қилиб қўйиладиган маблағларни базавий ҳисоблаш миқдорининг 8500 баравари миқдорига белгилаш (1 млрд. 895 млн. 500 минг сўм ёки 200 минг АҚШ долларига тенг захира мажбурияти хусусий бандлик агентлигининг масъулиятини оширади) режалаштириляпти. Қонунга киритиладиган ўзгартиришлардан яна бири – хусусий бандлик агентликлари томонидан кўрсатиладиган ахборот ва маслаҳат хизматлари учун олинadиган ҳақ миқдорлари (БХМнинг бир бараваридан ошмаган суммада – ҳозирда бу 223 минг сўмга тўғри келади) аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимиздан ташқарида иш қидираётган шахсларга зарур пайтда ваколатли органлар билан боғланишга доир ахборот-маълумотлар алмашиш тизими йўлга қўйилади.

– Қонуннинг 15-моддасига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар натижасида эндиликда хусусий бандлик агентлиги томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартнома Ташқи

меҳнат миграцияси агентлигининг «labor-migration» дастурий мажмуасида реал вақт режимида рўйхатдан ўтказилади, – дейди Ортиқхўжа Норов. – Рўйхатдан ўтмаган шартнома ҳақиқий эмас деб топилади. Ўзгартиришлардан яна бири – Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хусусий бандлик агентликлари фаолиятини (молия-ҳўжалик фаолиятига аралашмасдан) текшириш ваколатига эга бўлади. Текширишлар жараёнида вазирлиқнинг ваколатли вакиллари хусусий бандлик агентликларининг ҳудудлари ва биноларига монеликсиз кириш, ҳужжатлар билан танишиб чиқиш, улардан кўчирма нусхалар ҳамда маъсул ходимлардан фаолиятга доир масалалар бўйича оғзаки ва ёзма тушултиришлар олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш қидираётган шахсларга қандай қулайликлар бўлади?

– Аввало, иш қидираётган шахслар ва уларнинг тақдири ҳақидаги маълумотларимиз ойдинлашади, алданишлар камаёди, – дейди И.Қудратов. – Бундан ташқари, мамлакатга кириб келаётган хорижий валюталарнинг ҳисоб-китоби янаям аниқлашади. Хориждаги юқори даромадли иш ўринлари бозори тартибга тушиши баробарида, маҳаллий иш ўринлари ҳақидаги ахборотни илгари суришга қўшимча майдон яратилади. Энг муҳими, одамларда хусусий агентликларнинг тизимли хизматидан фойдаланиш орқали давлатга бўлган ишонч мустаҳкамланади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий бандлик агентликлари фаолиятида турли суистеъмолчиликлар келиб чиқишининг ҳамда фуқароларга етказилган мумкин бўлган мулкий зарарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Рустам ЮСУПОВ
«Mahalla»

Фарғона вилояти пиллакорлари 1 минг 969 тоннадан зиёд «кумуш тола» тайёрлаш шартнома режасини бажарди.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРИ: абитуриентлар учун қандай қулайликлар бор?

Коронавирус пандемияси барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳам янги ёндашув билан ишлашни тақозо этди. Шу боис жорий йилнинг 30 апрель куни Президентимиз раҳбарлигида ўтган йиғилишда белгиланган топшириқлар ва тасарруфда олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирлик, идора, ташкилотлар томонидан киритилган тақлифлар асосида абитуриентларга бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, масофадан, онлайн шаклда интернет орқали ҳужжат топшириш имконияти яратилиб, кириш тест синовлари соддалаштирилди.

Бу каби қатор қулайликлар Президентимизнинг 2020 йил 12 июндаги «2020/2021 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарори билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Мазкур қарор билан 2020/2021 ўқув йили учун олий таълим муассасаларига қабул параметрлари тасдиқланиб, бакалаврият таълим йўналишларига 139 минг 950 нафар (кундузги таълим шаклига 103 минг 575 нафар, сиртқига 31 минг 350 нафар, кечкига 5 минг 25 нафар) абитуриент қабул қилиниши белгиланди. Шунингдек, 10 минг 425 нафар талаба магистратура йўналишига қабул қилинадиган бўлди. Қувонарлиси, айнан Фарғона вилоятининг **Сўх тумани ёшлари** учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича қўшимча **500 та давлат гранти** ўрни ажратилди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори юзасидан брифинг ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Бехзод Мусаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидов, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори Маждид Каримов иштирокида ўтказилган брифингга 2020/2021 ўқув йили қабулига киритилаётган янгилликлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаев берган маълумотга кўра, жорий йил бакалаврият таълим йўналишларига қабул 36 фоизга ошди.

– Ўтган йили 108 минг 915 та ўринга талабалар қабул қилинган бўлса, жорий йил умумий квота 148 144 тага етказилди, – дейди **Бош вазир ўринбосари Бехзод Мусаев**. – Бакалаврият таълим йўналишлари билан магистратура мутахассисликлари оптимallasштирилди. **Натижада таълим йўналишлари 332 тадан 254 тага, мутахассисликлар 584 тадан 517 тага камайтирилди.** Агар айрим ҳудудларда эпидемиологик вазият яхшиланмаса ўша ҳудудда тест топшириш кунлари яна ортга сурилиши мумкин. **Мақсад тезгина тестларни ўтказиб олиб, 1 сентябрдан ўқишни бошлаш эмас. Асосий мақсад, абитуриентларнинг саломатлигини хавф остига қолдирмаслик бўлади.**

Ҳужжатлар қандай топширилади? Имтиҳонлар-чи?

Ўтган йили абитуриентлар ҳужжатларини 15 июндан 15 июлгача

Давлат хизматлари марказлари ва Олий таълим муассасалари орқали топширган бўлса, бу йил республика махсус комиссияси томонидан белгиланган ҳудудларда – **Давлат хизматлари марказлари** орқали, барча ҳудудларда – **Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz)** ҳамда **Давлат тест марказининг расмий веб-сайти (abitur.dtm.uz)** орқали

20 июндан 20 июлга қадар (20 июль куни ҳам) рўйхатдан ўтишади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, абитуриентлар фақат паспорт ва диплом маълумотини юқоридаги манзилларга белгиланган тартибда киритишади.

Маълумки, 2020 йилдан кириш имтиҳонлари жами 5 та – учта мажбурий ва иккита мутахассислик фани бўйича ўтказилиши белгиланган эди. Бироқ карантин сабаб ёшларнинг имтиҳонга тўла тайёргарлик қўриш имконияти чекланди. Мазкур қарор билан абитуриентлар 2020-2021 ўқув йили учун қабул тест синовларини мажбурий (она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи) фанларсиз, 2 та мутахассислик фанларидан топширадиган бўлишиди. Тест имтиҳониди ҳар бир фандан 30 та савол бўлиб, биринчи фан бўйича берилган саволларнинг ҳар бир жавоби учун 3,2 балл, иккинчи фан бўйича эса 3,1 балдан бериладиган бўлди.

Абитуриентлар учун яна бир имконият: улар тест синовни топшириладиган фанлар мажмуаси ҳамда фанлар кетма-кетлиги бир хил бўлган **бештагача бакалаврият таълим йўналиши** бўйича танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Магистратурага кириш учун ҳужжатлар белгиланган тартибда 1 июлдан 30 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади. Талабгорлар он-лайн тарзда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг веб-сайти (**magistr.edu.uz**) орқали рўйхатдан ўтишади. Магистратурага кириш имтиҳонлари карантин тадбирларидан келиб чиққан ҳолда Низомда белгиланган шаклларда ёки тест асосида ўтказилиши мумкин.

Яна қандай ўзгаришлар бор?

Президент қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг тавсияномасига эга бўлган **хотин-қизлар учун бакалавриятнинг кундузги таълим шакли бўйича** умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча **тўрт фоизли 940 та давлат гранти** ўрни ажратилади.

Тез орада тавсияномани бериш тартиб-тамойили ишлаб чиқилади. Жорий йилги ўзгаришлардан яна бири ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар органлари ходимларининг фарзандларига берилган тавсиянома ижодий имтиҳонлари бор йўналишларга ҳам ўтади. Илгари тавсиянома фақат тестларга ўтарди.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига қабул жараёнларида ҳам катта ўзгаришлар бўляпти. Энди ҳарбий олий таълим муассасаларига ҳужжат топширган абитуриентлар ҳам 5 тагача таълим йўналишини танлаши мумкин. Муҳими, улар ҳам тест синовларини август ойида топширишади. Илгари фақат Тошкент ва Қарши шаҳарларида 5 июль куни ўтказиларди.

Рустам ЮСУПОВ тайёрлади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЁЗ БЕРИЛГАН ТОИФАЛАР

Имтиёз бериладиган тоифалар	2019	2020
 Ногиронлиги бўлган шахслар учун	2068	2799 (+35%)
 Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлганлар учун	928	1175 (+27%)
 Қуролли Кучлар таркибига кирувчи идоралар ходимларининг фарзандлари учун	928	1175 (+27%)
 Ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандлари учун	551	705 (+28%)
 Меҳрибонлик уйи ва болалар шаҳарчасининг битирувчилари бўлган чин етимлар учун	1035	1400 (+35%)
 Хотин - қизлар учун	Мавжуд бўлмаган	940
 Фарғона вилоятининг Сўх тумани ёшлари учун	Мавжуд бўлмаган	500

1 июлдан 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар муомаладан чиқарилади.

Сўнги вақтларда «рақамли иқтисодиёт» атамаси ижтимоий таомилимизга тез кириб бормоқда. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда рақамли технологияларга бўлган талаб ортиб, унинг ҳаётимизда тутган ўрни тобора мустаҳкамланаётир. Бу эса ўз-ўзидан одамларни ушбу фаолият тури ҳақида тўлиқроқ тушунчага эга бўлиш билан бирга, унинг фаол иштирокчисига айланишига катта таъсир этмоқда.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: Янги инновацион лойиҳалар қандай самара бермоқда?

«Электрон ҳукумат» хизматлари нега талабга жавоб бермайди?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2020 йил — Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилиниши, таъбир жоиз бўлса, бу борадаги ишларни янги bosқичга олиб чиқди. Қолаверса, шу йил 28 апрелда давлатимиз раҳбарининг «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада белгиланган вазифаларни сифатли амалга ошириш, мавжуд муаммоларни bosқичма-bosқич бартараф этиш, бир сўз билан айтганда, рақамли иқтисодиётни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига кенг татбиқ этишда муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Бироқ тан олиш лозимки, ҳали бу борада қилиниши керак бўлган ишлар, ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар талайгина. Хусусан, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш учун етарли шарт-шароит яратиш, соҳанинг «тилини биладиган»

Яшил, қизил ва кўк худудлар нимани англатади?

— Муаммонинг олдини олиш мақсадида эндиликда «Электрон ўқитиш дастури» орқали ўқиб, диплом олган дастурчиларни давлат ва хўжалик муассасаларига ИТ мутахассис сифатида ишга олиш режалаштирилмоқда ва улар ташкилотларнинг барча фаолиятини анъанавий электрон форматдан рақамли кўринишга ўтказишга масъул бўлади, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон ҳукуматни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Шукуров. — Шунингдек, жорий йил 200 та янги тизим ишлаб чиқилиб, ҳар бир тизим бўйича 50 фоиздан кам бўлмаган электрон хизмат кўрсатиш белгиланди. Бундан ташқари, вазирлик томонидан 300 та лойиҳа ва тадбирларнинг тармоқ

жадваллари тасдиқланиб, худудлар яшил, қизил ва кўк рангларга ажратилди. Бу эса худудларда ИТ соҳасининг ривожланиш жараёнлари қандай кетаётганини кузатиб бориш имконини беради. Қолаверса, худудларда рақамли технологиялар бўйича камида 100 та ўқув маркази очиш режалаштирилмоқда.

Дарвоқе...

Ижтимоий нафақалар ҳисобини юритишга мўлжалланган «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» жорий йил якунига қадар ишга туширилади. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳада шаффофликни ва молиявий манбаларнинг тақсимланиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

ИТ бўйича етук кадрлар, дастурчиларнинг янги авлодини тарбиялаш, мутахассислар малакасини ошириш каби ечимини қутаётган жуда кўп масалалар мавжуд. Қолаверса, бутунги кунда рақамли иқтисодиёт, «Электрон ҳукумат» хизматларига талаб кундан-кунга ортиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда 780 тур давлат хизматидан бор-йўғи 185 тасидан «электрон портал» орқали фойдаланиш имкони мавжуд. Афсуски, аксарият ташкилотларда иш жараёнини рақамлаштириш фақат ҳужжат алмашинувини электронлаштириш билангина чекланиб қолимоқда.

Бу даргоҳларда дастурлаш асослари, электрон савдо ва графикли дизайн каби йўналишлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилади.

Яна бир гап. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2020-2022 йилларда электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича 1,3 триллион сўмга тенг 104 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Қайд этилганидек, давлат идораларида мавжуд 700

дан ортиқ ахборот тизимларининг атиги 30 фоизи «Электрон ҳукумат» тизимига улангани, давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идоранинг атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлигига интеграция қилингани боис энг биринчи навбатда мазкур йўналиш бўйича давлат идоралари маълумотлар базасини таснифлаш, уларни идоралараро интеграцион платформага улаш, электрон ҳамкорликнинг ягона технологик талабларини жорий

«1 миллион дастурчи» лойиҳаси амалиётга татбиқ этилмоқда. Айтиш лозимки, ушбу лойиҳа бошланишиданок муҳим эканлиги маълум бўлди.

— «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида машғулотлар uzbecoders.uz ўқув портали орқали олиб борилиб, бутунга қадар мазкур лойиҳада 62 минг нафардан ортиқ ўқувчи иштирок этди ва уларнинг 5400 нафари махсус сертификатларни қўлга киритди, — дейди Жаҳонгир Шукуров. — Ҳатто, бир қанча битирувчилар йирик компанияларда дастурчи сифатида ўз фаолиятларини бошлади. Шу боис йил охирига қадар ушбу лойиҳа ўқувчилари сонини 100 мингга, 2021 йилнинг биринчи ярмида эса 150 минг нафарга етказиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабаларини ахборот технологиялари соҳасида ўқитишни uzbecoders.uz портали орқали ташкил этиш режалаштирилган. Қолаверса, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тегишли йўналишларнинг мутахассислик

фанлари ҳамда мактаблари 5-синфдан ўқитиб келинаётган «Информатика» фанини замонавий технологиялардан

келиб чиқиб такомиллаштириш, ушбу фанга «1 миллион дастурчи» лойиҳасига доир йўналишларни киритиш мақсад қилинган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, агар мамлакатимизни ҳар томонлама тараққий этишини истасак, ИТ соҳасини янада ривожлантириш, бу борадаги мавжуд барча имкониятларни тўлиқ ишга солиш, энг асосийси, билимли ва етук мутахассисларнинг янги авлодини тарбиялашга эътибор қаратишимиз зарур. Ана шундагина соҳада қўзланган мақсадларга эриша оламиз.

Саъдулло ТУРСУНОВ
«Mahalla»

Жорий йил Ягона порталда 18 та янги хизмат ишга туширилди ва улар бўйича 2,8 миллиондан ортиқ мурожаат қабул қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида тез тиббий ёрдамни бошқариш бўйича ахборот тизими яратилиб, ўтган 6 ой давомида 29 мингдан ортиқ чақирик тизим орқали келиб тушди.



қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, 2020 йил охирига қадар «Электрон таълим», «Электрон соғлиқни сақлаш» ҳамда «Электрон давлат хизматлари» йўналишларида 10 га яқин янги тизимлар тўлиқ ишга туширилади.

«1 миллион дастурчи» лоийҳаси ўзини оқляптими?

Маълумки, ахборот технологиялари соҳасида кўзланган мақсадларга янги авлод кадрларис етилиб бўлмайди. Шу боис сўнги йилларда мамлакатимизда

Тошкентда Электрон ҳукумат бўйича ҳамкорликни ўрганиш маркази ташкил этилади.

Сўнги пайтда турли соҳа вакилларининг у ёки бу хатoga йўл кўяётгани ҳақида кўп эшитяпмиз, гувоҳи бўляпмиз. Масаланинг моҳияти билан қизиқмай, «Соҳасини яхши билмайди», «Отасини пулига кириб олган-да, ишга», дея билганимизча тўн бичяпмиз. Натижада хатосини ҳали англамаган ходим «ҳайп» мавзуга айланмоқда. Баъзи раҳбарлар масалага ечим сифатида ишчисидан «воз» кечиб кўя қолади, баъзи «замонавий» фикрловчилар эса оқибатнинг сабаби билан қизиқади. Бироқ улар кўл билан санарли холос. Хўш, аслида гап нимада?



ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ НЕГА МУҲОКАМАЛАРГА САБАБ БЎЛДИ?

Муаммо борми?

Мамлакатимизда давлат фуқаролик хизматидаги кириш, хизматни ўташ ва тугатиш механизмлари, давлат хизматчилари ким экани, уларнинг мақоми, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини белгиловчи ягона қонун қабул қилинмаган. Бу ҳам етмагандек, давлат фуқаролик хизматини ташкил этиш ва фаолиятида ягона принциплари мавжуд эмас. Қонунчилик билан давлат фуқаролик хизматчиларига белгиланган мезонлар, фаолиятини баҳолаш жараёни, малакасини ошириш тартиблари белгиланмаган.

Ваҳоланки, бу жиҳатларнинг қонунда мустаҳкамланиши фуқаролик хизмати соҳасидаги давлат сиёсатининг ягоналигини таъминлайди. Давлат фуқаролик хизмати масалалари бўйича ваколатли органнинг йўқлиги эса ташкилотларда ягона кадрлар сиёсатини олиб бориш, ходимларни самарали бошқариш, малакали кадрлар захирасини рақобат асосида шакллантиришга йўл қўймайди.

2019 йил сарҳисобига кўра, Ўзбекистон бўйича 320 нафар аҳолига 1 нафар давлат хизматчиси тўғри келади. Бу кўрсаткич Кореяда 28, Россияда 68, Қозоғистонда 187 нафарни ташкил қилади. Қизиғи, бизда негадир 6200 та раҳбарлик лавозимлари вакант.

Шу рақамларнинг ўзиёқ масала нақадар жиддийлашиб бораётганини кўрсатади. Давлатимиз раҳбари 2017 йил Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида айна масалага эътибор қаратганди. Орадан 2 йил ўтиб, Ўртбошимизнинг «Ўзбекистон Республикасида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил қилинди. Агентлик

томонидан тизимни тартибга солувчи ҳуқуқий асос яратиш мақсадида «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Аммо қонун нормаларида айрим тоифа вакилларига истиснолар берилгани кўплаб муҳокама-ларга сабаб бўлди. Келинг, гапни бир бошдан бошлаймиз.

Давлат фуқаролик хизмати нима?

Қонун лойиҳасида унга қуйидагича изоҳ берилган: давлат фуқаролик хизмати – давлат органлари ва ташкилотларида оммавий манфаатлар йўлида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳақ тўланадиган касбий фаолияти ҳисобланади. Давлат фуқаролик хизматчиси эса давлат лавозимида иш юритувчи Давлат лавозимлари реестрига кўшилган Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир.

“
2019 йил сарҳисобига кўра, Ўзбекистон бўйича **320** нафар аҳолига **1** нафар давлат хизматчиси тўғри келади. Бу кўрсаткич Кореяда **28**, Россияда **68**, Қозоғистонда **187** нафарни ташкил қилади. Қизиғи, бизда негадир **6200** та раҳбарлик лавозимлари вакант.
 ”

Қайси модда муҳокама-ларга сабаб бўлди?

Лойиҳанинг 3-моддасида қонун давлат раҳбари, депутат, сенатор, омбудсман, судьялардан ташқари барча давлат фуқаролик хизматчиларига татбиқ этилиши белгилаб қўйилган. Нормани ўқиган кишида нега бундай, деган ҳақли савол туғилади.

— Қонуннинг номига эътибор қаратилса, яъни «Давлат фуқаро-



лик хизмати тўғрисида» фуқаролик деган сўз турибди, — дейди Адлия вазирининг ўринбосари Баҳром Кўчқоров.

— Бутун дунё тажрибасига кўра, давлат хизмати икка тоифага бўлинади: давлат фуқаролик ва сиёсий хизматчилар.

Қонун лойиҳасида истисно қилинган тоифа – сиёсий хизматчилар ҳисобланади. Депутатлар, судьялар, яъни уларни тайинлаш, мажбурияти, юклатилган вазифани амалга ошириш қонун, тартиб-талаблари умуман бошқача. Давлат фуқаролик хизматининг асосий устувор йўналишларидан бири, бу – меритократия. Иккинчиси эса карьера модели. Фуқаролик хизматчиси очик танлов асосида танланади. Депутат эса – халқ вакили, у сайланади. Шунинг учун уларга нисбатан бу қонун нормаларини тўлиқ татбиқ қилолмаймиз.

Хориж тажрибаси қандай?

Хорижий мамлакатлар, хусусан, Жанубий Европа (Германия, Франция, Нидерландия ва бошқалар) ҳамда Шарқий Осиё (Япо-

ния) мамлакатларининг давлат фуқаролик хизмати тўғрисидаги қонунларида давлат хизматидаги кириш тартиби батафсил ёритилган. Болгария, Германия, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Польша, Россия, Франция, Японияда давлат хизмати тўғрисидаги қонунларида хизматчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш, давлат хизматчилари фаолиятини баҳолаш, давлат хизматида ўсиш, бошқа давлат лавозимида ўтиш, меҳнатига ҳақ тўлаш, хизматчиларнинг иш вақти ва меҳнат таътиллари кенг тартибга солинган.

Мол-мулк ва кўп миқдордаги харажатлар декларация қилинади

Лойиҳа тасдиқланса, давлат фуқаролик хизматчилари, ҳар йили ўзи ва оила аъзоларининг даромадлари, мол-мулки ва кўп миқдордаги харажатлари ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда декларация топшириши шарт.

Маълум қилинишича, хорижлик мутахассислар бу норма коррупцияга қарши кураш тизимига тааллуқли эканини эътироф этишган. Шунинг учун нормада декларация қилиш тартиб қоидалари очикланмаган.

— Жамоатчилик муҳокамасига қўйилган «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам давлат хизматчилари орасида коррупцияни таг-туғи билан йўқ қилишга қаратилган, — дейди Бош прокурор ўринбосари



Светлана Ортиқова. — Давлат фуқаролик хизматчилари декларация қилиши керакми? Албатта,

қилиши керак. Лекин «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳасида, мисол учун, прокурор, судьяларга истиснолар кўзда тутилган. Босис бу тоифадаги давлат хизматчилари фаолияти алоҳида қонун билан белгиланган. Иш вақти, унвон масаласи, иш тартиби, умуман уларга бўлган талаб ҳам ўзгача. Шунинг ҳам ҳисобга олиш керак.

Хуллас, муҳокама ва баҳслар бу билан тугатгани йўқ. Қонун қабул қилингунга қадар у яна минг чигирикдан ўтказилади, тегшили ўзгартишлар киритилади. Муҳими, бу хизматчилар ҳақ-ҳуқуқларини чекламаса, бошқа ҳужжатлардаги нормаларни инкор этмаса бас.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»

Ломбард фаолиятини лицензиялаш тартибига ўзгартиришлар киритилди.



«АГРОХИЗМАТЛАР МАРКАЗИ»

деҳқонларга сифатли хизмат кўрсата олади...(ми?!)

Сўнги йилларда табиий ресурсларнинг камайиши, табиатга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш оқибатида бутун дунёда озик-овқат хавфсизлиги энг долзарб муаммага айланди. Айниқса, Ер узи аҳолисининг тез суръатларда кўпайиб бориши бу масалани кескин кун тартибига қўйди.

Озик-овқат хавфсизлиги — аграр сиёсат

Табиийки, бугунгидек иқлим ўзгариши, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, ирригация, мелиорация ва ерлар унумдорлигининг пастлиги шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш осон эмас. Бунинг учун эса соҳадаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда илғор хориж тажрибаларини амалиётга татбиқ этиш зарур.

Шу нуқтаи назардан, яқинда давлатимиз раҳбари Фаргона вилоятига қилган ташрифи чоғида ҳар бир ҳудуднинг ери, ресурслари, имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида агрохизматлар кўрсатиш тизимини янги bosқичга олиб чиқиш бўйича муҳим кўрсатмалар берган эди. Унга кўра, жаҳоннинг энг илғор тажрибалари инobatта олинган ҳолда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси доирасида замонавий инновацион «Агрохизматлар маркази» фаолияти илк бор Фаргона вилоятида йўлга қўйиладиган бўлди.

Қишлоқ хўжалигида дрон хизмати йўлга қўйиладими?

— Бугунги кунда аграр соҳа ривожланган етакчи хорижий давлатларда фан, таълим ва ишлаб чиқаришни интеграциялаш мақсадида қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими (AKIS) йўлга қўйилган, — дейди

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги масъул ходими Нигора Хўжаева. — Натижада улар томонидан янги инновацион билим ва технологиялар кенг жорий этилиши билан бир қаторда агрохизматлар ҳам кўрсатилади. Мазкур ҳудудий марказ томонидан «ягона дарча тамойили» асосида давлат-хусусий шерикчилик шартларида 500 дан ортиқ агросаноат мажмуиға оид хизматлар тақдим этилади. Шундан 40 дан ортиқ янги турдаги инновацион технологиялар асосидаги қатор хизматлар, жумладан, геоахборот тизимлари, дрон хизматлари, халқаро стандартлар, «Organic», «Global G.A.P» ва «Halo» сертификатлари жорий этилади. Шунингдек, янги ташкил этилаётган «Агрохизматлар маркази»да 15 нафар аграр соҳага ихтисослашган илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, 30 нафардан ортиқ маҳаллий ва хорижий агробизнес вакиллари доимий фаолият олиб боради.

«Томорқа хизмати»дан фарқи нимада?

Биламизки, бугунги кунга қадар қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллариға ўз фаолият турларини янада кенгайтириши учун кредитлар ажратиш, уларни зарур техникалар билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ тан олиш керак, соҳа вакиллари учун етук мутахассислар томонидан зарур маблаҳатлар, йўл-йўриқлар бериш, ҳуқуқларини таъминлаш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш борасида анчайин оқсага-

нимиз бор гап. Тугри, бундан икки йил аввал мамлакатимизнинг 161 та туманида «Томорқа хизмати» МЧЖлар фаолияти йўлга қўйилди, бироқ очиги, унинг қамрови анчайин чегараланган эди.

— Фаргона туманидаги «Чекшўра Бобур» ММТП ҳудудидаги 5 гектар майдонда ташкил этилиши режалаштирилаётган «Агрохизматлар маркази»да халқаро аккредитациядан ўтган 5 турдаги замонавий лаборатория, яъни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хавфсизлиги, In-vitro кўчатчилиги, тупрок, сув ва фитосанитария таҳлил лабораторияси вилоятдаги 9 минг фермер хўжалиги ҳамда 500 дан ортиқ агробизнес вакиллариға хизмат кўрсатади, — дейди Нигора Хўжаева. — Шунингдек, марказда замонавий билим ва

Мавзуга оид маълумот:

Республикаимизда 2020 йил январь-март ойларида умумий қиймати 304 миллион АҚШ доллари миқдоридagi (ўтган йилга нисбатан 33 фоиз ёки 150 миллион доллар кам) 541 минг тонна мева-сабзавот 68 та давлатта экспорт қилинди. Шундан энг кўп маҳсулот Қозғистон Республикаси (91 миллион АҚШ доллари), Россия (68 миллион АҚШ доллари) ҳамда Қирғизистон Республикаси (52 миллион АҚШ доллари)ға сотилди.

тажрибаларға эга бўлган 133 нафар ходим учун янги иш жойлари яратилади. Шундан 40 нафар мутахассис бугунги кунга қадар дунёнинг етакчи (АҚШ, Туркия, Исроил, Голландия, Германия, Хитой, Латвия) давлатларида малака ошириб қайтиди. Қолган мутахассислар ҳам йил якуниға қадар халқаро қишлоқ хўжалиги марказларида тажриба ўтайди.

Ушбу марказ фаолиятини йўлга қўйишга Жаҳон банкининг кредит лойиҳаси, Европа Иттифоқининг грант кўмаклари ва хусусий инвесторларнинг маблағлари йўналтирилади. Кейинги bosқичларда мазкур марказлар фаолияти республикаимизнинг бошқа барча ҳудудлари ва туманларида йўлга қўйилиши белгиланган. Хусусан, 2021-2022 йилларға мўлжалланган иккинчи bosқичда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Жиззах вилоятларида «Агрохизматлар маркази» иш бошлайди.

2020 йилда республикаимиздаги барча тоифа хўжаликларидида етиштириладиган дуккакли, мойли, техник ва озуқа экинларининг ялпи ҳосил кўрсаткичлари



Шундан:



Гектарига 20 центнердан кам ҳосил олган фермердан ер олиб қўйилади.

Бугун ватанпарварлик ҳақида гапирилса, кўпчиликнинг энсаси қотади. Бўлди қил шу уйдирмангни, бу менга, сенга нима беради, дея фикрини асослашга киришади: янги ишга туширилган савдо маркази хорижий тилда номланса жарангдорроқ эшитиларкан, маҳсулотларнинг ҳам хорижда ишлаб чиқарилгани сифатлимиш, дунёқараш масаласида денгиз ортидагиларга тенг келадигани йўқ...



ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ҚОЛИПДАГИ ТАДБИРЛАР БИЛАН ШАКЛЛАНТИРИБ БЎЛАДИМИ?

Биз қачондан «тақлид»чига айландик? Наҳот, шууримизга ўзимиз раҳбарлик қила олмаймиз? Боғчадан тортиб, олий таълим муассасалари, маҳаллаларда йилга юз марталаб ўтказилаётган тадбирларнинг самараси шуми? Ёт маданият, ёт қўллар башарият онгини эгаллаш пайида бўлган вазиятда «қолипдаги» тадбирларга таяниш нечоғли тўғри?

Энг кучли иммунитет бу...

— Давлатимиз раҳбарининг «Ҳозирги ғоят мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли таъсирлардан асраш янада муҳим аҳамият касб этмоқда» деган таъкиди айни ҳақиқат, — дейди Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси Алижон Сафаров. — Нега Юртбошимиз ёшлар ватанпарварлигига эътибор қаратади? Бу саволни фарзанди, мамлакати тақдирига бефарқ бўлмаганлар ўз-ўзига берсин! Президент айтган зарарли таъсирлардан ёшларнинг онги, қалбини муҳофаза қилишда энг кучли иммунитет ватанпарварлик. Шунинг учун масала долзарб. Вақтнинг йўқотилган зарарлари бошимизга тош бўлиб тушмасидан ватанпарварлик тарбияси, маърифатга зарар етказадиган ахборотларни билиб-билмай келажакимиз давомчилари онгига тикиштирмайлик.

Ковун қовундан ранг олади, деганларидек, бугун негандир хусусий телеканаларимизда ютуқли шоулар оммалашиб кетган. Маърифат, маънавият мавзуси эса тош босмайди. Россия телеканалларида ҳам киморбозликка ўхшаган кўрсатувлар бунчалар болалаб кетмаган. Бу, фуқароларга нима беради? Балким телеканалга, ишлаб чиқарувчига даромад келтирар, аммо фуқароларда истемьол-

чилик кайфиятидан бошқасини шакллантирмайди. Мактаб ва коллеж ўқувчиси ота-онаси тушликка деб берган пулидан тежаб, ютуқ чиқиш эҳтимоли бор товарлар харидига шошади. Орзу майдалашади. Бирданига катта маблағ, буюм ёки автомобилга эга бўлиш мақсади бошқа ниятларни чангида қолдиради. Енгил-елпи ҳаётга ўрганади. Бефарқлик, лоқайдлик, худбинлик шаклланади. Хўш, шундай руҳда камол топаётганларга ватанпарварликдан сўз очсангиз таъсир қилармикан?

Нега фақат масъуллар бош қотириши керак?

Назаримизда, бу масала фақат масъулларни ташвишга солаётгандек. Йўқса, бир нечта ҳужжатлар қабул қилиниши тарғибот тадбирлари кучайтирилишига қарамай, вазият эски ҳаммомлигича қолмаган бўлармикан?

— Ватанпарварликни сунъий йўл билан ўргатиб бўлмайди: сохта шеърлар, кўшиқлар, баландпарвоз гаплар билан, масалан, — дейди Республика маънавият ва маърифат маркази мутахассиси Садоқат Самандарова. — Афсуски, сунъити пайтларда ватанпарварликни тарғиб қилишга йўналтирилган тадбирлар қозғоғ учун ўтказилмоқда. Нима учун? Фикримча, тадбир ташкилотчиларининг ўзида чинакамига ватанпарварлик туйғуси йўқ. Баъзан маиший ташвишлар, иқтисодий масалалар устунлик қилиб, соф маънавий туйғулар иккиламчи даражага тушиб қоляпти. Гоҳида эса бемаза қовуннинг уруғи кўп деганларидек, бундай тадбирлар рўйхатининг кети узилмай қолади. Сифат эмас, сонга хизмат қилиш рақобати бошланиб кетади. Табиийки, бу яна ясамаликни келтириб чиқаради. Шунингдек, ватанпарварликни фақат тадбир ўтказиш йўли билан сингдириш мумкин, деган фикр аллақачон

эскирди. Янгилик услубдаги, техник имкониятлардан, психологик методлардан фойдаланиб ўтказиш мумкин бўлган ўнлаб лойиҳалар, ғоялар мавжуд. Бироқ улар қозғоғда лойиҳалигича қолиб кетади. Чунки уларни амалга ошириш учун маблағ, техника ва кўпинча мутахассислар етишмайди. Яна бир гап, чинакам ватанпарварликни тарғиб қилувчи кучли мотивацион лойиҳаларга юрагиди ҳақиқий юрт ишқи бор бўлган кўнгилчилар жалб этилиши керак. Шундагина биз куттандек ижобий натижа бўлади.

Хўш, бу нимани ўзгартиради?

Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу билан нима ўзгаради?

— Эндиликда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни баҳолаш бўйича танлов ташкил этилади, — дейди Мудофаа вазирлиги тарбиявий ва мафқуравий ишлар бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Темур Нарзуллаев. — Танлов Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳарбий-маъмурий секторлари ўртасида ҳар йили 1 январдан 20 декабргача ўтказилади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг замонавий шакл, усул ва воситаларини ҳаётга кенг татбиқ этиш танлов ўтказишнинг асосий мақсадидир. Мудофаа вазирлиги ҳар йили 1 январь кунини танлов бошланганлиги юзасидан эълон беради. Вазирликнинг Тарбиявий ва мафқуравий ишлар бош бошқармаси эса ҳар ой ҳарбий-маъмурий секторлардан келиб тушган ҳисоботларни ўрганиб чиқади. Балларни белгилаб, йил давомида ўсиб боровчи баллар жамламасини ҳисоблаб юритади. Танлов на-

тижалари ҳар йили январь ойида «Ватан химоячилари кунини» байрами арафасида ўтказиладиган тантанали тадбирда эълон қилинади.

Тадбирлар «қолип»дан чиқадими?

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича ташкил этиладиган ва ўтказиладиган тадбирлар қамрови бирмунча кенгайди. Чунончи, марафонлар, спортнинг ўйин турлари (футбол, волейбол, регби ва бошқалар), «Темурбеклар», «Ёш кутқарувчи» каби ҳарбий-спорт ўйинлари, «Ҳарбий китобхон» танлови ташкил этилади. Ҳарбий хизматчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан таништириш, ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар намуналари намойишларини ташкил этиш учун ёшларнинг ҳарбий қисм ва муассасаларга ташрифи мунтазамлик касб этади.

Вилоят, туман, шаҳар марказларида қўл жанги, ҳарбий оркестрларнинг мусиқали (дефиле), фахрий қоровулнинг кўргазмали чиқишларини қамраб олган ҳарбий-ватанпарварлик фестиваллари бўлиб ўтади. Мактабгача таълим муассасаларида болалар эрталиклари ҳамда «Мен ҳам ҳарбий бўламан!» эстафеталари старт олади. Касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумларда ватанпарварлик руҳидаги «Мардлик ва жасорат», «Тинчлик», «Мустақиллик» каби жасорат дарслари ўргатилади.

Хуллас, ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш тадбирларига ўзгача ракурстан ёндашилади. Аввалгидек ваъхонликлар ўрнини турли фестивалу танловлар эгаллайди. Ҳозирча хулоса ясамаймиз. Боиси бугунги башорат эртага қандай ижобат бўлишини вақт кўрсатади.

Садоқат МАХСУМОВА
«Mahalla»

Самарқандда ҳарбий оркестр томонидан
илк маҳорат дарси ўтказилди.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ камбағалликка ечим бўла оладими?

Президентимиз Парламентга йўллаган Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг яқин тарихида илк бор мамлакатда камбағал қатлам борлиги ҳақида сўз очиб, ушбу масалани ижобий ҳал этиш бўйича зарур таклифларни ўртага ташлаган эди.



ди. Шукри, энди бу ҳақда ташвишга тушишга ҳожат йўқ. Уларга ўзини ўзи банд қилганлиги учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилди. Вилоятда ўзига қулай иш тополмаслиги

ри **Комила Каромова**. — Бундан ташқари, 1089 нафар ўзини ўзи банд қилган фуқарога вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари расмийлаштирилди. Натижада оилавий аҳволи яхшиланиб бораётган оилалар камбағалликдан чиқаришмоқда. Кам таъминланган аҳоли даромадларини ошириш лойиҳаси доирасида эса вилоятда 23 та қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этилиб, 1224 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Шунингдек, вилоят Бандлик бош бошқармаси билан аҳолини тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-

Айни пайтда вилоятдаги мавжуд 771 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 254 таси ҳудудларининг тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, «Бир маҳалла – бир маҳсулот тамойили» асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилди. Бу орқали аҳоли хонадонларида бир турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш бўйича тажриба ва кўникмага эга бўлдилар. Уларда тўлиқ экин экиш ва йил давомида 2-3 марта ҳосил олиш тартиби йўлга қўйилди.

— Экин ерларидан самарали фойдаланиш, тажриба алмашиш мақсадида бир гуруҳ деҳқонлар билан Сурхондарё вилоятининг Ангор, Жарқўрғон ва Денов туманларида бўлди, — дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармасининг ободонлаштириш, томорқа ва экология масалалари бўйича бўлим бошлиғи Ҳасан Тўхтаев**. — У ерда сабзавотчилик соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишилди, деҳқонлардан зарур тавсия ва кўрсатмалар олинди. Жорий йилда бу борадаги ишларни давом эттирган ҳолда яна 85 та маҳалла фуқаролар йиғини «Бир маҳалла – бир маҳсулот тамойили» асосида маҳсулот етиштиришга ихтисослаштирилади.

Афсуски, бугун аҳолининг аксарият қисмида боқимандалик кайфияти ҳўкм сурмоқда. Шундай оилалар борки, томорқаси мавжуд бўла туриб, ундан унумли фойдаланмайди. Улар билан тушунтириш ишлари олиб борил-япти.

Сирасини айтганда, фаровон турмуш тарзига осонгина эришиб бўлмайди. Бунинг учун ҳар бир шахс ҳалол меҳнат қилиши, жамиятда эса унинг фаолияти учун етарлича имконият яратилган бўлиши зарур. Ишонамизки, Президент ташаббуси билан бошланган бу каби хайрли ишлар қисқа фурсатда вилоятда ўз самарасини кўрсатади.

Шоҳиста БОЗОРОВА
«Mahalla»

Барчага маълумки, авваллари мамлакатимизда камбағалликнинг борлиги ҳақида бирор сўз айтилмасди. Унинг ўрнига «кам таъминланган», «эҳтиёжманд оила» каби атамаларини ишла-тиб, муаммоларимизни яшириб, хаспўшлаб келдик. Ҳолбуки, бугун Қашқадарё вилоятида 52 минг 248 та оила камбағалликда ҳаёт кечирмоқда.

Тadbиркорлик иштиёқи бор жойда камбағаллик бўлмайди

Вилоятнинг томорқачилик салоҳиятидан унумли фойдаланиб камбағаллик даражасини камайтириш мумкин. Бунга ўз меҳнати билан оиласи рўзгорига барака киритаётган юртдошларимиз мисолида гувоҳ бўляпмиз.

Чунончи, Косон туманининг Мудин қишлоғида яшовчи Мавжуда опа нафақахўр. У оила аъзолари билан томорқасига озиқ-овқат маҳсулотлари эккан.

— Томорқада асосан келинларим меҳнат қилади, — дейди **Мавжуда Жумаева**. — Бугун уйда ўтириб, ўзини ўзи банд қилган аҳолига имтиёзлар бериляпти. Бундан мен ҳам, оилаларим ҳам хурсанд. Боиси икки келиним уй бекаси, бола тарбияси билан машғул, иш стажига эга эмас. Шу кунга қадар уларнинг фаолияти ҳеч қаерда қайд этилмаган. Бу эса пенсия ёшига етганда нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажига йўқлиги муаммосини келтириб чиқарар-

натижасида меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчилигини ташкил этади. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар учун вақтинчалик меҳнат гувоҳномасини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари берилиши ва гувоҳномалар уларнинг эгаларига меҳнат стажини ҳисобга олиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериши кўпчиликнинг қалбига қувонч олиб кирди.

27 минг 83 нафар ишсиз хотин-қиз бандлиги таъминланди

Дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган ишсизлик муаммоси вилоятда қандай ҳал этилмоқда?

Масъулларнинг маълум қилишича, 2020 йил вилоятдаги 29 мингдан зиёд ишсиз хотин-қиз бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Ҳозирга қадар бандлиги таъминланган аёллар сони 27 минг 83 нафарга етди.

— Уларнинг 4027 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишига жалб қилинган бўлса, 349 миллион 731 минг сўм маблағ миқдорида субсидия ажратиш орқали 256 нафарининг бандлиги таъминланди, — дейди **Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбоса-**

“ Қашқадарё вилояти бўйича 36 минг 143 нафар ишсиз ёшнинг рўйхати шакллантирилиб, жорий йилнинг июнь ойига қадар уларнинг 11 минг 930 нафари (32,6 фоизи) ишга жойлаштирилди. Туманларда ташкил этилган «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» орқали 200 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. 51 нафари касб тайёргарлигига юборилган бўлса, 41 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди. ”

қувватлаш мақсадида ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсиз фуқаролар ҳамда ёшлар учун «Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш» дастури ишлаб чиқилди. Мазкур ташаббусда қатнашиш истагини билдирган 21 минг 837 нафар талабгор рўйхати шакллантирилди.

«Бир маҳалла – бир маҳсулот тамойили»

Кейинги йилларда вилоятда боғдорчилик, иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш, томчилик сугориш асосида сабзавот ва полиз экинларини парваришлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Лифтларни таъмирлаш ва янгилашга маблағлар бюджетдан ажратилади.



ЎЗБЕКИСТОН — ҚИРҒИЗИСТОН: ТАРИХИМИЗ УМУМИЙ, ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ МУШТАРАК, АНЪАНАЛАРИМИЗ ЎХШАШ

Марказий Осиёнинг тинчлиги ва барқарорлиги тараққиёт ва фаровонлик нуқтаи назаридан бирламчи масала.

Таъ олиш керак, Марказий Осиёнинг марда боғлаб бораётган ярасини даволашда Ўзбекистондаги амбицияли ўзгартишлар, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг минтақа давлатлари ўртасидаги мулоқотларни яхшилаш, чегараларни очиш, виза тартибларини бекор қилиш, халқларнинг бордикелдиларини йўлга қўйиш борасидаги ташаббуслари қўл келди. Ўртадаги музликлар, баланд-баланд айсберглар эриди. Халқлар ўртасидаги ўзаро кўприклар тикланди. Ишонч қайтди. Халқаро валюта жамғармаси директори вазифасида ишлаган, айни пайтда Европа Марказий банки раҳбари Критина Лагард Шавкат Мирзиёев ташаббусидан кейин минтақа давлатлари ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 50 фоизга ошганини эътироф этганди.

«Хамма қўшнилари билан биз дўст бўламиз»

Аммо яқинда геосийосий марказ чизиги ўтган Сўхда икки халқ — ўзбек ва қирғиз чегарадош халқлари ўртасида юз берган кичик тўқнашув, ўтган йил июлидан бери Қирғизистон ва Тожикистон чегара участкасида юз берган айрим тўқнашувлар барчамизни бирдек ташвишга солди. Икки томондан ўнлаб киши жароҳатланди.

Ким нима дейишидан қатъи назар, ушбу минтақадаги вазият советлар давридан бошлаб мураккаблашиб борган. Уша вақтдаги совет ҳукумати атайин ёки ўзи билмаган ҳолда давлат чегарасини шундай белгиланганки, вақт ўтиши билан «портлайдиган бомба» вазифасини ўташни хоҳлаган. Мана, энди шу нарса содир бўлмоқда. Олайлик, советларнинг миллий давлат чегаралаш сиёсатини ўтказиши натижасида Қирғизистоннинг бир қисм ҳудуди Тожикистон ёки Ўзбекистон ичкарисида ёки Ўзбекистоннинг ҳудуди Тожикистон ёки Қирғизистон ҳудудида қолиб кетди. Бундай чигалликлар Марказий Осиё давлатларининг барчасида етиб ортади.

Ўзбекистон доимо қўшнилари учун очик. Минтақадаги барча мамлакатларнинг ижтимоий ва иқтисодий муаммолари ечимини фақат дўстлик, ҳамжиҳатлик ва халқаро муаммоларга ягона позицияда ёндашувга боғлиқ эканини Ўзбекистон раҳбарияти яхши тушунади. Халқимиз бежиз айтмаган: «Бўлингани бўри ер».

Давлатимиз раҳбари ҳам эътироф этганидек: «Хамма қўшнилари билан биз дўст бўламиз. Бошқа ниятимиз ҳам йўқ. Албатта, кўп-кўп муаммолар бор, лекин одамзот шунинг учун, раҳбарият шунинг учун борки, бу муаммоларни ақл билан, ирода билан, вазминлик билан ечиш керак... Ҳар бир давлатнинг ўзини нияти, ўзини халқи, ўзини истаклари бор. Шунинг учун биз дўстлик нуқтаи назаридан, самимийлик нуқтаи назаридан, биродарлик нуқтаи назаридан қўшнилари билан фақат дўст, дўст ва яна бир марта дўст бўламиз».

Сунъий тўсиқлар бартараф этилди

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан бир дарёнинг икки қирғоғида яқин қўшни сифатида яшаб келган. Тарихимиз умумий, маданий ва диний қадриятларимиз муштарак, анъана ва урф-одатларимиз ўхшаш. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, «Халқларимизнинг қони бир, тили бир». Ҳеч иккиланмасдан айтиш жоиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси, хусусан, Қирғизистон асосий йўналиш сифатида устуворлик касб этади.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг олий даражадаги учрашувлари бирмунча олдин совуқлашган муносабатларимизга илиқлик киритди. Давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги сунъий тўсиқларни бартараф этди, чинакам бордикелди тикланди. 2016 йил охирида Андижон ва Ўшда бўлиб ўтган расмий делегациялар учрашувларидан сўнг ўзбек-қирғиз муносабатлари жадал суръатларда ривожланди.

Аммо йиллар давомида шакланган вазиятни бир соат ичида ўзгартириб юбориш осон эмас. Зеро, кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, тегишли фармон ва фармойишлар бериш, ҳуллас, барча бюрократик «анъана ва удумлар»га рия қилиш лозим. Аслида икки республика ҳукуматлари энг асосий муаммо — чегаралар демаркацияси ва делимитацияси борасида мураккаб ишни амалга оширдилар. Томонлар ўртасидаги сўнгги келишувлар бу масалада сезиларли равишда олға қадам ташланганлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Умумий узунлиги 1370 километрни ташкил этувчи ўзбек-қир-



ғиз чегарасининг бугунгача 92 фоиздан кўпроғи бўйича келишиб олинган. Тошкент илгари кузатилмаган равишда айрим ён беришларга рози бўлмоқда. Бишкек эса, ўз навбатида, муаммоларни ҳал қилишни орта сурмаяпти. Муз ҳақиқатан ҳам жойидан кўчгани ойдинлашди. Нафақат чегараларни демаркация қилиш, балки фуқароларнинг чегараларни кесиб ўтишлари борасида ҳам силжиш кузатилди. Яқиндагина чегараолди низолари сабаб тез-тез тўқнаш келган давлатлар учун бу олдинга ташланган катта қадамдир.

«Шавкат Мирзиёев муносабатларимизда янги даврни бошлаб берди»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5-6 сентябрь кунлари Қирғизистонга амалга оширган давлат ташрифи икки мамлакат раҳбарлари томонидан Самарқандда эришилган келишувларнинг манتيқий давоми бўлиб, Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ривожидида янги саҳифа очгани билан тарихий аҳамиятга эга.

Юксак даражадаги музокаралар якунлари бўйича ўтган матбуот анжуманида Қирғизистон Президенти ташрифини «икки давлат халқлари 20 йилдан зиёд вақт кутган ҳодисадир. Ўзбекистон Президенти билан учрашув жараёнида икки томонлама муносабатларнинг деярли барча масалалари ҳал этилди ва бу Шавкат Мирзиёев томонидан намоён этилган сиёсий ироданинг натижасидир. Ушбу ташриф қардош халқларимиз муносабатларида янги давр, янги замонни бошлаб берди», деб таъкидлади. Бундай фикрларни нафақат расмий доира вакиллари, балки оддий қирғизистонликлар ҳам билдирди. Икки томонлама

муносабатларни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистоннинг «Данакер» ордени билан мукофотланди. Данакер — «яраштирувчи» деган маънони англатади.

Тўғриси айтиш керак, 1991 йилдан бери ўзбек-қирғиз муносабатлари бир текисда кечмади. Ҳатто 2010 йилда айрим миллатчилар томонидан Қирғизистон жанубидаги ўзбекларга нисбатан қирғин уюштирилди. Ўзбек кечирилми халқ, Мавжуд муаммоларга қарамай, Ўзбекистон қийин ва мураккаб кезларда Қирғизистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Ўтган йили оғир молиявий қийинчиликларни бошдан кечириётган республикага Ўзбекистон 100 миллион долларлик кредит ажратди.

Мухими, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат раҳбарлари «Чашма» чегараолди ҳудудида рўй берган ҳодиса билан боғлиқ масалаларни батафсил кўриб чиқиб, бундай вазият бошқа такрорланмаслиги учун мукамал чоралар қабул қилиш муҳим эканини таъкидладилар. Ҳукумат делегациялари ўтказган музокараларнинг самарали натижалари мамнуният билан қайд этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Қирғизистон Ҳукуматлараро қўшма комиссияси ҳамда Чегарадош вилоятлар маъмуриятлари раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисларини ўтказиш таклифи қўллаб-қувватланди. Боткен вилоятининг Қадамжон туманидаги Чечме (Чашма) чегараолди ҳудудида Қирғизистон билан Ўзбекистоннинг ҳуқуқ-тартибот идоралари биргаликда Чашма булоғи ва унинг теграсини назорат қилмоқда.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН УЙЛАР халқ учун эмасми?



Бундан бир неча йил илгариги уй-жой етишмовчилиги ҳолатлари ҳали кўпчилиكنинг ёдидан кўтарилгани йўқ. Ҳокимликлар идораларида янги қурилаётган уйлардан кредитлар эвазига харид қилиш учун коррупцион схемалар асосида шакллантирилаётган навбатларнинг чеки кўринмасди. Бу вазиятдан, айниқса, турли монополчи «инвест»лар катта фойда кўрди. Боз устига, гўёки жамиятнинг бошқа қатламлари — ногиронлар, ёлғиз аёллар, хуллас, нотўлиқ оилалар, шунчаки, ёшли 30 дан ошганлар кўчада яшаши керакдек, уй-жойга давъоварлик учун мантиқсиз шартлар ҳам қўйилди.

Масалан, харидорлар ёш оила, Зулфиячими, «камолотчи»ми, кўшиқчими, шубҳали танловлардан бирининг голибими ва ҳоказо бўлиши керак эди. Юқоридагиларнинг асосий сабабларидан бири сифатида тураржойларнинг жуда кам миқдорда қурилгани, томорқа учун ер ажратилмай қўйилганини келтириш мумкин. Аслида эса, ўша пайтда ҳам, уй қуриб сотиш, сердаромад соҳадан даромад кўриш иштиёқига дағи тадбиркор, инвесторни кўплаб топиш мумкин эди. Шу йўл билан бинолар қийматининг дефицит ва монополия эвазига кўтарилган қисмини пасайтириш, коррупцияни чеклаш мумкин бўлган. Аммо бундай қилинмади. Сабаблари эса кўпчиликка маълум...

Хўш, уй-жой бозорига бугунги вазият қандай? Мавзу юзасидан **Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси мутахассиси Манижа Баҳриеванинг** фикрлари билан қизиқдик.

Банклар қандай тақлиф бермоқда?

— Албатта, ҳамма ҳам сифатли, ташқи ҳамда ички кўриниши чиройли уйларда яшашни орзу қилади. — дейди **М. Баҳриева**. — Аммо бугунги шароитда талаб даражасидаги хонадонга эга бўлиш бироз мураккаб. Бунинг асосий сабаби аҳолининг катта қисми ойига ўртача 2 миллион сўмдан 5 миллион сўмгача маош олишида. Харидни ипотека кредитлари асосида амалга оширмоқчи бўлганлар учун кредитларнинг фоизи ҳамон юқорилигича қолмоқда. Президентимизнинг жорий йил 1 майда «Аҳолининг уй-

жой шароитини яхшилаш ҳамда ипотека кредити бозорини янада кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Қарор аслида ипотека кредити бозорини янада ривожлантириш, хусусий гудрат ташкилотларини уй-жойлар қурилишига кенг жалб қилиш ҳамда уларга қулай шарт-шароитлар яратиш, шу орқали рақобат муҳитини шакллантириб, уй-жойлар қийматини пасайтириш мақсадида қабул қилинди. Унга кўра, банклар бирламчи ва иккиламчи уй-жойлар учун 15 йилдан 20 йилгача ипотека кредити ажратиши тўғрисидаги тақлиф жамоатчиликка маълум қилинди. Биз турли банкларнинг бу борадаги тақлифларини ўргандик. Қузатувлар натижаси шуни кўрсатдики, масалан, «Ipoteka bank»нинг тақлифига кўра бугунги кунда янги қурилган бирламчи уйлардан харид қилмоқчи бўлсангиз, бошланғич тўловнинг 20 фоизини тўлаганингизда 15 йилдан 20 йилгача йилига 22 ёки 23 фоиздан тўлаб боришингизга тўғри келади. Иккиламчи бозордан, яъни эски қурилган уйлардан сотиб олмоқчи бўлсангиз, бошланғич бадалнинг 25 фоизи тўланса, қолган қисми 15-20 йилга 26 фоиздан тўланади. «Irak yo'li banki» мутахассисининг берган маълумотига кўра, ипотека кредити фақат бирламчи уйларга берилар экан. Шундан харид қилинадиган уйнинг 20 фоизи бошланғич тўлов сифатида тўланса, қолган қисми 20 йилга 21 фоиздан тўлаб борилади. Мазкур банк миջозларга 2 хонали уй учун 224 миллион сўмгача, 3 хонали уйлар учун 352 миллион сўмгача ипотека креди-

тини ажратади. «Sanoat qurilish bank» эса ипотека кредитларини фақат бирламчи бозордаги уйлар учун бермоқчи. Бошланғич тўлов 20 фоиз. Йиллик тўлов 20 фоиздан 20 йилга бўлиб тўланади.

Ўзи уйнинг нархи қанча?

«Murat Buildings» номи остида сотуви амалга оширилаётган ярим тайёр уйларнинг ҳар квадрат метри ўртача 6,5 миллион сўмдан бошланиб, 14 миллион сўмгача сотилмоқда.

Мазкур уйларнинг бирига соҳиб

“

Умуман, таъмирланган уйларнинг 1 квадрат метрини минимал 6 миллион сўм деб ҳисоблаш мумкин. Дейлик, 2 хонали 54 квадрат метрли уй. Умумий қиймати 324 миллион сўмга етади. Аввал бошида 20 фоизлик бадал пулини тўлаб қўйиш шарт. Шунда уйнинг қолдиқ таннархи 259 миллион 200 минг сўм бўлади. 15 йилга 259,2 миллион сўмнинг 20 банк фоизи билан 777 миллион 600 минг сўмни ташкил этмоқда.

”

бўлиш учун томонларнинг келишув шартномаси асосида исталган банкдан ипотека кредитларини олиш имконияти мавжуд. «Bizning uy» қурилиш компанияси тавсия этаётган яшаш учун тайёр уйларнинг ҳар квадрат метрига 6,2 миллион сўмдан 6,7 миллион сўмгача нарх белгиланган. «Huvaydo» мажмуаси томонидан қурилган ярим тайёр уйларнинг бир квадрат метри 8,2 миллион сўмни ташкил этяпти.

Умуман, таъмирланган уйларнинг 1 квадрат метрини минимал 6 миллион сўм деб ҳисоблаш мумкин. Дейлик, 2 хонали 54 квадрат метрли уй. Умумий қиймати 324 миллион сўмга етади. Аввал бошида 20 фоизлик бадал пулини тўлаб қўйиш шарт. Шунда уйнинг қолдиқ таннархи 259 миллион 200 минг сўм бўлади. 15 йилга 259,2 миллион сўмнинг 20 банк фоизи билан 777 миллион 600 минг сўмни ташкил этмоқда.

Қанча ойлик олиш керак?

Демак, истеъмолчи 15 йил мобайнида 777 миллион 600 минг сўмни тўлашга тўғри келади. Банклар тақлиф этаётган ипотека кредитларининг энг юқори суммаси 352 миллион сўмни ташкил этганда, ойига 5,8 миллион сўмдан тўлаб боришга тўғри келади. Энди ҳақли саволлар юзага келади? Агар оилада 1 нафар киши ишласа, бординги, икки нафари ҳам меҳнат қилсин, уларнинг топаётгани ана бординги, 6 миллион сўм бўлсин. Бу пул уй-рўзгорга етадими ёки ипотека кредитини тўлашгами? Аслида банклар кам ойлик оладиган истеъмолчига ипотека кредитини бермайди. Йиллик даромад тўғрисидаги маълумотнома олиб борганингизда, «хурмапти мижоз, сиз бир ойда камида 8 миллион сўм маош олишингиз керак, акс ҳолда Сиз билан ишлай олмаймиз», деган жавобни эшитасиз.

Ўйлаб қаралса, истеъмолчи ишлаб топган ойлик даромадини 15 ёки 20 йил давомида кредитга тўласинми, фарзандини боқсинми, коммунал тўловларни амалга оширсинми? Улар шу вақт давомида еб-ичишдан, кийинишдан ўзини тийсинми? Болаларнинг таълимига сармоя-чи?

Кредит олган хонавайрон бўладими?

Эътибор берилиши шарт бўлган яна бир жиҳат бор. Бу – кўтарилаётган умумий кредитнинг 20 ёки 25 фоизини олдиндан тўлаш шарт. Бундай бадалнинг мавжудлиги нафақат бозор қонунларига зид, балки кредит олувчини хонавайрон қилишга қаратилгандир. Кўпчилик ушбу миқдордаги суммани йиға олмайётгани учун ҳам кредит ололмай қолмоқда. Эътибор берилса, хорижий давлатларда бошланғич тўлов ўртача 5 фоиздан 10 фоизгачани ташкил этади. Масалан, Россия Федерацияси ёш болали оилалар учун бошланғич тўлаш 5 фоиз, 30 йилга 20 фоиздан бўлиб тўлаш шарти билан аҳолини уй-жой билан таъми-ламоқда. АҚШда 10 йилдан 30 йилгача, йилига 5 фоиздан тўлаш шарти билан ипотека кредитлари ажратилмоқда. Бизда қайси мезонлар асосида ипотека кредитларининг фоиз ставкалари белгиляпти?

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, бугунги кунда қабул қилинаётган ҳар қандай қонун инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилиши лозимлиги тақрор-тақрор айтылади. Аммо биргина ипотека кредитларининг берилиш тартибига тўхталадиган бўлсак, бунда истеъмолчиларнинг ҳеч қандай манфаати устуллик қилмайди. Фақат банк ва қурилиш ташкилотлари мўмай даромад топиш илтижиди.

Улугбек ИБОДИНОВ тайёрлади.

Қашқадарёда МИБ ходими 30 кишилик тўйдан ортган пулга Меҳрибонлик уйи учун китоблар хайрия қилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ


МИСЛСИЗ ҚУРҒОҚЧИЛИК

БЎСАҒАСИДАМИ?

Собик иттифок парчаланганидан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида сув ресурслари масаласида муаммолар келиб чиқаётгани бор гап. Зеро, минтақамизнинг обиҳаётга бўлган эҳтиёжининг деярли 90 фоизини бир неча мамлакат худудидан оқиб ўтувчи Амударё ва Сирдарё таъминлайди. Худуд тарихида сув ҳамиша тараққиётнинг асосий таянчи бўлиб келган. Кўҳна шаҳарларнинг барпо этилиши, тамаддулар пайдо бўлиши, йўқ бўлиб кетиши шу икки дарёдаги обиҳаётнинг миқдори, ундан қай даражада самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқ эди. Хўш, бугунги кун — минтақа давлатларининг қишлоқ хўжаликлари, саноати шиддатли ривожланаётган, аҳоли сони жуда тез ўсаётган, ҳуллас, сувга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгиданда ортиқ бўлган шароитда мазкур масала қай аҳволда? Мавзу юзасидан **Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодий ҳамкорлик институти директорининг Ўзбекистон томонидан ўринбасари Искандар Абдуллаевнинг** фикрлари билан қизиқдик.

Жорий вазият

— Марказий Осиё сув ресурсларининг йиллик ҳажми тақрибан 116 километр кубни ташкил этади, — дейди **И. Абдуллаев**. — Бу тахминан Орол денгизи тўла бўлган пайтдаги сув миқдорига тенг. Биз ишлатаётган обиҳаётнинг 90 фоизи Амударё ва Сирдарёдан ҳосил бўлади. Минтақадаги ер ости сувлари ҳажми тахминан 43,49 км3 дир. Бугунги кунда сувнинг 80 фоизи қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сарфланмоқда. 7–8 фоизи саноат, қолган қисми рўзгор, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлатилади. Минтақада сувдан мақсадсиз фойдаланиш қандай оқибатларга олиб келишини Орол денгизи фожиаси мисолида яхши биламиз. Олимлар узоқ йиллардан буён жаҳонда қутилаётган иқлим



ўзгариши шароитида минтақамиз сувнинг кескин етишмаслиги муаммосига дуч келиши мумкинлигини башорат қилиб келади. Воқеаларнинг тахминий сценарийларига кўра, давлатларнинг обиҳаётдан фойдаланиш имконияти 8–0 фоизга пасайиши, аҳолининг сув билан таъминланганлик даражаси киши бошига йилига мавжуд 2500 м³ дан 1400 м³ га қисқариши мумкинлигини аниқлатади. Бундан ташқари, сувдан тежаб-тергаб фойдалана билмаслик, унинг етказиб бериш жараёнида йирик миқёсда исроф бўлиши ҳолатлари минтақадаги вазият янада ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Юқоридагилар сув хавфсизлиги масаласида минтақа давлатлари мувофиқлаштирилган зарур чораларни амалга ошириши лозимлигини кўрсатади.

Халқаро сув муносабатлари қандай мувофиқлаштирилмоқда?

Марказий Осиёда сув муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан 5 та республика ўртасида қабул қилинган «Давлатлараро манбаларнинг сув ресурсларидан биргаликда фойдаланишни бошқариш ва қўриқлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги келишувга асосан тартибга солинади. Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси (ДМСХК) фаолият юритади. У 1992 йилда ташкил этилган эди. ДМСХК таркибига котибият, Сирдарё ва Амударёнинг иккита ҳавза ташкилоти ва илмий-ахборот маркази (ДМСХК ИАМ) киради. Комиссия кенгашла-

ри йиғилиши йилига икки марта ёки ундан кўпроқ ўтказиб турилади. Қарорлар ўзаро муроаса асосида қабул қилинади.

Қандай ишлар амалга ошириляпти?

Бугунги кунга келиб, сув бўйича ҳамкорлик масалаларига умумий манфаатлардан келиб чиқиб ёндашиляпти. Муаммоларни муҳожама қилиш учун Марказий Осиё мамлакатлари Ташқи ишлар вазирлари учрашуви сингари сиёсий платформалар ташкил этилди. Минтақадаги 5 та республика раҳбарларининг доимий саммитлари чоғида сув масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Қайд этиш жоизки, Марказий Осиё мамлакатлари халқаро ҳамкорлар кўмағида Орол денгизи муаммосини ҳал этиш йўлида кўплаб натижаларга эришдилар. Бунинг натижасида денгизнинг Қозоғистон тарафидаги бир қисми тикланди, Ўзбекистон Оролбўйи сув ҳавзалари экотизимини сақлаб қолди. Денгизнинг қуриб қолган тубини фаол ўрмонлаштириш бошланди. 750 минг гектарга яқин худудга турли дарахт ва буталар экилди. Ҳукумат экологик фалокат худудини инновация ва инвестициялар зонасига айлантириш ҳақида қарор қабул қилди.

Миллий даражадаги сув хўжалиги идораларининг мақоми ўзгарди. Илгари мустақил сув ресурслари вазирликлари қишлоқ хўжалиги, энергетика ёки атроф-муҳит муҳофазаси вазирликлари таркибига кирар, бошқарувчи идоралар ваколатлари ва обрўси пасайиб кетган эди. Қишлоқ хўжалиги ва миллий маъмурий ислохотлар, ўзгаришлар сув хўжалиги соҳасига

тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарлари ўртасида ҳамкорликнинг прагматик ва барқарор тизими яратилляпти.

Нима қилмоқ керак?

Бу ўринда, янги техник ечимларни қидириш, ҳамкорлик ва секторлар ўртасида комплекс режалаштиришга кўмаклашиш учун янги сиёсий ва иқтисодий мезонларни ишлаб чиқиш зарур. Тожикистон ва Ўзбекистондаги сув соҳаси ислохотларини давом эттириш, Туркманистондаги ўзгаришлар кузатиб борилиши керак. Шунингдек, ҳукуматлар сув таъминоти соҳасида тегишли рағбатлантириш йўлларини жорий этиши, уни хусусий ва халқаро инвестициялар учун жозибador қилиши керак. Зеро, эски сув таъминоти тизимлари ундан фойдаланиш чоғидаги йўқотишларнинг асосий сабабчиси бўлиб келяпти. Минтақа давлатлари сўғориш тизимининг деярли 70 фоиз инфра-тузилмаси ва сув таъминотининг 50 фоиз тизими эскириб, тиклаш ёки алмаштиришга муҳтож. Шу сабаб, сув таъминоти сектори учун инвестициялар ҳаводай зарур. Соҳада таълим ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш, сунъий интеллект, дронларни қўллаш, интенсив дала ва боғларни яратиш, томчилаб сўғоришга ўтиш сингари янги замонавий ғоялар ҳам сувни тежашда катта аҳамият касб этади. Сув ресурслари соҳасида ишлаётган ёш ва истеъдодли кадрларни рағбатлантириш ҳам самара беради. Бизнингча, юқоридагиларни ҳаётга татбиқ қилиш Марказий Осиё учун қатор олимлар башорат қилаётган сув танқислиги, қурғоқчилик хавфини бар்தараф қилишда муҳим аҳамият касб этган бўларди.

Улуғбек ИБОДИНОВ
«Mahalla»

Ўзбекистон ва Швейцария ўртасида «Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш Миллий лойиҳаси» ҳақидаги битим имзоланди.

Коронавирус пандемияси бутун дунё учун катта синов бўлмоқда. Вужудга келган глобал инқироз барча мамлакатлар иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатяпти. Жаҳон банкининг прогнози бўйича 2020 йилда дунё ялпи глобал маҳсулоти 5,2 фоизга, АҚШда ялпи ички маҳсулот 6,1 фоизга, Россияда 6 фоизга, Европа Иттифоқида 9,1 фоизга тушиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Хитойда 1 фоиз, Ўзбекистонда эса 1,5 фоиз иқтисодий ўсиш бўлиши тахмин қилинмоқда. Коронавирус пандемияси туфайли дунё иқтисодиётида автомобилсозлик, авиакомпаниялар, туризм, энергетика саноати жиддий зарар кўрди. Жаҳон иқтисодиёти ўсиш прогнозлари 2,5 фоиздан 1,3 фоизга тушди.

Инқироз туфайли дунёдаги иш жойларининг деярли 80 фоизи ёпилди. Ҳисоб-китобларга кўра, глобал миқёсдаги ишсизлик даражаси 25 фоизга чиқиб, дунё савдо ҳажми эса 35 фоизга камайиши тахмин қилинмоқда. Айни пайтда дунёда қашшоқлик даражаси 50 фоизга ошиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Таъкидлаш жоизки, кўлами ва ҳажми нуқтаи назаридан олиб қараганда, COVID-19 эпидемияси натижасида юзага келган ушбу иқтисодий инқироз аввалги инқирозларнинг энг даҳшатлисидир. Ана шундай вазиятда Ўзбекистон иқтисоди 1,5 фоиз ўсиши нимага асосланиб прогноз қилинмоқда? Бу ҳусусда мутахассисларга юзландик.

Иқтисодий инқирозга қарши чоралар борми?

— Бугунги кунда юзага келган инқироз оқибатларини юмшатиш, аҳоли даромади камайишининг олдини олиш, бунинг учун эса, аввало, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ва манзилли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Жамшид Кўчқоров**. — Утган уч ойда иқтисодиёт тармоқларида 2,3 триллион сўм солиқ имтиёзлари берилди ҳамда Инқирозга қарши қуралиш жамғармасидан 3,6 триллион сўм ажратилди. Жорий йил иқтисодиётда ўсиш суръатларини таъминлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Булар иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш, банк тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш, саноатда рақобатбардошликни кучайтириш, кичик бизнесни ривожлантириш, рақамли технологияларни барча тармоқларда кенг жорий қилиш орқали амалга оширилиши белгиланган. Бюджет тушуми ва харажатларини оптималлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ҳисобига қўшимча даромадларни таъминлаш, ташқи қарз битимларини тузишда белгиланган чекловдан ошмаслиги керак. Жорий йилда 810 мингта доимий иш ўринини қайта тиклаш, 310 минг доимий ва 633 мингта мавсумий

Дунё иқтисодий таназзулда. Ўзбекистон-чи?

иш ўрни яратиш бўйича иш олиб борилаяпти.

Шунингдек, Президентимизнинг жорий йил 8 июнда қабул қилган «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, ўзини ўзи банд қилувчи фаолият турлари сони 24 тадан 67 тага кўпайтирилди.

Экспорт салоҳияти қандай?

— Пандемия шароитида экспортни ошириш ва валюта тушумини таъминлаш жуда долзарб масала, — дейди **Инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умрзақов**. — Ташқи бозорларда талабнинг кескин камайиши экспортчи корхоналарга жиддий таъсир қилмоқда. Юртимизда фаолият юритаётган 6000 га яқин экспортчи корхоналарнинг ҳар биттаси билан манзилли ишлар амалга ошириш натижасида 33 фоизда муаммо аниқланиб, уларни бартараф этиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Корхоналар фаолияти учун салкам 4 трлн. сўмлик кредит ажратилди. Мингтадан ортиқ хориждан

мутахассислар олиб келиниб, экспорт лойиҳалари устида иш олиб борилаяпти. Жорий йилда республика экспорт тушумини 17 миллиард АҚШ долларига етказиш режалаштирилган. Шу боис барча тадбиркорларнинг янги ғоялари ва лойиҳалари ўрганилмоқда.

Имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаган

Саноатда имкониятимиз катта. Аммо тармоқларда ўсиш кўрсаткичи паст. Айрим тармоқларда хомашёни чуқур қайта ишлаш ва қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг яхлит занжири яратилмаган. Мисол учун, мисни қайта ишлаш 25 фоиз, ипакчиликда 20 фоизга ҳам етмайди. Тармоқлараро кооперация ҳам тўлиқ йўлга қўйилмаган. Жулладан, электротехника ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ўзаро кооперация ҳисобига камида 80 миллион долларлик маҳсулот тайёрласа бўлади. Ёки кимё саноати тўғримачилиги учун синтетик тола ва полиэстер, автомобилсозлик ҳамда қурилиш материаллари соҳасига корд ва турли бўёқлар, озиқ-овқат саноатига ароматизаторлар етказиб бериши мумкин. Шу боис замонавий техно-

логиялар трансферини йўлга қўйиш, тармоқларнинг энергия самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишни назарда тутувчи Саноат сиёсати стратегиясини ишлаб чиқиш зарур.

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш қувватлари ошмоқда









Пандемиянинг таъсирига қарамай, мамлакатимизда озиқ-овқат соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш ишлари изчил давом этмоқда. 2020 йилнинг январь-май ойларида «Ўзбекозиқовқатхолдинг» компанияси, инвесторлар, маҳаллий ҳокимликлар кўмагида қиймати 268,2 млрд. сўм, қуввати 168 минг тонна бўлган 50 та худудий лойиҳа ишга туширилди.

Эндиликда, Жиззах вилоятидаги «Вахтал juice master» МЧЖ, Сирдарё вилоятидаги «Sub-Dry» МЧЖ, Фарғона вилоятидаги «Европринг Ко-канд» МЧЖ, «Еco export Trade» МЧЖ каби ана шундай янги корхоналар ҳисобига худудларда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ошишига эришилмоқда.

Йил якунига қадар худудий лойиҳалар асосида жами 350 га яқин озиқ-овқат корхоналарини ишга тушириш режалаштирилган. Озиқ-овқат соҳасида тўғридан-тўғри инвестиция маблағлари ҳисобига худудий лойиҳаларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш жойларини яратиш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда халқ фаровонлиги даражасини оширишга ёрдам беради.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

8 та АСОСИЙ Йўналиш 2020 йилда ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИДА ЎСИШ СУРЪАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

-  иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш;
-  камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини ошириш;
-  банк тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш;
-  тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кўпайтириш;
-  экспорт салоҳиятини ошириш ва валюта тушумларини таъминлаш;
-  саноатда рақобатбардошликни кучайтириш;
-  кичик бизнесни ривожлантириш;
-  рақамли технологияларни барча тармоқларда кенг жорий қилиш.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 1 трлн. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилади.

Бутун дунёни таҳликага солган коронавирус пандемияси туризм соҳасига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Аввалига халқаро қатновлар тўхтатилган бўлса, ички туризмдан умид қутилаётган бир паллада айни сайёҳлик мавсуми арафасида юртимизда ҳам қатъий карантин тартиби жорий этилди. Натижада дастлабки ярим йилликда соҳанинг иқтисодидеги улуши деярли «нол»га тушиб қолди.

ТУРИЗМ: соҳага янги ёндашувлар керак

Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан карантин талабларига тўлиқ риоя қилган ҳолда ички туризмни тиклашга рухсат берилди.

Вилоятда айни пайтда жами 362 та жойлаштириш воситаси (151 та меҳмонхона, 65 та ҳостел ва 146 та оилавий меҳмон уйи) мавжуд бўлиб, улар жами 3732 хона ва 8526 ўринни ўз ичига олади.

– Албатта, ўтган даврда бой берилган даромадни тўлиқ қоплаш имконсиз, аммо департаментимиз томонидан янгидан **старт олган мавсумдан имкон даражасида унумли фойдаланиш борасида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда, – дейди вилоят туризм департаменти раҳбари ўринбосари Ойбек Ҳакимов.** – Хусусан, жорий мавсумда вилоятда туризмнинг янги йўналишларини татиқ этиш борасида ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди. Масалан, Тўдақўл соҳилида соҳил туризмни ривожлантириш, бу борадаги инфратузилмани шакллантириш бўйича иш олиб борилаётган бўлса, Вобкент тумани Ширин қишлоғида «Қишлоқ туризми» йўналиши ташкил этилмоқда.

Ҳар не истарсан, ўзингдан истагил

Бизда ғалати одат бор. Тадбиркорлик, бизнес ҳақида гап борганда дарров тасаввуримиздаги стероидларга мурожаат қиламиз. Масалан, туризм бизнесида нега фаранглардан орқада қолганмиз, дея савол беришса, дарров уларда Эйфель минораси Лувр музейи борлигини иддао этамиз. Туристар контингентининг аксарияти европаларга аҳоли эканлиги боис уларга кўпроқ оврўпача маданиятдаги объектлар маъқул эканини баҳона қиламиз.

Хўш, Осиё қитъасидаги Малайзия ёки БАА нега сайёҳлик бизнесида биздан олдинда? Аксарият объектлари сўнгги қирк йил ичида бунёд этилган бўлса. Бунда ҳам вақт тайёр, улардаги мухташам иморатлар сайёҳларни жалб этади!

Аслида бу баҳоналарнинг барчаси миямизда қотиб қолган

стероидлар маҳсули. Агар чин диддан исталса, маркетинг ишлари тўғри йўлга қўя олинса, мавжуд объектларимиз ортидан ҳам Францияю БААдан кўра кўпроқ даромад олишимиз мумкин. Бизда туризмни ривожлантириш учун сайёҳларга кўрсаттулик янги биноларни қуриш шарт эмас. Шунчаки уларни маҳорат билан кўрсата олишимиз керак. Кўрсата олиш фақатгина «Ўзбекистонда фалон тарихий обида ёки мухташам иморат бор», дея кўз-кўз этиш, ёдгорликлар ҳақида ахборот беришгина эмас, балки ана шу объектлар ҳудудида уларнинг имкон қадар кўпроқ вақт ўтказишлари учун шароит яратиб беришдир.

Зиёратгоҳ ва мажмуалардаги кўрсаткич ва ишоралар

Биз сайёҳларнинг кўпроқ вақтини «ўғирлаш» учун, имкон қадар улар вақтини тежашга имконият яратиб беришимиз лозим. Юртимизда Буюк Ислом уламоларимиз хотирасига бунёд этилган меъморий мажмуалар катта ҳудудни қамраб олади. Албатта, худудга яраша кўришга арзиғулик экспонатлар, жойлар талайгина. Бу яхши ҳол. Фараз қилинг, тургуруҳи ичидан бирор тақводорроқ сайёҳ шу зиёратгоҳдаги масжидда нафл намози ўқишмоқчи. Ҳамроҳларига ҳалақит қилмаслик мақсадида секингина туруҳдан ажралиб масжид томон йўл солади. Аммо таҳоратхона, масжиднинг қаерда жойлашганини билмасачи? Йўлда учраган кишидан таҳоратхона қаерда деб сўраб юрадимми?

Ана шундай кезларда мажмуанинг ҳар бир объектига ишора қилувчи кўрсаткичлар ўрнатилиши сайёҳ мушкулани осон қилиши мумкин. Афсуски, аксарият зиёратгоҳларда ана шундай ишоравий кўрсаткичлар ўрнатилмаган.

Пандус, ногиронлар учун йўлакчалар

Туристтик объектларнинг аксариятини ташкил этувчи зиёратгоҳларга ташриф буюрувчилар орасида ўз дардига шифо истаги-

да келган ногиронлар ҳам кўпчиликти ташкил этади. Нафақат зиёрат объектлари, балки бошқа сайёҳлик иншоотларига ҳам зинапоё орқали ё кўтарилинади ёки тушилади. Пандус, ногиронлар учун мўлжалланган йўлакчаларнинг мавжуд эмаслиги ҳам соҳа ривожига маълум маънода тўсиқ бўлмоқда.

Гидлик савияси

Сайёҳнинг ўзи ташриф буюрган объектдаги таассуроти кўп жиҳатдан уни эргаштирган гид маҳоратига боғлиқ. Негаки, гид сайёҳ ва объектни бир-бирига боғловчи кўприқдир. Айни ҳолатда гидлар учун биргина талаб бор, холос. Хорижий тилни раво сўзлай олиш. Ҳолбуки, тарих, адабиёт, маданият, санъат, хунармандчилик, ўзи бошлаб борган объект, у ердаги экспонатлар аҳамияти ҳақида чуқурроқ тасаввурга эга бўлиши керак.

Бунинг учун юртимизда сайёҳлик мавсуми секинлашган фаслларда алоҳида гидларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Меҳмонхоналар нархи қиммат

Тан олиш керак, юртимиздаги меҳмонхоналарда тунайдиган аксарият маҳаллий аҳоли вакиллари ниҳоят сафари билан борган кишилар ташкил этади. Чунки давлат хизматчисига сафар харажатлари учун асос бўладиган меҳмонхона қвитанцияси муҳим. Агар ҳаменидан пул тўлаб, оилавий дам олишга борса ҳам меҳмонхонада тунайдими? Албатта, йўқ. Бунинг учун нархи ҳамёнбоп, норасмий секторда хизмат кўрсатувчи уйни ижарага олади. Бунинг сабаби, аксарият меҳмонхоналардаги шароит бир хил. Икки ёки уч кишилик хона. Ичида алоҳида санузеллар... Албатта, шароитта яраша таннарх ҳам қиммат бўлади. Бундай вазиятда ушбу хоналарни ижарага олишда фақатгина хорижий сайёҳларнинг ҳамени кўтариши мумкин. Хорижликлар эса фақат апрель-май, сентябрь-октябрь

ойларида гавжум бўлишади.

Демак, фақатгина хорижликларга шароит хозирлангани, бу борада самарали бизнес-режа қўлланилмагани сабабли йилнинг 3/4 қисмида меҳмонхоналарнинг хувиллаб қолишига кўнишга мажбур бўлимоқда. Ҳолбуки, оилага, меҳнат жамоаларига мўлжалланган камхарж меҳмонхоналар варианты ҳам ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Сайёҳлик объектлари бошқарувида янги ёндашувлар керак

Сайёҳлар ташриф буюрадиган кўпгина иншоотлар давлат тасаруфида. Уни бошқарувчилар эса шунчаки маош олиб ишловчилардир. Маош оловчи минг ҳаракат қилмасин барибир унинг онгида эгаллик туйғусидан кўра муваққат бошқарув даврида кўпроқ шахсий фойда олиш истаги устувор бўлади. Мулк эгаси фойдани ўйламайдими? Ўйлайди, аммо фойда истаги ўзи тасарруфидаги (бошқарувидаги эмас!) объектнинг ривожини билан уйғун бўлади. Фойда олишни истаган тадбиркор тасарруфидаги бино ҳолати яхшилигини таъминлайди, кўпроқ миқозни жалб этиш шароитлар маош эвазига рақобат шароитида янги гоёларни амалда татиқ этади.

Шу жиҳатдан ҳам, эндиликда музей ва бошқа сайёҳлик объектларини хусусийлаштириш имкони бўлмасачи, аниқ тижорат таклифлари асосида тадбиркорларга узоқ муддатта ижарага бериш ёки бошқарувчиларни маош эвазига эмас, кўрилган фойдадан маълум фоиз улуш олиш шартли асосида ишга қабул қилиш лозим. Айнан мазкур шарт асосида сармоядорларни ҳам жалб этиш мумкин. Ана ўшанда ишласа, ишламаса маош оладиган бошқарувчи улуш вазидан ҳам ўз устида тинимсиз ҳаракат қилишни бошлайди. Ўз худудида кўпроқ сайёҳларни жалб этиш ҳаракатига тушади.


Қолаверса, айнан сармоядорларнинг маблағи эвазига сайёҳлик объектларини таъмирлаш, эксплуатация ва сақлаш харажатлари манбаини шакллантириш мумкин.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

1 августдан Ўзбекистонда барча ҳудудий аэропортларда «Очиқ осмон» режими жорий этилади.

Тонг ёришар-ёришмас, эшик тақиллади. Уй эгаси бир нохушликни сезиб, юраги ҳаққирганча дарвозанинг занжирини туширди. «Пешинга жаноза. Йигитчани каналдан топишибди...». Маҳалла хабарчиси бу шумхабарни бутун қишлоқ бўйлаб тарқатди, аммо ҳеч ким «Нима бўлди? Кимникига жанозага?» деб сўрамади. Афсус билан бош чайқаб, жанозага отланди. Чунки бутун қишлоқ сув тўлиб пишқириб оқаётган каналга икки кун бурун шўнғиганча қайтиб чиқмаган 19 ёшли йигитчадан илҳақ бўлиб бирор хабар кутар, қутқарувчиларга ёрдам беришар, ёлғиз ўғли билан бирга не-не орзулари оқиб кетган онаизорнинг ноласидан юраклари эзилиб бўлганди...

Жорий йилнинг 10 июнь куни Хоразм вилояти Хонқа туманида содир бўлган бу машғум воқеа ҳар биримиздан огоҳликни талаб этади.



карантин шароитида қаерларда чўмилишга рухсат этилади?

156 та оромгоҳдан 12 тасидагина чўмилиш мумкин

Қушлар исиши билан дарёо каналлар, очик ва ёпиқ сув ҳавзалари одамларни ўзига оҳанрабодек тортади. Гарчи ҳар йили чўмилиш қоидаларига риоя қилмаган бир неча кишининг оқиб кетгани ёки сув билан боғлиқ бошқа бирон нохушликни эшитсак-да, гўёки бу ҳолатларнинг бизга алоқаси йўқдек яна оромбахш ҳавзалар томон шошаверамиз. Коронавирус хавфи туфайли айни пайтда юртимизда чўмилиш имкониятлари анча қисқарган бўлса-да, қишлоқларда каналлар, катта ариқлар тобора гавжумлашаётгани ҳам бор гап.

Фавқуллода вазиятлар вазирилик хабарига кўра юртимизда мавжуд 156 та оромгоҳдан 12 тасида бугунги кунда 1 300 нафардан зиёд бола дам оляпти. Ўша 12 та оромгоҳдагина болаларнинг чўмилишига рухсат берилган. Бироқ худудлардаги анҳорлар, каналларда, яъни чўмилиш тақиқланган жойларда ҳам фарзандларимиз сувга шўнғишяптики, бундан огоҳ бўлишимиз керак. Жорий йилнинг шу пайтигача 57 та одам сувда чўкиб кетган. Минг огоҳлантиришга қарамай, одамлар чўмилиш тақиқланган худудларда сувга тушиб, ўз ҳаётларни хавф остига қўядилар. Унутмаслик керакки, нафақат дарё, каналлар, балки маҳаллалар худудларидан оқиб ўтувчи анҳорлардаги кучли сув оқими ҳам ҳеч кимга бўйсунмайди. Сузишни билган одам ариқ, кўл, дарёда хавфсиз чўмилиш, аммо сузишни билмасдан сувга сакраш ажалга ўзини отиш билан баробар экани ҳаётда кўп

учраб турибди. Баъзилар сузиш қоидаларига риоя этмайдилар ёки сузишни билсалар-да, ҳавзанинг чуқур қисмига борганда кўрқиб кетишади ва палапартиш ҳаракатлар билан сузиб, чарчаб қолишади.

Кутқаришга улгуришса яхши, аммо...

Бехосдан сувга тушиб кетган инсоннинг томирлари тортиб қолиши мумкин. Гулистон шаҳри «Дўстлик» канали четига ўрнатилган зинадан пастга тушган, шаҳардаги 4-сон умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси 16-17 ёшлардаги қиз ана шундай сабаб туфайли оқиб кетади. Воқеа жойига етиб келганлар ёрдамида чўкаётган қиз кутқариб қолина-



ди ва зудлик билан «тез ёрдам» машинасида Республика шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалига ётқизилади. Қизнинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани худудидида жойлашган «Дамарик» канали атрофида 3 нафар фарзанди билан айлиниб юрган онанинг 8 ёшли фарзанди тўсатдан оёғи сирганиб, сувга тушиб кетади. Болани кутқариш мақсадида 14 ёшли туғишган опаси ўзини сувга ташлайди. Бироқ у ёрдам бера олмагач, она ҳам ўзини сувга отади. Бундай ҳолатни кўриб, кўрқиб кетган 10 ёшли кичик қиз ҳам сувга сакрайди. Чўкаётган она ва унинг 3 нафар вояга етмаган қизлари агар ёрдам кўрсатилмаса, оқиб кетишлари тайин эди. Бахт-

«ЧўКИШ МАВСУМИ» бошландими?

ли тасодифни қарангки, Миллий гвардия ходими, кичик сержант Н.Норқобилов ҳамда Тошкент шаҳар ИИБДа фаолият кўрсатган Ҳ.Мансуров уларни кўриб қолиб, ёрдамга шошиладилар, аёл ва қизларини қирғоққа олиб чиқишади. Аммо кутқарувчилар вақтида етиб келмаганда-чи? Воқеанинг охири-ни уйлашнинг ўзи даҳшатли.

Сувга тушишдан олдин нима қилиш керак?

Ҳўш, чўмилишнинг қандай қоидалари борки, уларни ўзлаштирсак, хавфдан ҳоли бўламиз? Аввало, сув ҳавзасига келдикми, тушишдан олдин сузишни билишимиз даркор. Акс ҳолда чўмилиш масаласида доимо хушёр бўлиш ҳам мудҳиш ҳолатларнинг олдини олади. Агар сувнинг ҳарорати +16 даражадан паст бўлса, чўмилмаган маъқул. Сувга тушишдан олдин бош, кўкракни хўллаб, сўнг шўнғиш зарур. Кутқарув хизмати ташкил этилган жойлардагина чўмилишга рухсат

этилади. Агарда бахтсиз ҳодиса юз берса, бирор инсон чўкса, Кутқарув хизмати тезда ёрдамга келади. Чўкиш — нафас йўлларининг сув ва бошқа суюқликлар билан тўлиб қолиши оқибатида юзага келади. Чўкаётган одамни сувдан олиб чиқиш катта маҳорат талаб этади. Бунда бир неча кутқариш усуллари мавжудки, уларга риоя этмаслик янада оғир оқибатларга олиб келади. Ҳамма билиши шарт бўлган қоидади ёдда сақлайлик: чўкаётган кишига орқа томонидан сузиб яқинлашиш, сочи ва кўлтиги остидан ушлаб, юзини тепага қаратиб, ўзингизни ушлаб олишга йўл қўймаган ҳолда қирғоққа қараб сузиш шарт!

Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш эса жабрланувчининг аҳо-

лига боғлиқ. Жабрланувчи хушида бўлиб, юрак фаолияти ва нафас олиши сақланган бўлса, унинг бошини пастга эгган ҳолда қуруқ қия жойга ётқизиш ва сочиқ билан артиш керак. Жабрланувчининг мустақил нафас олиши йўқолиб, юрак фаолияти сақланиб қолса, унинг нафас йўллари тозаланиб, тезроқ сунъий нафас олдиришга киришилади. Вақтида ва малакали кўрсатилган биринчи тиббий ёрдам жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Хушёрлик — хавфсизлик гаровидир!

Агар киши чарчаган, қорни очган бўлса, спиртли ичимлик истеъмол қилган бўлса, бу вақтда чўмилмагани маъқул. Сув ҳавзасидаги хушёрлик киши саломатлиги ва хавфсизлиги гаровидир. Шунинг учун юртимизда мавжуд бўлган чўмилиш ҳавзаларидан фойдаланилганда хушёрликни йўқотмаслик, муайян қоидаларга амал қилиш ҳамда фарзандларимизнинг тақиқланган жойларда чўмилмаслигини назорат қилиш турли фавқуллода вазиятларнинг олдини олади.

Таъкидлаш жоизки, ёз мавсумида фаввос-қутқарувчилар маъсулияти янада ошади. Сувга чўкиб нобуд бўлаётганлар камайган бўлса ҳам бундай кўнгилсиз ҳолатларга тўла барҳам беришнинг иложи йўқ. Аммо азамат фаввос-қутқарувчиларимиз сувга чўкиб кетаётган кўплаб инсонларни ҳаётга қайтариш учун ўз ҳаётларини ҳам қурбон қилишаётгани том маънода қаҳрамонликдир. Шундай экан, белгиланган қоидаларга амал қилайлик. Белпарволик оқибатида ўзимиз ва атрофимиздагилар ҳаётини хавф остига қўймайлик.

Фавқуллода вазиятлар вазирилик матбуот хизмати билан ҳамкорликда
Юлдуз ҲОЖИЕВА тайёрлади.

Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи Ўзбекистонда яшайди. Шу боис ички газ истеъмоли бизда кўшни давлатларга қараганда бир неча баробарга катта. Бироқ шу пайтгача, асосан, шаҳарларимиз табиий газга мослаштирилгани, қишлоқларда газ қувурлари кесиб ташланиб, қиш мавсуми одамлар учун кўп қийинчиликлар туғдиргани сир эмас.

Аммо ўтган икки йил мобайнида аҳолини узлуксиз газ билан таъминлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилди. Соҳага қатор янгиликлар киритилди. Ҳатто, ўтган йилнинг 9 июлида Президентимиз томонидан «Аҳоли ва иқтисодиётни энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, нефть-газ тармоғини молиявий соғломлаштириш ва унинг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам қабул қилинганди.

Ҳўш, бутунги кунда газ таъминоти бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Шу хусусда мутахассисларга юзландик.

Табиий газ етказиб бериш вазифаси юклатилган

— Бугунги кунда «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан 13,0 минг км дан ортик магистрал газ қувурлари ва 24 та компрессор станцияларида 200 дан ортик газ ҳайдаш агрегатларидан фойдаланилмоқда. — дейди «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти Бошқаруви раиси Улуғбек Сайидов. — Таъкидлаш жоизки, магистрал газ қувурларининг аксарияти, аниқроғи, 75 фоизининг фойдаланиш муддати 20 йилдан ортиқни ташкил этиб, мазкур қувурларнинг асосий қисми шўрланиш даражаси кучли ҳамда нам тупроқли ҳудудлардан ўтган. Бундан ташқари, газ ҳайдаш агрегатларининг ҳам аҳоли аянчли. Хусусан, агрегатларнинг 54 фоизи моторресурсларини аллақачон ўтаб бўлгани тизимни модернизациялаш вақти келганини аниқлади. «Ўзтрансгаз» АЖ газ транспорт тизимида илгор технологияларни жорий этиш орқали унинг самардорлигини ошириш — мамлакат иқтисодиёти ривожига муҳим ўринга эга. Шу боис жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакатимизда газ транспорт тизимини модернизациялашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Ўзтрансгаз» АЖ

Аҳоли УЗЛУКСИЗ ГАЗ билан таъминланадими?



зиммасига ягона оператор сифатида табиий газни етказиб бериш ҳамда экспорт ва импорт қилиш учун газ қазиб олувчи ҳамда қайта ишловчи ташкилотлардан харид қилиш вазифаси юклатилган. Ташкилотимиз тўғридан-тўғри шартномалар асосида магистрал газ қувурига уланган истеъмолчиларга ва «Худудгазтаъминот» АЖ билан комиссия шартномалари асосида газ тақсимлаш тармоқларига уланган истеъмолчиларга табиий газни сотади.

Янги газ ҳисоблагичнинг афзаллиги қандай?

— Ўтган йили «Худудгазтаъминот» АЖ тузилиб, табиий газни истеъмолчиларга етказишда йўқотишларни камайтириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган эди. — дейди «Худудгазтаъминот» АЖ раиси Баҳодир Эшмуродов. — Жумладан, фаолият кўрсатётган газ тақсимлаш пунктлари ва тармоқлари модернизация қилинади. 2022 йилга қадар табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими барча турдаги истеъмолчилар учун тўлиқ жорий этилади. Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида газ тақсимлаш тармоқлари ва тегишли ускуналарни эксплуатация қилиш, истеъмолчиларга табиий газни сотиш функцияларини бажариш учун газ таъминоти объектларини хусусий операторлар бошқарувига босқичма-босқич берилади. Акциядорлик жамиятимиз истеъмолчини ортиқча овоза қилмай, газ ҳисоблагични ўрнатиб беришни йўлга қўйишни мақсад қилган. Ҳозир кўпчилиқни қийнаётган масала газ ҳисоблагичдаги кўрсаткич туман газ таъминоти бўлимидаги рақамга тўғри келмайди. Мажбурий ижро бюроси рўйхатида эса фуқаро томонидан сарфланган газ учун умуман бошқа ҳисоб мавжуд.

ДАРВОҚЕ...

Энергетика вазирлиги ҳузуридаги «Ўзнефтьгаз-инспекция», Мажбурий ижро бюроси ҳамда «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилишининг олдини олиш бўйича амалга ошириладиган профилактика чора-тадбирлари доирасида табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиш бўйича 900 га яқин қоидабузарликлар аниқланди. Унга кўра, умумий фойдаланилган ноқонуний газ ҳажми миқдори 9 млн. 200 минг метр кубни ташкил этди.

Бунинг орқасидан оддий газ ҳисоблагичнинг носозлиги, уни қайта таъмирлаш, текшириш каби овозагарчиликлар пайдо бўляпти. Яшинобод туманидаги Технопарк ҳудудига ишга туширилган электрон газ ҳисоблагичлар корхонасида ишлаб чиқарилаётган электрон газ ҳисоблагичлар бундай салбий ҳолатлардан умуман йироқ бўлиб, ортиқча вақт ва харажатларни тежайди.

Табиий савол туғилади: истеъмолчи ортиқча газ ишлатаётганини қандай аниқлаши мумкин? Масалан, оддий хонадонда 1 та газ плитаси, 1 та иситиш қозони учун электрон газ ҳисоблагич ўрнатилган. Агар хонадон эгаси қўшимча тарзда ноқонуний мослама ўрнатдиган бўлса, газ ҳисоблагич белгиланган меъёрдан ортиқчасини аниқлаган заҳоти хонадонни тармоқдан ўчириб қўяди. Бу, аввало, газдан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олишга ёрдам беради.

Дунёда илк бор Ўзбекистонда онлайн газ етказиб берилади

Жорий йил ҳудудларда «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан 3 миллион 480 минг дондан зиёд электрон газ ҳисоблагич ўрнатиш режалаштирилган. Бунинг учун ҳудудларда 15 сервис хизмати кўрсатувчи филиаллар ўз фаолиятини бошлади. Унда 150 нафар мутахассис ишлайди. Хусусан, битта ишчи бир кунда 30 та газ ҳисоблагични тўғри ўрнатилганини текшириб, кафолат муддатини беради. Электрон газ ҳисоблагичларга махсус сим-карта ўрнатилган. Бу кун давомида қанча газ сарфланаётгани ҳақида масофавий ахборот олиш имконини беради. Кун давомида фойдаланилаётган газ сарфи ҳақидаги ахборот онлайн тарзда «Худудгазтаъминот» АЖ серверига келиб тушади. Шу орқали биз соатбай истеъмол бўйича маълумотга эга бўлаемиз. Мисол учун, келгусида кўп қаватли уйнинг хонадонларига кунлик, ҳафталик ва ойлик газ сарфи қандай бўлаётгани ҳақида сервис марказимиз компьютерларидан кузатишимиз мумкин.

Ҳозиргача фақат офлайн тарзда, яъни карточкадан олдиндан тўлов қилиб, пули тутагунча газдан фойдаланиш тизими бошқа давлатлар тажрибасида мавжуд эди. Онлайн тарздаги табиий газ етказиб беришнинг автоматик бошқарув тизими дунёда илк бор Ўзбекистонда амалга оширилди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон табиий газ қазиб чиқариш бўйича дунё мамлакатлари орасида саккизинчи, МДҲда учинчи ўринда туради. Ўзбекистонда 275 та нефть ва газ конлари очилган бўлиб, уларнинг умумий захираси 2,4 млрд. тонна шартли ёнилғини ташкил қилади. Статистикадан кўриниб турибдики, Ўзбекистон ўз аҳолисини тўлиқ газ билан таъминлашга қурби етади.

Нилуфар ЮНУСОВА
«Mahalla»

Сўх туманида электр таъминотини тубдан яхшилаш мақсадида қиймати 3 миллиард сўмдан ортиқ электр қурилмалари етказилди.

Маълумки, кейинги йилларда ўзбекистонлик ёшларнинг кўшни давлатларда олий таълим олишга қизиқиши ортганди. Бойси, ўқишга кириш осонлиги, тўғрироғи, олийгоҳга имтиҳонсиз қабул қилиш имтиёзи кўплаб йигит-қизларни ўзига жалб қилган. Аммо мазкур ўқув муассасаларидаги таълим сифати, фаолият қонунийлиги сўроқ остида экани, фақатгина талабаларнинг тўлов контракт пулларига кўз тикилгани кўп ўтмай маълум бўлди.



Мутахассис салоҳияти ДИПЛОМ БИЛАН ўлчанадими?

Кўшни юртларда таҳсил олаётган ёшларимизнинг мусофирликда жиддий қийинчиликка учрашаётгани, зўравонликка дуч келишаётгани ҳақида ижтимоий тармоқларда видео мурожаатлари эълон қилинди. Ҳукуматимиз томонидан уларни юртимизга қайтариш, қонуний ва сифатли таълим билан таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг жорий йил февраль ойидаги буйруғи асосида ушбу талабалар ўқишларини кўшни давлатлардан Ўзбекистонга кўчириш учун юртимизга қайтиб келиши. Натижада Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг олий ўқув юртларида ўқиётган ёшлардан ўз вилоятларидаги олийгоҳларда аризалар қабул қилина бошлаган эди. Кўп ўтмай эса коронавирус пандемияси туфайли ўқишни кўчириш ишлари тўхтаб қолди. Бу ҳолат ўз юртида ўқиш умидида юрган йигит-қизларни бироз хавотирга солиб қўйди.

Хўш, бу ёшларнинг олий таълим олиш билан боғлиқ орзулари амалга ошадими? Уларнинг ўқиши қандай шартларга кўра кўчирилади ва барчаси ҳам олий таълим муассасаларига қабул қилинадими?

Ўқишни кўчириш қайси муддатларда амалга оширилади?

— Пандемия шароитида ўқишни кўчиришга улгурмаган шахсларнинг ҳужжатлари жорий йилнинг 15 июлидан 5 августга қадар қабул қилинади. — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўлим бошлиғи Абдусаммад Маманазаров. — Бу жараёнда ҳужжатларни онлайн тарзда топшириш имконияти яратилади. 6 августдан 30 августга қадар бўлган муддат ичида аризалар кўриб

чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади. Айтиш жоизки, карантин тадбирлари сабабли ўқишни кўчириш жараёнлари муддатларида ўзгаришлар кузатилиши ҳам мумкин. Шундай бўлган тақдирда, бу ҳақда вазирликнинг расмий сайти (www.edu.uz) ва телеграмм канали (@eduuz) орқали эълон берилди.

Умуман олганда, талабалар ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш масаласи қандай тартибда амалга оширилади? Таъкидлаш жоизки, бу борадаги тартиб-қоидалар Ҳукуматнинг 2017 йил 20 июндаги 393-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомда акс этган бўлиб, ушбу ҳужжатта мувофиқ амалга оширилади. Фуқаролар ўқишини кўчириш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этиладиган Худудий ишчи гуруҳига 2020 йил 15 июлдан 5 августга қадар бўлган муддатда мурожаат қилиши мумкинлиги ҳам ушбу Низомда белгиланган. Ўз навбатида, хорижий олий таълим муассасаларида талабалар ўқишини кўчириш, кўчириб тиклаш вазифаси Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат

комиссияси ваколоти доирасига киради.

Аккредитацияга эга бўлмаган ОТМ талабаси аризаси рад этилади

Муаммо шундаки, кўшни давлатлардаги баъзи ўқув юртлари фаолиятини қонуний асосда ташкил қилмаган бўлиши мумкин. Шундай вазиятда у ерда таҳсил олган фуқароларнинг ўқишини кўчириш қандай ҳал қилинади, деган савол пайдо бўлади. Табиийки, қонунчиликка кўра хорижий давлатларнинг аккредитацияга эга бўлмаган олий таълим муассасаларида ёки уларнинг филиалларида ўқиганларнинг ўқишини Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига кўчириш тўғрисидаги аризасига рад жавоби берилди.

Шу билан бирга, хорижий олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида таҳсил олаётган талабалар ўқишини мамлакатимиз олий таълим муассасаларига кўчирилишига рухсат этилмайди.

Бундан ташқари, кейинги пайтда Россиядаги олий ўқув юртларида таҳсил олиш истагида онлайн тарзда имтиҳон топшираётган ёшларимиз кўпаймоқда. Тан олиш керакки, уларнинг аксарияти танлаётган университетининг

таълим бериш даражаси ҳақида етарли маълумотга эга эмас. Хўш, бу маълумотларни қаердан олиш мумкин? Шуни инобатга олган ҳолда, нуфузли халқаро ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига биринчи 1000 таликка киритилган Россия Федерацияси давлат олий таълим муассасалари рўйхати ҳар йили Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси маълумотига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг www.edu.uz расмий веб-сайти ва @eduuz расмий телеграм каналида эълон қилинади. Истаган ёш улар орасидан ўзига маъқул олий ўқув юртини танлаш имконига эга.

Ёшларга диплом эмас, малака муҳимлигини сингдириш лозим

Ёшларимизнинг кўшни давлатлардаги таълим даражаси юқори бўлмаган университетларга интилиши нимадан далолат беради? Албатта, мамлакатимиз олий таълим тизимидаги муаммолар, соҳада бу борада юзага келган бўшлиқ бунга асосий сабабдир. Сўнгги икки-уч йил ичида олий таълим муассасаларига қабул жараёнида бирмунча ижобий ўзгаришлар кузатилганига қарамай, ёшларимиз университетларга етарли даражада қамраб олинмаётгани муаммолигича турибди. Ўз навбатида, навқирон авлод вакиллари онгида мутахассисликка эга бўлиш учун бир парча қоғоз диплом эмас, малака муҳимлигини шакллантириш, бу борада амалий таъсир чоралари, жулладан, рақобатта асосланган меҳнат бозорини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга.

Тўлқин ШЕРНАЕВ
«Mahalla»



Президент мактабларига ўқувчилар қабули келгуси ўқув йилида ўтказилади.

Хоразм вилояти Қўшқўпир туманида 20 ёшли жувоннинг бир нечта хотинлар томонидан аёвсиз калтаклиниши ижтимоий тармоқлар орқали яшин тезлигида тарқалиб, кўпчиликни ларзага солди. Зўравонлардан бири жувоннинг сочларини қайчилаб, тинимсиз юзига, елкасига қулочкашлаб уриб турса, бошқаси унинг кийимини ечиш, баданини ялонғочлаш билан овора.

«Самосуд»чилардан яна бири кўлига таёқ олган, ...аммо унинг қилаётган ишини на айтиб ва на ёзиб бўлади. Жонҳолатда ёрдам сўраб чирқиллаётган қизни муштумзўрлардан қутқаргани бирон мард топилмайди. Ёрдамга шошилган бир-икки кишини эса воқеани тасвирга олаётган «эркак» дўк уриб: «Аралашма, бировнинг оиласини бузиб юрибди бу ...», деб йўлдан қайтаради.

Хўш, аслида воқеа қандай содир бўлган эди? Навжувон қиз нега бунчалар бешафқатлик билан калтакланди? Барзангидек бақувват бу аёлларнинг мақсади не?


Жабрдийда ким эди?

Қўшқўпирлик Мадина(воқеа иштиракчиларининг исм-шарифи ўзгаририлган) ҳам коллежда ўқиб юрган кезларидаёқ Сарварга кўнгли кўйди. Ҳали ғўр қизчанинг оилали йигитни севиб қолганини ҳеч бир ваз билан оқлаб бўлмаслиги турган гап, аммо қиз тўсиқларга қарамай, севгисидан воз кечмаган, устига-устак, Сарвардан ўғил фарзанд ҳам кўрган эканми, демак, «ишқ оловида» бирга ёнган, ундан камиди 6 ёш катта, бир нечта боланинг отаси бўлган йигитнинг эс-хушини вақтида йиғиб олмагани ҳам эътибордан четда қолмаслиги шарт. Маҳалла фаоллари қиз билан бир неча марта суҳбат олиб боришганига қарамай унинг гапга қўлоқ солмаганини таъкидлашади. Йигит-чи?

— Қиз ҳам, йигит ҳам бизнинг маҳаллада ўсиб-улғайишган, ҳар иккаласининг оиласида бирон «қора доғ» йўқ, — дейди Қўшқўпир тумани «Иттифок» маҳалла раиси ўринбосари Клара Ражабова. — Мадина билан кўп суҳбатлар олиб борганми. Уни оилали эркак билан муносабат қўришининг аянчли оқибатидан огоҳлантирганми. Қиз ўшанда гапимизга қўлоқ солмади. Ҳозир эса пушаймонда.

Клара Ражабованинг маълумот беришича, Сарварнинг қонуний хотини икки ой олдин учинчи фарзандни дунёга келтирган. Эри эса сўнгги бир ярим ой мобайнида уйига келмай, Мадинанинг ёнида бўлган. Қонуний хотин бундан хурсанд бўлсинми? Бир кун эрталаб ўрнидан тургану, қайнонасига бу тахлитда яшай олмамлигини айтиб, болалари

Қўшқўпирлик АЁЛ НЕГА хўрланди?



билан ота уйига кетиб қолган. Уч норасиданинг бўзлаб кетгани, ёлғиз ўғлига не-не орзу-ҳаваслар билан олган келинининг кўзиди ёш билан остонани тарк этгани қайнонани эзган. Бир оиланинг бузилишида фақатгина Мадина айбдор, деган қатъий фикрга келгач, опа-сингилларини ёрдамга чақириб, ўғли Сарвар билан Мадина вақтинча яшаётган кўшни «Ашаққалъа» маҳалласи томон йўл олган. Жаҳлга эрк берган аёл норғул ўғли қолиб, бор аламини ожизадан олган.

Мадина зўравонлар устидан ёзиб бергани йўқ...

Мадина шунчалар таҳқирланганига қарамай, Сарварнинг онаси ва хоалари устидан «102» га ариза ёзмади. Шу ўринда яқинда қўшни Қирғизистонда содир бўлган, сингисиникига кетиб, бир кеча ётиб қайтган хотинини ваҳшийларча хўрлаган эркак учун ҳам хотини даъво очтирмагани, видеотасвирлар интернетда тарқалиб эри хибсга олингач, «Менинг оиламга аралашманглар, эримни чиқаринглар», деган мурожаати ҳам беихтиёр ёдга тушади. Дарҳақиқат, Шарқ ҳаётида шунчалар нозик қондалар борки, улар қонунлардан минг бора таъсирчан, минг бора устун. Қайноналикнинг ҳурмати ва эрининг ўрни шунчалар баландки, бу қимматни фақат шу замин аёлларигина тушунади.

Хоразм вилояти ИИБ хабар беришича, ушбу видеолавҳа вилоят ИИБ масъул ходимлари томонидан зудлик билан ўрганиб чиқилди. Ҳолат 2020 йил 9 июндан 10 июнга ўтар кечаси Қўшқўпир туманида содир бўлган. Унга алоқадор барча шахсларнинг, шу жумладан, воқеани телефон орқали видеога олиб, иж-

тимой тармоқларга жойлаштирилган эркакнинг ҳам шахсига аниқлик киритилган. Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми «б», «г» бандлари билан жиноят иши кўзга тушиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шу ўринда савол туғилади: одамлар нима учун ишни қонуний ҳал этишни эмас, адолатни фақат ўзимиз ўрната оламиз, деган фикрни афзал билишяпти? «Самосуд»чиларга қонунларимизда жазо борми?

Ҳар ким ўзича жазо қўллайверса...

— Жаҳон ҳуқуқ майдонида «самосуд», аввало, давлат, ҳуқуқ-тартибот органлари, судлар, куч ишлатувчи тизимларгагина тегишли ваколатларга нисбатан хуруж, таъвоуз ҳисобланади, — дейди Адлия вазирлиги матбуот котиби Севара Ўринбоева. — Шуниси билан бу зарарли ижтимоий ҳодисанинг кенг тарқалиши жамиятнинг барқарор ҳаёти учун хавфлидир. Ўз вазифаси ва ваколатларини тўғри англаган ҳар қандай ҳуқуқий орган эса «самосуд»ларга нисбатан принципиал ёндашиб, аёвсиз кураш олиб боради. Зеро, ҳар ким ўзича айбдор, деб ҳисоблаган инсонига, ўзи уйлаб топган жазони қўллайверса, жамият пароканда бўлади, ҳуқуқ-тартибот органлари, судлар мавқеига путур етади.

Охириги йилларда мамлакатимизда бундай ҳолатлар кўп кузатилмоқда. Барча ҳолларда ўзбошимчаларга нисбатан жазолар тайинланди. Аммо бу билан «самосуд»лар тўхтаб қолмаяпти. Қизиги, «жазолаш»нинг ушбу услуби тобора янгира кўриниш касб этмоқда.

Жиноятчиликка барҳам беришми ёки ожизани хўрлаш?

Текширувлар жараёнида аён бўладики, «самосуд»ларнинг аксарияти жиноятчилик билан боғлиқ эмас, кўпинча аёлларга, ёшларга ёки ўзини етарли даражада ҳимоя қила олмайдиганларга нисбатан бундай ҳолат амалга оширилади. Ҳали бирор марта бўлса ҳам «самосуд» жисмонан бақувват, қақшатқич жавоб қайтаришга қодир инсонларга нисбатан қўлланилганига тўғри бўлмади. Юқоридагидан кўришиб турибдики, жирканч ишга қўл ураётганлар жиноятчиликка барҳам беришни эмас, шунчаки ожизани хўрлашни мақсад қилишган, холос.

Қонун нима дейди?

Ўзбекистонда ҳар қандай «самосуд» ҳолатлари қаттиқ қораланади ва қонунга биноан таъқиб қилинади. Хусусан, Жиноят кодексининг 39-моддасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ўзбошимчалик билан жазолаш учун ушлаш, шахсга қасддан зарар етказиш қонунга хилоф ҳаракат ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган. Бундай ҳаракат Жиноят кодексининг 110-моддасига биноан, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравари миқдоридagi жаримадан тортиб, беш йилгача озолиқдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин. «Самосуд» видеотасвирларини тарқатган шахслар ҳам зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни ёйишда айбланиб, тегишлича жазога тортилади.

Аёлни ожиза дейишади. Аммо бу таъриф хўрлаш, истаганча таҳқирлашга қарши аёлнинг бирон жавоб қайтара олмаслиги билан улчанмаслиги керак. Аксинча, унинг ҳимоясизлиги кучлилар, имони бутлар, мардлар учун бирдек огоҳлантириш бўлиши, уни авайлашга чорлаб туриши лозим. Чунки муқаддас китобларимизда битилганидек, инсон қанчалик заиф бўлса, Аллоҳнинг унга иноятии шунчалик том бўлади.

Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Хусусий нотариус лавозими учун малака имтиҳонини ўтказиш тартиби белгиланди.

Нега

МАҲАЛЛАГА келганда пул топилмайди?

Биносис, бошпанасиз йиғинлар, эътиборсиз уйлар, кам таъминланган оилалар муаммоси турли даражадаги минбарлар, матбуот нашрларида чоп этилаётган қатор танқидий-тахлилий мақолаларга қарамай, Самарқанд вилоятининг айрим туманларида ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Жумладан, шу кунларда Оқдарё туманидаги «Бозоржой» йиғини фаоллари хусусий тадбиркорга тегишли бинонинг битта хонасида, «Даҳбед» маҳалласи идораси эса собиқ Оқдарё агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биносида ижарада фаолият кўрсатяпти. «Пахтабод» маҳалласи ходимлари эса бир пайтлар Ўзбекистон пахтачилик илмий-тектириш институтига қарашли бўлган 3 қаватли бинонинг учинчи қаватидаги битта хонада ишламоқда.

— Ҳозир туман бўйича 13 та маҳалла фуқаролар йиғини ўз бошланасига эга эмас, — дейди Оқдарё тумани ҳокими ўринбосари, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Юлдуз Ҳуроқова — Яқинда «Ойтағали» йиғини учун янги бино қуриб берилди. Айни кунларда эса «Кумушкент» маҳалласи учун давлат-хусусий шерикчилик асосида янги бино бунёд этиляпти. Жорий йил охиригача яна 3 та йиғин учун давлат-хусусий шерикчилик асосида янги бино қуриб, фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Сершовқин муҳит маҳаллага қанчалик мос тушади?

Жомбой туманидаги «Кўкғумбаз» йиғини илгари Жомбой ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи сифатида фаолият кўрсатган 35-умумтаълим мактаби биносида жойлашган.

— Тўғри, бу ерда болаларнинг шовқини остида ишлаш жуда қийин, аммо бошқа иложимиз йўқ, — дейди йиғин раисининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулнора Эшбекова. — Яқин орада маҳалламиз учун янги бино қуриб берилиши айтилмоқда. Ҳозир раисимиз шу ташвишлар билан юрибди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Бундан 5-10 йил илгари, маҳалла тизмига жиддий эътибор берилган бошлаганида жойларда юзлаб йиғинлар-

нинг биноси йўқлиги маълум бўлиб қолди. Шунда кимлар ҳомийлар ҳисобидан, кимлар эса маҳаллий бюджет маблағи эвазига йиғинлар учун бино қуришга киришди. 2017 йилнинг охирига келиб, касб-ҳунар коллежлари тугатилиши муносабати билан худудларда уларнинг хайҳотдай бинолари бўшаб қолди. Масъуллар қайси ташкилот ёки фуқаролар йиғинининг биноси бўлмаса, уларни бўшаб қолган коллежларга жойлаштира бошладилар.

Балки бу тадбирнинг вақтинчалик вазиятдан чиқиш учун ёмон жиҳати йўқдир. Аммо ҳар бир ташкилот, муассасанинг ўзига хос «яшаш тарзи» мавжуд. Айтايлик, мактабнинг сершовқин, болалар қий-чувиға тула ҳаёти фуқаролар йиғинининг фаолиятига нечоғли мос тушади? Яна бир ғалати томони шундаки, бундай сершовқин жойларга нима учундир адлия, молия идораларига ўхшаш «нуфузлироқ» ташкилотлар ёки маҳаллий ҳокимликнинг бирорта бўлими кўчирилмайди? Уларнинг янги биноси учун дарҳол маблағ ҳам, қурувчи ҳам топилади. Фуқаролик жамиятининг муҳим бўғинига айланиб улгурган маҳаллага қолганида эса..

Кутубхонани китоб билан ким таъминлаши керак?

Худудда бўлганимизда ғалати бир ҳолатта дуч келдик. Илгари «Оқ олтин» жамоа хўжалиги бошқаруви жойлашган бино капитал таъмирдан чиқарилиб, маҳалла маданият марказига айлантдирилибди. Бу — жуда яхши. Маҳалла ёшлари учун катта қулайлик яратилган. Аммо мазкур марказда кутубхона учун ажратилган иккита хона турли газета ва китоблар тартибсиз сочилган ҳолда бўш турибди. Хўш, нимага?

Маданият маркази ходими Дилхумор Эшхўжаеванинг таъкидлашича, марказга 3 та қоровул, 2 та фаррош шатталари берилгани ҳолда, биттагина кутубхоначи штати ажратилмаган. Ана холос! Бошқа маҳаллалар ҳавас қилса, арзийдиган дангиллама маданият марказида кутубхоначи йўқ, аммо 3 нафар қоровул фаолият кўрсатаяпти. Бу нима? Китобга муносабатнинг «Жомбойча усули»ми?

— Йўқ, ундай эмас, норматив меъёрий ҳужжатларда кутубхо-



надаги китоблар сонига қараб муассасага штат ажратилиши белгилаб қўйилган, — дейди туман молия бўлими бошлиғининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Саломов. — Сиз айтган маданият марказидаги кутубхонада эса 200 га яқин адабиёт бор. Улар ҳам 35-умумтаълим мактаби кутубхонасидан вақтинча келтириб қўйилган. Ваҳоланки, амалдаги қондага кўра, битта кутубхоначи штати ажратилиши учун зия ёмаскандаги китоблар сони 2 мингтадан юқори бўлиши керак. Шу боис «Кўкғумбаз» маҳалласидаги маданият марказига кутубхоначи штати ажратилмаган.

Шу ўринда ҳақли савол туғлади: хўш, аслида, китоб сотиб олиш учун молия бўлими маблағ ажратиши керак эмасми? С.Саломовнинг айтишича, молия бўлими айнан китоб олиш учун эмас, маданият муассасасининг умумий харажатлари учун маблағ ажратади. Масалан, ўтган йили муассаса учун 100 миллион сўм ажратилган. Бу пулга улар мусиқа асбоблари, овоз кучайтиргич аппарати, микрофон каби турли жиҳозларни харид қилишгану, нимагадир китоб олишмаган.

Қоғозбозлиғу қуруқ ҳисоботнинг аччиқ меваси қандай бўлади?

Самарқанд вилоятидаги 40 мингдан ортиқ камбағал оилалардан бири бўлмиш Рустам Ашуров оиласи Тайлоқ туманидаги «Ғулба» йиғинида истикомат қилади. Оила бошлиғи ва катта фарзанд касалманд, кичигининг топгани эса рўзғорга аранг етади. Оиланинг яшаш жойи ҳам бир аҳволда.

— Дарҳақиқат, қатор йиллардан буён бу оилага эътибор берилмаган, — дейди «Ғулба» йиғини раиси

Моҳигул Давронова. — Мана, энди туман ҳокими ёрдамида шу хонадонга янги уй қуриш учун 4 тонна цемент, шифер ва бошқа қурилиш материаллари етказиб берилди. Бундан ташқари, мазкур хонадонга маҳалла томонидан ҳар ойда 11 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам берилляпти.

Шунингдек, субсидия асосида мазкур хонадонга 1 сотихли иссиқхона қуриб бериш режалаштирилмоқда. Худди шундай, йиғиндаги кимнингдир моддий ва маънавий қўмағи, йўл-йўриғига муҳтож 60 дан ортиқ оилага ҳам юқоридаги каби субсидия асосида иссиқхоналар қуриб берилмоқда.

Шу ўринда гарчи аччиқ бўлса-да, бир ҳақиқатни очик айтиш жоиз. Бу каби хонадонларнинг ўта камбағал ҳолатта тушиб, эътибордан мутлақо четда қолишига, аввало, жойлардаги мутасаддилар, кейин эса хонадон соҳибларининг ўзлари сабабчи. Негаки, сўнгги йилларда «хонадонма-хонадон юриб оилаларни ўрганишимиз» шиори остида фуқаролар йиғинларида қанча-қанча қоғозлар тўлдирилиб, папка-папка ҳисоботлар ёзилди. Уларнинг деярли барчасида бир хил хулоса қилинди, яъники, «фалон оилани ўргандик, оила аъзолари билан суҳбатлашдик, уларга зарур амалий ёрдам кўрсатилди» ва ҳоказо..

Тўғри шу билан барча муаммо ҳал бўлиб қолгану олам гулистон бўлган. Аслида эса аҳвол мутлақо бошқача эди. Биз бугун жойларда дуч келаётган бундай ҳолатлар ана шу қоғозбозлиғу қуруқ ҳисоботларнинг аччиқ меваси эмасмикин? Сиз бунга нима дейсиз, азиз маҳалладош?

Ёрмат РУСТАМОВ
«Mahalla»

Андижонда «Обод маҳалла зарбдор 90 кунлиги» тадбирлари бошланди.

ИШ

БЎЛСА-Ю, ишлашга хоҳиш бўлмаса...

Аёллар нега ишлашни хоҳламапти?

Вилоятда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада баъзи муаммолар ҳам мавжудки, бунга масъуллар эмас, айрим опа-сингилларимизнинг ўзлари сабабчи бўлишяпти. Масалан, Навоий шаҳридаги «Истиқлол» маҳалласидан Зебо Шодиева карантинга қадар қаҳвахонада официантлик қилиб рўзгор тебратарди. Турмушидан ажралган, икки болали бу аёл бугун ишсиз. Иш излаб идорама-идора юрибди. Аммо ҳақ тўланадиган жамоат ишида ишлашни, маҳалласи ободлигига ҳисса қўлишни истамайди.

— Карантин даврида халқимизга оз бўлса-да, нафим тегсин, дея иссиқхонамизга кўпроқ аёлларни ишга жалб қилмоқчи бўлдим, — дейди Кармана туманидаги «Санжар Султон» хусусий корхонаси раҳбари Шафоат Нуруллаева. — Апрель ойининг бошидаёқ туман аҳоли бандлигига қўмаклашиш марказига 50 нафар хотин-қиз учун кўшимча иш ўрни яратишимни айтдим. Аммо ҳозиргача 31 таси банд бўлди, холос. Марказга иш сўраб мурожаат қилган қизларни корхонамизга юборишди. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам иссиқхонада ишлашни исташмайди. Аксарияти бирор мутахассисликка эга эмас. Ихтисослигига яраша иш ўрни йўқ. Вазиятдан келиб чиқиб, бор иш ўрнига жойлашса бўлади-ку. Қарангки, на бир касби, на бир хунари бўлмаса-да, иш танлайди.

Ана шундай сабаблар туфайли айни пайтда вилоятда хориждан қайтган 1 минг 540 нафар хотин-қизнинг 451 нафаригина ишга жойлаштирилди, холос. Таклиф



Тан олиш керак, пандемия шароитида ишсизлар, хусусан, банд бўлмаган аёллар сафи янада кенгайди. Таҳлилларга кўра, асосан, хориждан қайтган ва умумий овқатланиш шохобчаларида кунлик даромад эвазига меҳнат қилган хотин-қизлар ишсизлар сафига қўшилди. Халқимизда «Хунарли киши — хор бўлмас» деган пурмаъно нақл бор. Карантин шароитида ҳам аёлларимизнинг хунармандлиги глобал инқироздан химояланиш мезони бўлмоқда. Жумладан, кейинги икки ойда Навоий вилоятида 198 нафар хотин-қиз тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса, шундан 123 нафари хунармандлардир.



этилаётган иш ўринларига рози бўлмаётган аёлларнинг йўллар очилиши билан яна хорижга иш излаб кетмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бусиз ҳам айни пайтда 1 минг 200 нафарга яқин навоийлик хотин-қиз ишлаш мақсадида чет элларга чиқиб кетган.

— Шу аёлларнинг ҳаммаси ҳам бегона юртда иш топган бўлса қанийди, афсуски, уларнинг орасида иш излаб сарсон бўлиб, бесамар юрганлари ҳам кўп, — дейди вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Насиба Содиқова. — Оиласидагилар билан маслаҳатлашиб, уларни ортга қайтаришга ҳаракат қилаяпмиз. Аммо хориждан пул эмас, дард олиб келаётганлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, Зарафшон шаҳрида четдан қайтган 3 нафар аёлда турли соматик касалликлар аниқланиб, соғломлаштирилди.

21 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди

Ўтган йили «Хотин-қизларни тазйик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши аёлларнинг турмушда, иш жойи, таълим муассасалари ҳамда бошқа жойларда тазйик ва зўравонликнинг барча шаклларида химояланиши кафолати бўлди. Йил бошидан буён Навоийда мазкур қонун асосида турмушда зўравонликка учраган

21 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди.

— Йиллар давомида ичкиликка берилган турмуш ўртоғимнинг калтаклари остида эзилдим, — дейди Хатирчи туманининг «Боғчақалон» маҳалласидан Соҳиба Шуқурова. — Аммо болаларимни тирик етим қилмай, дея ҳаммасига чидадим. Маҳалла фаолларининг ёрдами билан менга ҳимоя ордери берилиб, махсус марказга жойлаштиришди. Профилактика инспектори ва маҳалладагилар турмуш ўртоғим билан тушунтириш ишларини олиб боришди. Хулқини тузатмаса, жиноий жавобгарликка тортилиши муқаррарлигини англаган эрим мендан узр сўради. Ҳозир тинч яшаяпмиз, уриш-жанжал, калтаклар йўқ.

Дарҳақиқат, карантин шароитида ҳамма уйда қолиши натижасида кўплаб оилаларда меҳроқибат кучайган бўлса, баъзи хонадонларда оилавий можаролар келиб чиқмоқда. Пандемия даврида ана шундай 101 та нотинч оиланинг тинчлиги таъминланди. Натижада оилалар ажралиши ўтган йилгидан 42 тага камайди. Бироқ кушнинг ҳам уяси бузилишини истамайдиган халқимиз учун 2020 йилда вилоятда 333 та оиланинг никоҳи бекор қилинган ташвишланарлидир.

Аёл жиноят кўчасига қирмасин

Кимнингдир қизи, синглиси, рафиқаси, ё бўлмаса, онаси «жи-

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Навоий вилоятида тадбиркорлик қилиш истагини билдирган хотин-қизлар босқичма-босқич ўқитилляпти. Бугунги кунда уларнинг 1901 нафари оилавий тадбиркорликка жалб этилди ва тижорат банклари томонидан 1 миллиард 523 миллион сўмдан ортик кредит маблағлари ажратилди. Ишлаш истагида бўлган 5225 нафар хотин-қизнинг 1200 нафари мавсумий ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. 530 нафари касаначилик асосида иш билан таъминланди.


ноятчи» номини олиши нафақат бир оиланинг, балки жамиятнинг юзидаги доғдир. Вилоятда хотин-қизлар жиноятчилигининг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ҳудудда 137 нафар жиноятчиликка мойиллиги бўлган хотин-қизлар аниқланган бўлиб, улар билан доимий иш олиб бориляпти.

— Бундай хотин-қизлар раҳбар аёллар ва маҳаллий кенгаш депутатларига бириктирилиб, улар билан яқка тартибда суҳбатлар ўтказилляпти, карантин даврида ҳолидан хабар олнинг, муҳтожларга озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилмоқда, — дейди Насиба Содиқова. — Афсуски, баъзида қўшни вилоятда яшовчи фуқароларнинг айнан бизнинг ҳудудда жиноятга қўл уриши бу борадаги кўрсаткичларимизга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, яқиндагина Самарқанд вилоятида яшовчи она Навоий шаҳрига келиб, ўз фарзандини сотаётганда қўлга олинди. Демак, биз янада хушёр бўлишимиз керак.

Мухтасар айтганда, вилоятда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳамма эътиборда. Бироқ бу билан нозик хилқатларнинг оғрикли муаммолари тўлик бартарф этилляпти, деб бўлмайди. Зеро, хотин-қизларга эътибор қаратиш жамиятнинг келажагига бефарқ бўлмастик демакдир.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ:



Ўзбекистоннинг доимо ўз ташаббуслари бўлган

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) 2001 йил 15 июнда Россия, Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон томонидан таъсис этилган. Орадан ўн беш йил ўтиб, унга Хиндистон ва Покистон ҳам қўшилди. Шунингдек, тузилма 4 та кузатувчи, 3 та кузатувчиликка номзод, 6 та «мулоқот бўйича шерик» мақомига эга мамлакатни бирлаштирган. Бу эса унинг асосий фаолият йўналишлари — иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашдаги салоҳиятини оширади.



ларини соддалаштириш, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида агросаноат кластерларини шакллантириш зарур. ШХТ маконининг транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳам Ўзбекистоннинг стратегик вазифасидир.

Шунингдек, Ўзбекистон инновация дастурлари ва лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш учун барча саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга даъват этмоқда. ШХТ ва Жаҳон сайёҳлик ташкилоти билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйишни мақсадга мувофиқ ва гоёқ долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Айтиши жоиз, минтақа барқарорлиги кўп жиҳатдан Афғонистондаги вазият билан белгиланади. Ўзбекистон афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш жараёнини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Шу боис «ШХТ – Афғонистон» Мулоқот гуруҳининг ҳаракатларига доир «Йўл харитаси», шунингдек, ушбу мамлакатни устувор инфратузилма лойиҳаларини илгари суриш орқали минтақавий ҳамкорликка жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

ШХТ ҳарбий блок хусусиятига эга эмас

Халқаро жамоатчилик ШХТ саммитлари ишлари диққат билан кузатаркан, унинг дунёда юз бераётган воқеаларга фаол муносабати, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган қатъий сиёсий йўлига ишонч ҳосил қилмоқда, деб айтиши мумкин.

Қайд этиш керакки, ШХТ доирасида қабул қилинган қарорлар аъзо мамлакатлар томонидан тўла маъқулланган тақдирдагина кучга кириши ва бу муносабатлар кўп томонлама келишувлар орқали мустаҳкамланишини назарда тутсақ, ташкилотнинг қисқа даврда катта обрў-эътибор қозонишига сабаб бўлган омилларни аниқлаш керак. Ташкилот айна кунда нафақат хавфсизлик, балки ижтимоий-иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт коммуникацияси, сармоя ва гуманитар масалаларга ҳам жиддий эътибор қаратмоқда. Булар ташкилотнинг очиклиги, барча манфаатдор давлатлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорликка тайёр эканидан далолатдир.

ШХТ ўзининг асосий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни сақлашнинг ишончли кафолати сифатида майдонга чиқмоқда, дунё тез ўзгарувчан, нотинч бўлиб турган ҳозирги замонда бу гоёқ муҳим. Унинг фаолияти бошқа мамлакатлар манфаатларига қарши қаратилмаган ва ҳарбий блок хусусиятига эга эмас.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари «Шанхай жараёнларини тезлаштириш зарурлигини таъкидламоқда. Чунки ҳар қандай кўп томонлама тизимлар фаолияти қабул қилинаётган қарорларнинг сўзсиз ва босқичма-босқич бажа-

рилиши билан самара беради. Бу «олтин қоида» ШХТнинг жипслиги ва уюшқоқлиги учун ўзига хос мезон бўлиб қолиши бежиз такорланмаётир.

Ўзбекистоннинг ўз ўрни бор

2019 йил 1 январдан ШХТ Бош қотиби вазифаси Ўзбекистон вакили Владимир Норовга ўтди. Қисқа вақт халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган ШХТдек тузилмага Бош қотиблик қилиш Ўзбекистон вакилига топширилгани мамлакатимизга халқаро доирада ҳурмат ва ишонч ортиб бораётганидан далолат.

Қайд этиш керак, ШХТ тамойилларининг барчаси, шу жумладан, хавфсизлик ва иқтисодий ривожлантириш мавзуларининг жипслиги, яхлитлиги Ўзбекистоннинг манфаатлари, мақсадларига жавоб беради. Шунинг учун Ўзбекистон ташкилот фаолиятида ўз тақлиф ва ташаббуслари билан фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон ШХТ маконидан миллий ва трансчегаравий аҳамиятга молик автомобиль, темир йўл ва ҳаво йўли коммуникацияларини барпо этиш, замонавий логистика марказлари ва хаблар яратиш тарафдоридир. Бу ташаббуснинг амалга оширилиши аъзо давлатларнинг Европа Иттифоқи, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади. 2018 йил 10 июнда қабул қилинган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш

бўйича Ҳаракатлар режаси мазкур ишларнинг муҳим натижаларидан биридир.

Мамлакатимиз қандай ташаббусларни илгари сурмоқда?

Шубҳасиз, ШХТ доирасида қўллаб-натижаларга эришилди. Шу билан бирга, ташкилот доирасидаги шерикликни янада ривожлантириш учун ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Президентининг қатор ташаббуслари ташкилот фаолиятини ривожлантиришда муҳим эканлиги эътироф этилди.

Жумладан, Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга

Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг умумий ҳудуди 34 миллион квадрат километрдан зиёд, яъни Евроосиё ҳудудининг 60 фоизи демакдир. ШХТ мамлакатлари аҳолисининг умумий сони 3 миллиард 40 миллион нафарга тенг, бу – сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярми дегани.

Дастурлар ҳамкорликни ривожига хизмат қилади

Ўзбекистон ҳар доим бу нуфузли ташкилот саммитида ўз тақлифлари билан ўртоқлашган. Давлатимиз раҳбари ўтган йилги Бишкек учрашувида ҳам ШХТ доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга оид тақлифлари билан ўртоқлашди. Ўзаро алоқалар, самарали иқтисодий ва транспорт йўлақларини ривожлантириш бўйича ШХТ Ҳамкорлик стратегияси, «ақлли» қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик концепциясини қабул қилиш тақлиф қилинди.

Шунингдек, замонавий ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш мақсадида ШХТнинг «Яшил белбоғ» дастури ҳамда киберхавфсизлик масалари бўйича ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш тақлифлари илгари сурилди. ШХТ доирасида парламентлараро мулоқотни тиклашга доир ташаббусларни Ўзбекистон қўллаб-қувватлаши билдирилди.

Хуллас, улкан минтақада илгари сурилаётган тақлиф ва ташаббуслар, ҳақиқатан ҳам, ҳаётда ўз аксини топса, бундан аъзо мамлакатларнинг барчаси ютади. Кузатувчи давлатларнинг бундан кейин ташлайдиган қадамлари ана шу гоёқларнинг рўёби билан белгиланади.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.



Тошкентдан вилоятларга автобуслар қатнови қайта йўлга қўйилди.



СОЛИҚ ТИЗИМИ: рақамли ривожлантириш бюджетта 20 трлн. сўм фойда келтиради

Кейинги йилларда солиқ тизимида замонавий технологияларга асосланган инновацион усул ҳамда механизмлар ҳаётга кенг татбиқ этилаёттир. Уларни янада кенгайтириш учун Давлат солиқ қўмитаси йирик маълумотларни сақловчи, қайта ишловчи сервер, энг замонавий ахборот коммуникация воситаларига эга бўлиши зарур эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 5 июндаги «Солиқ маъмуриятчилигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда ҳужжатга асосан қабул қилинган Давлат солиқ қўмитасининг Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегиясида белгиланган вазифалар ижроси айна шу муаммоларни бартараф этади.

Шу билан бирга, соҳа фаолиятига янги дастур ва механизмлар жорий этилиб, истеъмолчи ва давлат ташкилоти ўртасидаги муносабатларнинг қулайлиги ва шаффофлиги таъминланади.

Тизимдаги муаммолар нималардан иборат?

Солиқ тизимида электрон давлат хизматларини кўрсатиш турларининг ортиши фуқароларнинг оғирини енгил қилди, албатта. Ортиқча қоғозбозлик, инсон омилининг кучлилиги боис урчиган коррупция ва бошқа иллатларнинг камайишига замин ҳозирлади. Айна жиҳат солиқ тизимида маълумотлар алмашиш билан боғлиқ бўлган қатор муаммоларни ҳам юзага чиқарди.

— Биринчи навбатда, солиқ идораларининг сервер хотира ҳажмининг 90 фоиз баъдлиги ахборотларни тўлақонли йиғиш ва уларни қайта ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш имконини бермаяпти, — дейди «Тараққиёт стратегияси» маркази мутахассиси Фотима Мадраҳимова. — Шунингдек, электрон хизматлар сони 3,8 бараварга, ахборот тизимлар сони 2,5 бараварга ортиши натижасида корпоратив тармоқ тезлигини ошириш зарурати юзага келди. Турли ахборот тизимларининг интеграциялашуви

натижасида маълумотлар базасида кучли юкланиш ҳосил бўлгани, ягона платформа мавжуд эмаслиги ҳам катта муаммолардан бири.

Ушбу камчиликлар давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ўзаро алоқани масофавий тарзга ўтказиш, барча иштирокчилар ўртасидаги муносабатларни ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали тўлиқ автоматлаштиришга йўл бермаяпти.

АКТ инсон омилини 60 фоизга қисқартиради

Эндиликда соҳага «Business Intelligence» ва «Big Data» технологияларини жорий этиш режалаштирилмоқда. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ва тезкор таҳлил қилиш имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, хуфёна айланмалар даражасини кескин қисқартириш ва солиқ соҳинадиган баъзиларни кенгайтиришга хизмат қилади. Бунинг натижасида бозор конъюнктура-сини ўрганиш, товар ва хизматларнинг бозор нархларини таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш мумкин бўлади.

— Солиқ органларининг ахборот

тизимлари мажмуи тўлиқ ягона платформага ўтказилади, — дейди Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ катта инспектори Дилдора Ҳошимова. — Бу барча амалларни оптималлаштириш, солиқ тўловчиларнинг ҳисобот топшириш жараёнини 5-7 бараварга енгиллаштирилиш имконини беради. Солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймастик бўйича превентив ва олдини олиш чораларини қўллашга имконият яратади. Таъкидлаш жоизки, ушбу вазифаларни амалга ошириш натижасида бюджетга қўшимча тушумлар ҳажми 20 трлн. сўмгача ортиши кутилмоқда.

Қарор билан солиқ тизимида қатор янги дастурлар ҳаётга татбиқ этилади. Жумладан, солиқ тўловчиларни сегментлаш, хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, инсон омилини тўлиқ бартараф этадиган «Таҳлика-таҳлил» дастури яратилади. «Онлайн назорат касса машиналари», «Электрон ҳисобварақ-фактуралар», «Сизнинг электрон бухгалтерингиз» дастурий маҳсулотлари, солиқлар йиғилувчанлигини ошириш учун «сайт» тизими кенг жорий этилмоқда.

““

Сир эмас, бугун коммунал тўловларни тўламоқчи бўлган киши солиқ идоралари эшигини қоқиб, овора бўлиб ўтирмайди. Сабаби, ҳозирда турли мобиль иловалар орқали уйдан чиқмасдан туриб, бир неча дақиқада бундай тўловларни амалга ошириш имконияти мавжуд. Албатта, бундай имкониятлар солиқ тизимида жорий этилаётган рақамли технологиялар ҳосиласидир.



Натижада солиқ аудити автоматик шаклда ўтказилади, мониторинг қилиш, маълумот ва таҳлиллардан фойдаланиш — реал вақт режимида амалга оширилади. Электрон давлат хизматлари ва уларнинг мобиль иловалари сонини кўпайтириш эса солиқ хизмати ходимлари билан муносабатларда инсон омилини 60 фоизга қисқартиради. Бу нафақат коррупциянинг олдини олади, балки қоғоз шаклидаги ҳужжат ишларини ҳам кескин камайтиради.

Рақамли иқтисодиётни татбиқ этишдан мақсад — ҳар қандай соҳани тараққий топтиришдир. Шунингдек, шаффоф ва адолат тамойилари асосида фаолият юритишини таъминлаш орқали коррупция, қоғозбозлик каби иллатларни йўқ қилиш, тизим ишларини соддалаштириш, фуқароларга давлат хизматларидан фойдаланишда катта қулайликлар яратишдан иборат.

Давлат солиқ тизимида киритилган янгиланиш ва ўзгаришлар ҳам солиқ тўловчиларнинг ортиқча оворагарчиликларга дучор бўлмалиги, тизимга бўлган ишончининг ортиши, солиқ сийсатининг шаффоф ва адолат тамойиллари асосида бўлишига замин яратади. Бу эса, албатта, давлат ва жамият тараққиётига хизмат қилади.

Санжар ЭШМУРОДОВ
«Mahalla»

БУ — ҚИЗИҚ...

Турли мамлакатларда бир-биридан фарқли солиқ турлари бор. Ҳатто уларнинг баъзилари ҳақида эшитсангиз, «шундай солиқ ҳам бўладими?» дея ҳайратланасиз. Куйида улардан айримлари билан таништириб ўтамиз.

✓ **2018 йилдан буён Уганда давлатида ижтимоий тармоқларда ўтирган кишилардан солиқ олинади. Ҳар бир фойдаланувчи кунига 0,05 доллар солиқ тўлайди. Блог юритсангиз, 1,2 доллар тўлашингиз керак. Бу билан ҳукумат фуқароларнинг кўп вақтини интернетда ўтказиши ва миш-мишлар тарқатишига қарши курашмоқчи.**

✓ **Майёрка, Ивиса, Менорка курорти соҳилларида сайёҳлар кўёшда тобланишлари учун кунига 1 евродан солиқ тўлайди. Бу маблағ дам олиш жойларини таъмирлаш учун ишлатилади.**



Тошкент метросининг «Юнусобод» йўналишида иккита бекат қуриб битказилди.

Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ: «КУЛГУ ҚУРОЛГА айланмаслиги керак»

Фарғона водийси ҳақида гап кетганда, содда, самимий, танти, шу билан бирга, пайров ва аскияга уста кишилар кўз олдимизга келади. Худди мана шу жиҳатлар водийлик ижодкорлар табиати, улар яратган асарларда ҳам яққол кўзга ташланади. Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов ва Анвар Обиджоннинг ижод намуналари бунга яққол мисол бўлади.



Фарғоналик ранг-тасвир устаси, карикатурачи рассом, «Дўстлик» ордени соҳиби Маҳмуд Эшонқулов ҳам ўз асарлари билан халқимизга табассум улашиб келаётган ижодкорлардан бири. Икки юздан зиёд миллий ва халқаро мукофотлар соҳиби бўлган устоз ижодкорни нафақат юртимиз, балки хориж мамлакатларида ҳам яхши танишади. Айни дамда Фарғона вилоятида яшаб, ижод қилаётган карикатурачи рассом М.Эшонқуловнинг дил сўзларига қулоқ тутдик.

қўлимга қалам олардим. Демокчиманки, ижод доим мени яхши маънода таъқиб қилиб келган. Сўнги 25 йил мобайнида пойтахтда газета-журналлар ва телевидениеда ишладим. Дунё карикатурачилари билан яқиндан танилиш, турли кўргазма ва танловларда қатнашиш насиб этди. Ҳаёт йўлим яна Фарғона сари етаклади. 2019 йилнинг кўзида яна ота маконимга қайтиб келиб, ижодни шу ерда давом эттириятман.

шарт эдими? Бугун ижодкорлар мана шу савол орқали инсон қалбини ўрганапти. Жаҳон карикатурачи рассомлари ҳам бундан четда қолгани йўқ ва шу йўналишдаги ижодий кўргазмалар ўтказилияпти.

ни сақлаш учун хизмат қилмоғи шарт. Хорижлик айрим карикатурачиларнинг хатоси сабаб динлар ва миллатлар орасида низолар келиб чиққани ҳам бор гап. Масалан, Пайгамбаримиз(с.а.в.)нинг суратлари чизилиши билан боғлиқ воқеани эсланг.

«Карикатура — ойна дегани»

— Карикатурачи рассом ижтимоий масалаларга тезкор муносабат билдира оладиган инсон бўлиши керак, — дейди М.Эшонқулов. — Керак пайтда танқид қилиши, ижобий янгиликларга дуч келганда эса уни эътироф ҳам қилиши керак. Зеро, карикатура — ойна дегани! Уни майда, майший кулгу билан адаштирмаслик керак. Бунинг учун ижодкор кузатувчан, мавзунини ҳар томонлама пухта ўрганиб, асл ҳолатга ҳаққоний баҳо беришни билиши шарт. Шу жиҳатдан карикатурачи журналистикага ҳам қиёсласа бўлади. Ҳаётни яхши билган, оддий инсонлар тақдирини бефарқ бўлмаган инсон учун мавзу топиш мушкул эмас.

Айнан карикатурачи танлашимнинг бош сабаби — унинг табиатига яқин эканидир. Карикатурачи бўлганимга қадар турли ишлар билан машғул бўлганман. Масалан, ёшлитимизда кишлоқда тракторчилик анча обрўли касб ҳисобланарди. Отамнинг истаги билан тракторчи ҳам бўлиб ишлаганман. Аммо ўша пайтларда ҳам вақт топдим дегунча

Қишлоқда ижод қилиш осонми?

Қишлоқда ижод қилишнинг ўзига хос яхши ва ноқулайликлари бор. Масалан, бу ерда пойтахтдаги ижодий муҳит йўқ. Яъни истаган вақтда катта ижодкорлар даврасида бўла олмайсиз. Яна шаҳардаги каби интернет тезлигию сифатли алоқани ҳам топиш осон эмас. Лекин тоғнинг тоза ҳавоси, содда, самимий, танти ва меҳнаткаш инсонлари бу камчиликларни ёпиб кетади. Қолаверса, бундай камчиликлар тез орада бартараф этилади, деган ишонч бор.

Ижодкор қаерда ва қандай шароитда бўлса ҳам ижодни қанда қилимаслиги, ўтқинчи қийинчиликлар қаршисида бош эгмаслиги шарт. Қишлоқдаги айрим ноқулайликларга қарамай, бугун дунё ижодкорлари билан фикр алмашиб, ижодий ишларимни турли халқаро танлов ва кўргазмаларга мунтазам жўнатиб турибман.

Шу кунларда COVID-19 глобал мавзуга айланган. Вирус сабаб дунё ахли бир-бирига нисбатан меҳр кўрсата бошлади. Умуман, ҳозир инсоният тафаккурида кескин ўзгаришлар содир бўляпти. Ўзгаришимиз учун ер юзига вирус тарқалиши

Ижодкорда миллий ғурур бўлиши шарт...

Карикатура санъатида истеъдодлар унчалик ҳам кўп учрайвермайди. Шу боис ёш карикатурачи рассомларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Улар учун тез-тез ижодий кўргазмалар ташкил этиш зарур. Афсуски, бу жиҳатдан ҳозир мақтана олмаймиз.

Аввал газета-журналларда эълон қилинган ҳар бир карикатуранинг таъсири сезиларди. Айрим кишилар рассомларимизга «фалон суратингда мени чизибсан, бундай қилиш яхши эмас», деган мазмунда гаплар айтиларди. Бу карикатуранинг ижтимоий ҳаётда муҳим ўрни бўганини кўрсатади. Афсуски, бугун бу санъатга қизиқиш бироз сусайгандек. Болаларимиз телефон ва ижтимоий тармоқлар билан банд. Агар карикатура кўргазмалари кўпроқ ўтказилса, ёшлар орасида ҳам унга қизиқиш ортади. Қолаверса, бу карикатурачи рассомларга маънавий жиҳатдан ҳам, моддийдан ҳам катта далда бўлар эди.

Шу ўринда яна бир гапни айтишим керак. Карикатура шунчаки кулгу эмас, у инсонларга хато ва камчиликларини ҳажв йўли билан кўрсата олиш санъатидир. У санъат бўлиши билан бирга, мафкуравий қурол ҳамдир. Қурол эса фитна кўзғаш учун эмас, тинчлик

Шу боис бу санъатда фақат истеъдоднинг ўзи етарли эмас. Карикатурачи ижодкорнинг бадиий диди, дунёқарashi кенг бўлиши керак. Чунки карикатурада ҳар бир белги, деталь нимагадир ишора деб қабул қилинади. Бу эса ижодкордан ҳушёрликни талаб қилади.

Халқаро танлов ва кўргазмаларга юбораётган намуналаримизда қиёфа ва либосларнинг умумий бўлишига ҳаракат қиламан. Карикатура қаҳрамонлари дўппи, чопон каби миллий либосларимизда тасвирланса, бошқаларда мамлакатимиз ва миллатимизга нисбатан нотўғри қараш шаклланиб қолиши мумкин-да. Бу бизда муаммо йўқ дегани эмас, балки уни ўзимиз ҳал қила олишимизни билдиради.

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов «Олтин девор» комедиясининг хориж саҳнасида қўйилишига қарши бўлган экан. Севикли шоиримиз молдунё учун ўзигини унутган чолларни бошқаларга миллатимиз вакили қилиб кўрсатишни истамаган. Ахир, халқимиз «Уйнинг гапи кўчага тўғри келмайди», деб беғиз айтмаган. Демокчиманки, ижодкорда миллий ғурур бўлиши шарт.

«Mahalla» мухбири
Боборавшан ҲОЗИДДИНОВ
ёзиб олди.

2021 йилги «Оскар» кинотақдимооти пандемия сабабли кечроқ муддатга кўчирилди.

СОЧНИНГ

оқариши саломатлик
белгисими?

Соч ранги организмдаги меланин пигменти билан боғлиқ. Ёш улғайган сари пигмент ҳосил қилувчи ҳужайраларнинг функцияси сустлашади ва меланин моддасини ишлаб чиқариш тўхтайтиди. Ушбу табиий жараён ҳаммада ҳар хил кечади. Масалан, европеоид ирқига мансуб кишиларда соч оқариши тахминан 34 ёшда, осиеликларда 30-34 ёшда, қора танли аҳоли ўртасида эса ўртача 43 ёшда пайдо бўлади. Бизда эса бу ҳолат кўпинча 35 ёшларга тўғри келади. Аммо илк оқ соч толалари 20 ёшдан олдин ҳам пайдо бўлиши мумкин. Бундай пайтда дарров хавотирга тушмаслик керак. Аввал соч оқаришининг сабабини аниқлаш лозим.

Қандай сабаблар сочни
оқартиради?

Аслида сочининг эрта оқариши инсон саломатлигида муаммо борлигидан дарак беради. Бунда, энг аввало, наслий омиллар катта роль ўйнайди. Организм учун зарур бўлган баъзи керакли моддаларнинг етишмовчилиги ёки кишининг жисмоний-руҳий ҳолати ҳам хасталикка сабаб бўлиши мумкин. Масалан, организмда оксил, аниқроғи, унинг таркибидаги тирозин моддасининг етишмовчилиги сочларнинг оқаришига сабаб бўлади.

Шунингдек, В гуруҳи витаминлари, рух (цинк) ва мис (медь) организмда етарли даражада бўлмаслиги ҳам бу муаммони юзага келтиради. Айрим салбий одатлар ёки айрим маҳсулотларни керагидан ортиқча истеъмол қилиш ҳам сочининг рангига таъсир ўтказиши шуллар жумласидан.

Айрим ҳолларда инсон руҳиятидаги эврилишлар, хусусан, кучли асабийлашиш, стресс ҳолати ҳам меланин моддасини ишлаб чиқарилишини тўхтатиб, соч оқаришига сабаб бўлади. Масалан, француз қироличаси Мария Антуанеттанин сочлари қатл

жазосидан олдин бир кечада оқариб кетган. Бу ҳодисани стресс вазиятида организм меланин ва оксил моддасини бирлаштирувчи кимёвий реакцияни бузадиган моддаларни ишлаб чиқара бошлаши билан изоҳлаш мумкин.

Соч оқаришининг
олдини олиш мумкинми?

Албатта. Бунинг учун, авваллабор, соғлом ҳаёт тарзига риоя қилиш керак. Меъёрида ухлаш, иммунитет ва асаб тизимини мустаҳкамлаш организмда меланин моддасини етишмовчилигининг олдини олади.

Тўғри овқатланиш ҳам соч оқаришининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Бунда В гуруҳ витаминлари билан бирга, рух ва мис минералларига бой озиқ-овқатларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай моддалар сут маҳсулотлари, гўшт, гуруч, гречка, сабзи, апельсин, помидор, жигар, ёнғоқ ва қарам таркибида кўп учрайди.

Агар сочининг эрта оқаришига қалқонсимон без касалликлари сабаб бўлса, энг аввало, ушбу касалликни даволаш керак. Шунда соч оқариши ҳам ўз-ўзидан бартараф бўлиши мумкин. Чекишга

ружу кўйган одамлар бу зарарли одатдан воз кечиши лозим. Қашандалик оқибатида тўқималар кислородга тўйина олмайди ва бу меланин ишлаб чиқаришнинг пасайишига олиб келади.

Қандай даволанади?

Эрта соч оқаришига қарши оддий усуллардан фойдаланиш мумкин. Масалан, сариёғдан. Унинг таркибидаги минераллар соч оқариши жараёнини секинлаштириб, ранг бериш хусусиятига эга. Сариёғни эритиб, соч илдизига уқаловчи ҳаракатлар билан суртиш лозим. Муолажани ҳафтада икки марта такрорлаш тавсия этилади. Қора чой ҳам соч оқаришини тўхтатишда самарали восита. Анчиқ дамланган қора чой бир ош қошиқ ўсимлик ёғи билан аралаштириб, соч илдизидан бошлаб учигача суртилади. Тезроқ ва яхши натижага эришиш учун бу муолажани ҳар куни такрорлаш мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам соч оқаришига қарши чораларни қўллашдан олдин, албатта, шифокор билан маслаҳатлашиш зарур. Чунки бундай ҳаракатларнинг унинг содир бўлишига нима

сабаб бўлганини аниқламасдан бажариб бўлмайди. Бундай ҳолатларда соч оқаришини кучайтириб юбориш ҳам, организмнинг бошқа қисмига зарар бериб қўйиш ҳам мумкин.

Оқ соч толасини юлиш
мумкинми?

Баъзилар пайдо бўлган илк оқ соч толасини юлиб ташлайди. Бу умуман нотўғри. «Биттасини юлсанг баттар кўпаяди», деган гапда жон бор. Қолаверса, оқ толалар яна ўсиб чиқади. Оқарган сочларнинг кўпайиб кетишининг олдини олиш учун эса шифокорлар тавсияси билан В гуруҳи витаминларини қабул қилиш зарур.

Умуман олганда, юзга ажин тушиши ёки сочларнинг оқариши сизни шунчаки кексайганингизни эмас, ёшингиз улуғлашаётгани, бир қадар ҳаёт тажрибасига эга бўлаётганингизни ҳам билдиради. Ўз вақтида содир бўлган бундай ҳолатлардан роҳатланиш керак. Сочингиз эрта оқарганда эса мутахассисларга мурожаат қилиш ва даво чораларини кўриш талаб этилади.

Назира РАСУЛОВА,
дерматолог-шифокор.

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Соч оқариши саломатлик белгиси...
(ми?)

Америкалик олимлар соч оқариши ва инсон организмнинг умумий ҳолати ўртасида алоқа борлигини исботлади. Маълум бўлишича, оқарган сочлар мустаҳкам саломатлик кўрсаткичи экан. Фақат сочларнинг 30 ёшгача оқариш ҳолати бундан мустасно.

Бу борада олиб борилган тадқиқот давомида олимлар, агар организмда жиддий бузилишлар бўлмаса, унда сочлар 50-55 ёшларда оқаришини аниқлади. Демак, оқ сочлар пайдо бўлиши туфайли хафа бўлишга ўрин йўқ, бу — организм тўғри ишлаётганининг белгиси ҳисобланади.

Шу ўринда, одамда оқ сочларнинг пайдо бўлиши ҳужайра ичидаги муҳим антиоксидантлардан бири — глутатион моддаси миқдорининг кўплиги билан боғлиқ эканини қайд этиш лозим. Агар ушбу модда етишмовчилиги мавжуд бўлса, унда организмдаги қариш жараёнлари тезлашади. Ушбу маълумотдан келиб чиққан ҳолда мутахассислар оқ сочлар — саломатлик белгиси, деган хулосага келди.

Маълумотларга кўра, ер юзи аҳолисининг 10 фоизи турли кўринишдаги фобиялардан азият чекар экан. Инсоннинг иррационал (мантиққа тўғри келмайдиган) хавфдан қўрқиши унинг руҳиятида ҳам умумий бузилишни юзага келтиради. Бундай одамларда бош айланиш, кўнгил айниш, чидаб бўлмайдиган даражада қўрқиш ҳисси пайдо бўлади. Баъзан ушбу аломатлар ички ваҳима билан бирга кузатилади. Фобиянинг эса юздан ортиқ тури бор.



БАЛАНДЛИКДАН қўрқиш (акрофобия) қандай касаллик?

МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:

Кун бўлса-ю, тун бўлмаса...

Қоронғидан қўрқиш — никтофобия жуда кўпчиликда кузатилади. Аниқланишича, уларни биргина қоронғиликнинг ўзи эмас, балки қўрқинчли ўй-хаёллар кўпроқ ваҳимага солади. Никтофобияга чалинганларнинг тасавури шу қадар бойки, бунда энг қўрқинчли кинофильмлар сюжети ҳам ҳеч нима бўлмай қолади. Улар учун энг катта азоб — қоронғиликда ухлаш. Айримлар никтофобия ёш билан боғлиқ, деб ҳисоблайди. Ундай эмас. Ёш болалар ҳам, катталар ҳам бирдек никтофобиядан азият чекиши мумкин.

Тепадан қараганда барчаси... қўрқинчли!

Акрофобия — баландликдан қўрқиш. Айримлар энг баланд жойларда ҳам кигрик қокмай тураверади. Бошқалар эса бунинг акси. Баландликдан қўрқиш ҳисси деярли барчада бор. Одатда акрофобиядан азият чекувчиларда саросимали қўрқув кузатилади. Улар нафақат жуда баланд тоғлардан, балки бироз баландликка кўтарилиш, нарвон ёки ишқомга чиқишдан ҳам қўрқишади. Уларга барча тоғ ва тепаликлар беҳосият ва жуда қўрқинчли туюлади. Айрим ҳолларда қўрқувдан қотиб, кучли қарақтланиш пайдо бўлади.

Дастлабки қўрқув муайян вазиятларда пайдо бўлади ва у миёга ўрнашиб қолади. Масалан,

палапартишлиги, юрак-қон томир тизими ва марказий асаб тизимининг зўриқиши оқибатида инсон умрининг қисқаришига сабаб бўлади.

Шунинг учун тепаликдан қўрқадиган инсонларни яқинлари, дўстлари қийноқ-қистов билан баланд жойга чиқишга мажбурламаслиги зарур. Аксинча бундай инсонларни тепаликлардан узоқ сақлаш, улар бемалол ҳаракатлана оладиган жойларда ўзларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш чораларини кўриш керак.

Қўрқув дардидан бутунлай халос бўлиш мумкинми?


Албатта. Кузатувларга кўра, даволанишга жазм қилган беморларнинг 90 фоизи ижобий натижага эришган. Бунда фобиянинг тури ва беморнинг ҳаракати катта аҳамиятга эга. Мутахассис бемор билан суҳбатлашгач, унинг ёши, қўрқув тури ва бошқа ўзига хосликларни инобатга олиб, даволаш курсини белгилайди. Муолажа эса узоқ вақт давом этади. Даволаш жараёнига беморнинг оила аъзолари ва яқинлари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Бунда тепаликларни забт этишнинг галабали йўллари танланиши керак. Масалан, парашют ёки «тарзанка» билан ўтиш, минорадан сувга шўнғишда беморга далда ва кўмак бериш лозим. Бу машғулларни эса қуйидаги босқичлардан бошлаш тавсия этилади:

Аввало, паст баландликдаги платформани танлаб, чиқиш керак. Тепаликда эса инсон бардоши етадиган мuddатда туриши ва

ДАРВОҚЕ...

Тарихда ўчмас из қолдирган буюк шахслар орасида ҳам у ёки бу турдаги фобияга чалингани ҳақида маълумотлар бор. Масалан, машҳур расом ва ёзувчи Сальвадор Дали умрининг охиригача чигирткадан қўрқиб яшаган. Бу эса инсоннинг арашнофобиядан азият чекишини англатади. Бундай инсонлар учун ўргимчак ва, ҳатто, ниначи каби ҳашаротларни тасаввур қилишнинг ўзиёқ ваҳимали. Баъзан арашнофобия ва ҳашаротларни шунчаки, ёқтирмаслик чалкаштирилади. Уйда бирор ҳашаротни кўрганда уни йўқотишга ҳаракат қилиш, ҳовли, кўча-кўйда эса уларга деярли эътибор қилмаслик — бирор жиддий касаллик эмас. Эгнига ҳашарот кўнишидан доимий қўрқиш, шундай ҳолатни тасаввур қилибоқ сесканиш, ваҳимага тушиш эса арашнофобия дейилади.



бемор ҳамма ёқни кўриш учун томга чиқади ва пастга қараган заҳоти қаттиқ қўрқиб кетади, боши айланади, кулаб тушаётгандек хавфсирайди. Фобиялар пайдо бўлганда беморнинг юзи қизаради ёки ранги ўчади, оғзи қуриydi, юраги тез-тез уради, артериал босим ошиб кетади, тер босади, кўз қорачиқлари кенгайди ва ҳоказо.

Бундай қўрқувнинг зарарли томонлари бор, албатта. Хусусан, нозик нерв тизимига эга бўлган инсонлар қўрқув сабаб ўзини танқидий баҳолашга мойиллиги кучли бўлиб қолади. Улар ўзларини бошқалар билан таққослай бошлайди ва кичик муаммоларни фожиага менгашади. Шу асосда ўзини ўзи бошқариш тизими нотўғри ишлайди. Бу, ўз навбатида, жисмоний зўриқишга ҳам сабаб бўлади. Жумладан, фикрлаш қобилиятининг

маълум мuddат ўтиб, яна ташриф буюриши керак. Шу тариқа биринчи чўқки забт этилгач, аста-секин баландроқ марра сари одимлаш мумкин бўлади. Тепаликда турган вақтда эса ҳимоя тўсиқларига ишонч ҳосил қилиш, бош айланганда қўрқув йўқолмагунча биронта объектга диққат билан қараб туриш зарур. Агар бу уришилар самара бермаса, психологга мурожаат қилиш зарур.

Қўрқувнинг фойдаси ҳам бор...

Одатда қўрқувдан йироқ инсонлар турли вазиятларда ўзларини синаб кўриши оқибатида кўнгилсиз ҳолатларга дучор бўлади. Бу эса меъёрдаги қўрқув ҳам фойда келтиришидан далолатдир. Шунингдек, акрофобияга йўлиққан инсон учун тепаликдаги сониялар узоқ вақтдек туюлади. Бундай паллада одам ҳаётини таҳлил қилишга улгуради. Келажакда характер ва ҳаракатларни яхши томонга ўзгартириш учун ўзини қайта ва ҳаққоний баҳолайди.

Қўрқувни энгиб ўтиш орқали эса инсонда ўзини ўзи хурмат қилиш туйғуси янада мустаҳкамланади. Биргина ноҳўя ҳаракат сабаб ҳалокатга учрашини теран ҳис этган инсон ҳаётда ҳар бир ишни ўйлаб бажарадиган бўлади. Дарҳақиқат, қўрқув ортидан мана шу каби фойдали жиҳатларни ҳам ўзлаштириш мумкин.

Ўтқир ХОННАЗАРОВ,
невролог-шифокор.

Ўзбекистонда коронавируснинг энгил ва аломатларсиз шаклларида чалинган беморларни уйда даволаш йўлга қўйилади.

ИСЛОМИЙ МОЛИЯ

КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРА ОЛАДИМИ?

Кейинги вақтларда аҳоли ва тадбиркорлар орасида исломий молиялаш тизими хусусида ўзига хос фикр-мулоҳаза юритаётган, унинг ишлаш тизимига қизиқаётганлар кўпаймоқда. Камбағалликни камайтиришда ҳам унинг ўзига хос тамойилларидан самарали фойдаланиш мумкинлиги айтиляпти. Хўш, исломий молия нима ўзи? Унинг қандай фарқли жиҳатлари бор? Молиявий ҳисоб-китобларда устун томонлари нималарда кўринади?

Исломий молия деганда, исломдаги шариат ҳукмларига асосланган кўринишдаги молиявий амаллар тушунилади. Исломий ижтимоий молияга шариат асосида амалга оширилаётган микрокредит, закот, садақа ва вақф киради.

Қарз берувчи ҳам фойдага, ҳам зарарга шерикдир

Маълумки, микрокредит — қисқа муддатта кам таъминланган ёки иқтисодий томондан барқарор бўлмаганлар учун берилувчи кичик миқдордаги қарзидир. Бу турдаги қарз кичик ва ўрта бизнес учун ҳам мос келади. Одатий молия тизимидаги микрокредит фоизли қарз асосига қурилган бўлиб, унда қарз олувчининг ўзигина таваккал қилади. Қарз берувчи ташкилот — банкларнинг ягона мақсади бошқаларга қарз бериш эвазига фойда олишдан иборат. Исломда фоизли қарз рибо дейилади. Рибо эса динимизда ҳаром қилинган.

Исломий шариат асосидаги микрокредит юқоридагидан фарқ қилади. Бунда, аввало, фоиз ва жарималарга ўрин бўлмайди. Одатдаги микрокредит тизимида фақатгина қарз олувчи зарарга киради, қарз берувчи ташкилот доим фойдада қолади. Исломий микрокредитда эса қарз берувчи ҳам, қарз олувчи ҳам зарар ва фойдага бирдек шерик бўлади. Худди шунингдек, икки томон ҳамкор, шерик сифатида ишлаши фойданинг ҳам икки томонга бўлинишини талаб қилади.

Исломий молияда устамалар ўз-ўзидан ошмайди ва пеня тушунчаси умуман йўқ. Жарима бор, лекин бир маротаба қўйилади, бунинг сабаби мижозни тарбиялаш ва келажакда шунга ўхшаш эътиборсизликларга йўл қўймаслигини таъминлашдир. Агарда мижоз бирор фалокатга учраб, тўлаш

қобилиятини йўқотса, банк муддатни чўзиб бериши мумкин. Бунда сумма ўзгармайди. Лекин мижоз асбоб-ускунани олиб қўйиб, уларни яши ишлатмай, бепарво юргани қузатилса, банк совуққонлик учун жарима солади. Ундирилган маблағ тўғридан-тўғри хайрия мақсадларига сарфланади. Ваҳоланки, ислом молиялашида жаримага фойда сифатида қаралмайди ва у ҳаром ҳисобланади.

Закот ҳам фарз, ҳам савоб

Динимизда инсонларга нафақат жисмоний, балки молиявий ибодатларни бажариш ҳам буюрилган. Шулардан бири — закотдир. Закот ҳар бир балоғатга етган, ақли жойида бўлган ва бойлиги белгиланган миқдорга (нисоб) етган эркак ва аёлга фарз қилинган. Закот бериш фарз бўлмаган одам ҳам садақа бериш орқали савобга эга бўла олади. Масалан, бойлиги закот бериши керак бўлган даражага етмаган, лекин ўзига тўқ бўлган кишилар ихтиёрий кўринишда садақа бериб, савоб олишлари мумкин.

Закот ва садақа ижтимоий-иқтисодий томондан ҳам жамиятга фойда келтиради. Биринчи ўринда закот ва садақа қилиниши ортидан жамиятдаги мол-мулкнинг бир табақа кўлида қолиб кетишининг олди олинади, яъни улар ўта бой ва ўта камбағал табақалар юзага келишига қарши восита бўла олади. Бундан ташқари, закот олишга ҳақли бўлган тоифадаги одамлар айнан кам таъминланганлар, камбағалларга тўғри келади. Қуръони каримнинг «Тавба» сураси 60-оятда айнан қимлар закот олишга ҳақли экани айтиб ўтилган. Унга кўра, закот фақирга (қарзи йўқ, лекин нисоб даражасида маблағи йўқ киши), мискинга (бир кунлик таомидан бошқа ҳеч нараси йўқ киши), қарздорларга, Аллоҳ йўлида

юрганларга (ҳаж учун йулга чиқиб, пули етмай қолган киши, толиби илмлар), мусофирларга (ўз юртида бой бўлса ҳам, ўзга юртда пулсиз қолган киши) берилади.

Кам таъминланганларнинг таълим билан боғлиқ муаммоларига ҳам закот кўринишида ёрдам бериш, ўқиш тўловларини тўлаб бериш мумкин. Натижада кишилар бирон мутахассисликни ўрганиб, мустақил ишлай оладиган бўлади ва бу жамиятдаги ишсизлик даражасининг камайишига олиб келади. Ҳамманинг ҳам тақдирда бой бўлиш ёзилмаганини ҳисобга олсак, исломий молиявий ибодатлар ёрдамида аҳоли ичидаги бойларгина эмас, балки кам таъминланган, муҳтожлар ҳам ўз ҳаётини яхшилаб олиши имконияти туғилади.

Вақф турли соҳаларда фойда берган

Исломий ижтимоий молияга вақф ҳам киради. Ислом тарихига қарайдиган бўлсак, вақф мулки турли соҳаларга ўз фойдасини бера олган. Жумладан, бундай мулкка масжид-мадрасалар, таълим масканлари, шифохоналар, муҳтожлар учун уйлар, кутубхоналар ва жамиятга фойда келтирувчи бошқа жойлар қурилган. Бу жойларнинг ижтимоий ўсиш даражасини оширишдаги улуши катта бўлган.

Ҳозирги кунда ҳам камбағаллик даражасини камайтириш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топишда вақф мулкларидан фойдаланиш мумкин. Масалан, таълим масканлари, даволаш муассасалари, чекка ҳудудлар аҳолиси учун қудуқ қазизи, юқумли касалликларнинг олдини олиш учун сув тозалаш техникаларини ишга тушириш ва бошқалар.



Жасурбек РАУПОВ,
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари, «Носирхон» жоме масжиди имом-хатиби.

Ислом молиясидан фойдаланса бўладими?

Кўришиб турибдики, анъанавий молия тизимига муқобил равишда ислом молиясини жорий этишга қаратилган қонунчилик асосларини яратиш вақти келди. Агар фуқароларнинг маълум бир қисми диний эътиқодидан келиб чиққан ҳолда банк хизматларидан тўлақонли фойдаланишни истамаётганини инобатга олсак, исломий молиялаштириш тамойилларига асосланган банк хизматлари ана шу қатлам омонатларини иқтисодиётга жалб этиш, улардан эса оқилона фойдаланиш учун катта имконият яратади.

Бунинг учун амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш лозим. Жумладан, уларда таваккалчилик бурчи тенг тақсимланган қарз ва кредит шартномаларига бағишланган нормаларга ўрин берилиши керак. Исломий молия муассасаларида битимлар «қарз берувчи ҳам фойдага, ҳам зарарга шерикдир» деган тамойил асосида тузилиши, ислом динига эътиқод қилувчилар учун фоиз олиш оғир гуноҳ экани ҳисобга олинчи, бу жиҳатлар қонунчиликда ўз ифодасини топиши лозим.

Шунингдек, олди-сотди шартномасининг умумий қоидаларида мусулмон ҳуқуқида мавжуд бўлган товарнинг камчилигини айтиб сотиш ва унинг оқибатлари, лафздан қайтиш оқибатлари, улгуржи ва чакана олди-сотдида сотувчи томонидан қўйиладиган устама даражасини чеклаш каби жиҳатлар ҳам назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, исломдаги молиявий ибодатлар натижасида камбағаллар учун жуда катта маблағ ажратилади ва агар исломий ижтимоий молиялардан тўғри фойдаланилса, дунё бўйлаб камбағаллик даражасини пасайтиришда салмоқли натижаларга эришиш мумкин.

КОРЕЯ:

бир миллат, икки давлат — 70 йиллик зиддият

Сир эмас, 70 йилдан буён Корея яриморолни сайёраамизнинг ҳар бири ўлкаси бўлиб қолмоқда. Деярли ҳар дақиқада КХДР ва Жанубий Корея ўртасида уруш олови чиқиш хавфи сақланиб турибди. Шундай вақтлар бўлаптики, улар ўзаро гина-кудуратни унутиб, ҳамкорлик қўлини бир-бирига узатмоқда. Аммо учинчи кунлар ара лашуви, қутқуси билан ўртага араз, адоват уруғи сегиляпти.

Абдували САЙБНАЗАРОВ,
сиёсий шарҳловчи.

Хабарингиз бор, Шимолий Корея жорий йилнинг 9 июнида Жанубий Корея билан барча алоқа каналларини ёпишини эълон қилди. Бунга Сеулнинг жануб томонга қочиб ўтган шимолий корейликларнинг пуфаклар ёрдамида собиқ ватанларига ташвиқот варақалари ва бошқа материаллар юборилишига қаршилик кўрсатмагани сабаб бўлгани айтилади. Маълум қилинишича, бу Жанубий Корея билан ўзаро алоқаларни чеклашдаги ва «бошқа керакисиз ҳаракатларни тўхтатиш» даги биринчи қадам бўлади.

Шимолий Корея ахборот агентлиги хабарида айтилишича, мамлакатнинг бутун халқи «Жанубий Корея ҳукумати сотқинлигидан аччиқда». Шунинг учун 8 июнь эрталаб Жанубий Корея мудофаа вазирлиги Пхеньянда қўшма алоқа офиси очилган 2018 йилдан бери биринчи марта Сеулнинг кўнгиригига жавоб берилмаганини маълум қилган. Бу Сеулда Шимолий Корея ўз таҳдидини амалга ошириб, офисни ёпиши мумкинлиги хавотирини туғдирди.

Ўзаро айбловлар бирзум бўлса-да, тингани йўқ

Сеул ва Пхеньян ўртасида 2018 йилдан бери илқик кузатилаётган. Икки давлат спортчилари ҳаттоки Олимпиадада биргаликда иштирок этган. Шунингдек, икки давлат етакчилари ўртасида тарихда илк бор учрашув бўлиб ўтди. 2018 йил сентябрда Жанубий Корея президенти Мун Чжэ Ин ва Ким Чен Ин ўртасидаги 3-учрашувда ўзаро адоватнинг тўхтатилишини кўзда тутувчи келишув имзоланган. Бироқ 2019 йил ноябрда Жанубий Корея мудофаа вазирлиги Шимолий Корея Сарик денгизда артиллерия отишмаларини ўтказган. Шимолий ҳарбий келишувни бузганликда айблаган. Ҳа, Корея давлати иккига бўлинибдики, ўзаро айбловлар бир зум бўлса-да, тингани йўқ.

КХДРнинг расмий ахборотномаларида «АҚШ империалистларини қувиб юборган корейс халқи миллатнинг «порлоқ юлдузи» раҳнамолигида эришаётган мислсиз ютуқлар, тез орада мамлакатнинг жанубий ҳудудлари ҳам озод қилиниши» ҳақидаги жарангдор

ахборотлар тарқатилади. Жанубий Корея ва қатор хориз наирлари эса Шимолий Корея аҳолиси ўта абгор аҳволда яшаётгани, ҳатто очлик чангалида қолгани, давлат бошқарувида ўта шафқатсиз тизим минглаб одамларнинг ёстиғини қуритаётгани ҳақида бонг уради. Қисқа қилиб айтганда, ҳар икки томон ўз тузумининг мулқ адолатли экани ҳақида жар солгани ҳолда, қўшнисининг ҳудудлари аслида ўзига тегишли эканини, уларни озод қилиш муқаддас бурчлигини таъкидлашдан тўхтамайди.

Зиддиятлар бош сабаби нимада?

Тарих варақларини титқилайдиган бўлсак, бунга яна ўша мустамлакачилик, босқинчилик, катта давлатларнинг зуғуми сабаб бўлди, десак адашмаган бўламиз. Ҳаммаси бир асрдан ҳам нарига бориб тақалади. 1910 йилдан то Иккинчи жаҳон урушига қадар ягона Корея давлати Япониянинг мустамлакаси бўлган. Японлар бу ҳудуддан туриб нафақат Кореяни, балки Хитойнинг катта ҳудудини назорат қилишарди. Кореянинг бўлиниб қолишида айнан мана шу жиҳат асосий роль ўйнайди.

Иккинчи жаҳон уруши якунига кўра, ҳудудни японлардан озод қилиш зарурати туғилди. Шимол томондан собиқ СССР, жанубдан АҚШ ва унинг иттифоқчилари Корея яриморолни япон босқинчиларидан озод қилишдек эзгу мақсад йўлида бирлашди. Улар мамлакат ҳудудини 38-параллелдан қоқ иккига ажратиб, икки томонга ўз аскарларини жойлаштиришди ва тозалаш ишларини бошлаб юборишди. Хуллас, Иккинчи жаҳон уруши якунига кўра, 38-параллелнинг ҳар икки томонида муваққат ҳукуматлар тузилди. Жануб томонда АҚШ васийлигида ўтказилган сайловлар натижасига кўра, Ли Син Ман ғолиб чиққан бўлса, Шимолда советлар томонидан қўллаб-қувватланган Ким Ир Сен давлат бошқарувига келди.

Бир қарашда ҳаммаси режа бўйича кетаётган, японлар қувилиб, Корея мустақилликка эришгач, барча мурод-мақсадига етадигандек эди. Аммо ҳар икки давлат ўзига

тегишли ҳудудда ҳарбий кучларини сақлаб қолди. Жануб ва Шимол том маънода икки томонга қараб кета бошлади ҳамда 38-параллел давлатлар ўртасидаги рамзий жарликка айлана борди.

Уч йиллик урушда ғолиблар бўлмади

1950 йилнинг 25 июнида очикдан-очик бошланган урушнинг асл сабабчиси кимлиги, жанглор оловини дастлаб қайси томон ёққани борасидаги тортишувлар ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Шуниси муҳими, кечагина оға-ини бўлиб, ягона душманга қарши курашларда қон тўқан бир миллат раҳнаомлари сабаб, иккига бўлиниб, икки мафкура остида бир-бирига қарши шафқатсиз уруш бошлади.

1950 йилнинг июнь-августига келиб, Жанубий Кореянинг 90 фоиз ҳудуди Шимол тасарруфига ўтди ва жанубликлар ихтиёрида фақатгина бир йирик шаҳар — Бусан (Пусан) қолди. Деярли ҳамма Шимолнинг ғалабаси ва коммунизм режимининг бутун Корея яриморолга тарқалиши аниқлигини таъкидлаб турган бир пайтда урушга шу пайтгача маслаҳатчи мақомида турган АҚШ ва унинг иттифоқчилари аралашди. Натижада 1950 йилнинг сентябрдаёқ Шимолий Корея урушнинг бу босқичида мағлуб бўлиши аниқ бўлиб улгурганди.

Бу пайтга келиб Хитой ва унинг раҳбари Мао Цзэдун иттифоқчиларнинг 38-параллелдан ҳар қандай шаклда олиб ўтилини Хитойга қарши агрессия сифатида қабул қилишни эълон қилди. 8 октябрдаёқ Мао Хитой қўшинларини чегарага ёндош ўз ҳудудларига тўтлай бошлади ва чегарадан ўтиб, кейинги ҳаракатларга тайёр туришни буюрди. Шу билан бирга, Хитой раҳбари бу вазиятда қандай йўл тутиш бўйича СССР билан музокаралар ўтказишга киришди. Натижада Сталиннинг махфий буйруғига кўра, аниқ сони маълум бўлмаган кўтлаб ҳарбийлар турли ниқоб остида яриморолга жўнатила бошланди.

1952 йилнинг 4 ноябрида Дуайт Эйзенхауэр АҚШ президентлигига сайланди ва сайловолди ваъдаси — корейс урушини тўхтатиш чораларини излай бошлади. Аммо

ҳақиқий имконият 1953 йилнинг 5 мартида, Сталин ўлимининг кейин пайдо бўлди. СССРнинг янги ҳукумати бу урушни тўхтатишдан жуда манфаатдор эди. 1953 йилнинг 27 июлида ўт очини тўхтатиш бўйича келишувга эришилди. Бу келишув икки Кореянинг урушга қадар чегараларини қайта тиклаш ва бир-бирларига ўт очмаслигини ақс эттирса-да, амалда тинчлик шартномаси эмасди. Тинчлик шартномасига кейинчалик ҳам эришлишнинг имкони бўлмади ва Шимол ҳамда Жануб бутунги кунгача уруш ҳолатини сақлаб турибди.

КХДР шунчалик кучлими?

Ҳозирда 70 йиллик сулоланинг навбатдаги вакили Ким Чен Ин тинчлик йўлида анча-мунча саммитлар уюштирган бўлса-да, ҳануз ракета синовларидан воз кечмаган. Ҳўш, наҳотки шунча қудратли мамлакатлар бирлашиб, кичик бир давлатни йўлга соломаса? Очиғи, бир неча сабаб туфайли амалда бунинг иложи йўқ.

Шимолий Корея дунёдан бутунлай ажралиб қолмаган. Унинг бир неча яқин дўстлари ҳам бор. Масалан, ёнгинада жойлашган қўшни Хитойни олайлик. Иккала давлат ўзаро мудофаа шартномасини имзолаган бўлиб, улардан бири ташқи ҳужумга учраганда иккинчиси ҳарбий кўмак кўрсатиш мажбуриятини олади. Иккинчидан, КХДР ва Корея Республикаси ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маиший, иқтисодий тафовут шунчалик улканки, агар ҳамма куруллардан воз кечилиб, дўстона бирлашув бўлган тақдирда ҳам Шимол ўз «юки» билан Жанубнинг шунча йиллик тараққиётини осонгина йўққа чиқариб қўйиши мумкин.

Учинчидан, Ким Чен Ин тинчлик йўлидаги қадамларига қарамай асосий қуввати — ядро курулидан воз кечмаган. Бу восита билан ҳазиллашш яхшиликка олиб келмайди. Тўртинчидан, Корея муаммоси сақланиб туришидан манфаатдор кучлар бор. Чунки зиддият бўлган ҳудудга ҳарбий кучлар олиб кириш, ўзига оғдириш ва таъсир доирасини ошириш имконияти туғилади.



Жаҳондаги авиаташувлар
65 фоизга тикланди.

ОЛИМПИАДАГА ЙЎЛЛАНМА

Биз учун чегара
бўлмаслиги зарур

Ёз фасли чиниқиш ва саломатликни тиклаш учун қулай ҳисобланиб, бу даврда кўёш, сув, ҳаво оммабоп муолажа турига айланади. Табиатнинг хавфсиз, беминнат, безарар инъомларидан ўз ўрнида ва унумли фойдаланилса, инсон саломатлиги яхшиланади, яшагашга нисбатан иштиёқ ва ихлос ортади. Айниқса, сув спорти билан шуғулланиш ўзгача аҳамият касб этиши нафақат мамлакатимиз, балки дунё миқёсида тан олинган.

Ҳўш, юртимизда сув спорти турларини ривожлантиришга, оммавийлик даражасини оширишга қай даражада эътибор қаратилмоқда? Жойлардаги мавжуд сув ҳавзалари сони, моддий-техник базаси, яратилган шарт-шароит, умуман, қуввати жиҳатидан талабга жавоб берадилми? Агар масалага ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, сув спорти бўйича республикамиздаги реал ҳолатга ҳолисона баҳо бериш мумкин бўлади.

Федерация бирлаштирилди, ўзгаришлар борми?

2014 йилга қадар мамлакатимизда сув спортини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмаган. Бу тур бўйича ташкил этилган федерациялар тарқоқ ва «хўжақўрсин»га бўлиб, амалда ҳеч қандай иш қилинмас эди. Уша йили Сув спорти федерацияси ташкил этилган, республикамиздаги мавжуд вазиятни ўрганиш, хулоса чиқариш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилди.

— Биринчи навбатда, фақат вилоят марказлари эмас, балки чекка-чекка ҳудудлардаги сузиш ҳавзаларини ҳам тўлиқ инвентаризациядан ўтказдик, — дейди Сув спорти федерацияси бош котиби Алишери Фаниев. — Уларнинг электр ва газ таъминоти, сувнинг кимёвий таркиби, спортчилар учун яратилган барча шарт-шароитларини ўрганиб чиққанмизда, 225 та ҳавзадан, бор-йўғи, 53 таси умумий талабларга жавоб бериши маълум

бўлди. Сув иншоотларини яроқли ҳолга келтириш учун маҳаллий ҳокимликларга ўз тақлифларимизни бердик. Айни вақтга келиб, барча талабларга жавоб берадиган мажмуаларимиз сони 100 тадан ошди.

Аммо, тан олиш керак, бу рақам Ўзбекистон аҳолиси учун етарли эмас. Демак, сув спорти шохобчаларини таъмирлаш, капитал реконструкция қилиш жадвал суръатда давом эттирилиши зарур. Кадрлар таъминотида ҳам оқсаётган жиҳатларимиз кўп. Маҳаллий мутахассисларнинг бу спорт турини амалий жиҳатдан ёшларга ўргата олиши учун йил давомида семинар-тренинг ва маҳорат дарслари ўтказилмоқда.

МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:

Сув спорти 1896 йилда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган. 1908 йилда эса Халқаро сузиш федерацияси томонидан ушбу спорт тури тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган бўлиб, сузувчига 15 метрдан кам бўлмаган сув остида сузишга рухсат берилади.

Терма жамоа қаерда шакллантирилади?

Кўп йиллар мобайнида муайян спорт тури билан шуғулланганлар сараланиб, терма жамоа шакллантирилади ва улар халқаро доирадаги мусобақага юборилади. Бунга махсус спорт ўқув муассасалари

шарт-шароит яратиши лозим.

— Сузиш билан

қўр-қўрона шуғулланиб бўлмайди, — дейди Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби директори ўринбосари Нуриддин Маҳмудов. — Унинг назарияси, ўзига хос илмий ва амалий жиҳатлари бор. Муассасамизда 101 нафар ўсмирни терма жамоа аъзоллигига тайёрлашнинг специфик характердаги ўқув дастурлари жорий қилинган. Қувонарлиси, уларнинг барчаси Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидир. Олимпия ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионати ва кубоги мусобақалари учун миллий терма жамоаси шакллантиришга 31 нафар тренери жалб этганмиз.

Терма жамоа номзодлари ва уларнинг энг яқин резервларини тайёрлаш жараёни анча мураккаб. Мактабга қабул қилинган ёшлар сув-сув сақраш, синхрон артистик сузиш, сув полони, байдарка ва канозда, академик ва слаломда эштак элиш турлари бўйича мунтазам шуғулланишади. Байдарка ва канозда эштак элиш бўлими спортчиси Дилноза Раҳматованинг Токио Олимпиясида йўлланма ишга киритгани биз учун чегара бўлмаслиги зарур.

Қишлоқларда нега сув спорти ривожланмайди?

Саволнинг шу тарзда қўйилиши республикамизнинг аксарият қишлоқ туманларида сув спортини ривожлантиришга нималар халақит бераётгани ҳақида чуқур мулоҳаза юритишга ундайди.

ДАРВОҚЕ...

Сузишнинг фойдали жиҳатларини биласизми?

Сузиш инсон танасининг деярли барча ҳаётий тизимини мустаҳкамлайдиган, мушак тўқимасини ривожлантирадиган, ортикча калорияни йўқотадиган, кайфиятнинг кўтарадиган ва қадди-қомат расо бўлишига ердан берадиган спорт туридир. У турли руҳий ва жисмоний жароҳатлардан сўнг организмнинг тикланишига ердан беради.

Сузиш жараёнида нафас олиш органлари тўлиқ иштирок этиб, юрак атрофида қон фаол айланади. Мушак ва бўғим хасталиқларига учраган кишиларга ундан тикланувчи терапия сифатида фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ташқари, сколиоз касаллиги ва кўкрак деформациясини бар-тароф этишда сузиш энг фойдали, безарар муолажа туридир.

— Тасарруфимиздаги 15 та сузиш бассейнидан 5 таси очик ва 10 таси ёпиқ типда бўлиб, ёзги мавсумга Каттақўрғон, Иштихон, Булунгур, Пахтачи туманларида пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди Самарқанд вилояти жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси бошлиғи Шўҳрат Рўзиев. — Аммо Тайлоқ, Пастдаргом ва Ургут туманларидаги сузиш бассейнлари таъмирталаб ва қуз-қиш мавсумида газ босими пастлиги туфайли ишламапти. Бу ерда ўсмирларнинг шуғулланиши ўзини оқламайди. Малакали тренерларга эҳтиёжмиизда катта Тарғибот-ташвиқот ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Гарчанд муаммоларимиз кўп бўлса-да, 2019 йилда республика спорт мусобақаларида вилоятимиз вакиллари 276 та медални спорт мусобақаларида вилоятимиз вакиллари 276 та медални ўзбекистон терма жамоасига аъзодир.

Ҳар қандай давлатнинг имиджи ва рейтингини белгилашда спорт бўйича эришган натижаларига ҳам разм солинади. Юқорида таъкидлаганимиздек, сув спортини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларга ҳам ўз вақтида эътибор қаратилса ва ечими топилса, яна бир спорт тури бўйича вакиллари мизнинг халқаро мусобақалар — Олимпия ўйинлари, жаҳон чемпионатларидаги ғалабали одимларига гувоҳ бўлишимиз шубҳасиз.

Хулқар КУЗМЕТОВА
«Mahalla»

«Олимпия куни» тадбирлари доирасида виртуал югуриш мусобақаси ўтказилади.

Маълумки, 2018 йилда Буюк Британиянинг Солсбери шаҳридаги ота-бола Скрипалларнинг заҳарланиши шов-шувли ва можароли воқеаларнинг бири бўлганди. Расмий Лондон Россия Бош разведка бошқармаси собиқ полковниги Сергей Скрипал ва унинг қизи Юлиянинг заҳарланишида Москванинг қўли борлигини таъкидлаб, кимёвий қурол тўғрисидаги конвенцияни бузганликда айблади.



Устюртда КИМЁВИЙ ҚУРОЛЛАР синови ўтказилганми?



Ўз навбатида, Россия раҳбарияти кимёвий қуролларни ишлаб чиқариш 1990 йилларда тўхтатилгани ва 2017 йилда уларнинг барчаси йўқ қилинганини таъкидлаб, Лондон кўйган барча айбловларни рад этди. Скрипалларнинг заҳарланиши буйича биринчилардан бўлиб хабар тарқатган «Би-би-си» эса ушбу заҳарловчи модданинг собиқ иттифоқда ишлаб чиқарилган ҳарбий асаб-фалажлаш агенти — «Новичок» эканини таъкидлаб, унинг Ўзбекистонда, аниқроғи, Нукус(Устюрт)да синовдан ўтказилганига ургу берди. Дунёнинг бошқа ОАВлари ҳам шу фактга эътибор қаратди ва баъзилари уни «Нукус заҳари» ёки «ўзбек заҳари» деб атаётган.

синовдан ўтказилгани тўғрисида ҳам далиллар мавжуд эмас. Бу ном фарб ОАВдан кириб келгани айтилади.

Хусусан, собиқ иттифоқ ҳудудида «Новичок» деб тўғри ёки код билан номланувчи тадқиқотлар ўтказилмаган. У патентланмаган, рамз, шифр ёки код сифатида ишлатилмаган. Ҳеч қачон СССРда ҳам, Россияда ҳам «Новичок» сўзи кимёвий элементларнинг ривожланиши нуқтаи назаридан қўлланилмаган. Бу сўз Фарбда кимёвий элементлар ва токсик таъсир кўрсатадиган материалларга нисбатан ишлатилган.

Таъкидланишича, ўтган асрнинг 90-йилларида Россиядан кўплаб олимлар нафақат хорижга чиқиб кетган, балки ўзлари билан шуғулланган технологияларини ҳам олиб кетган ҳамда фарбдаги олимлар билан янги ишланмаларини амалга оширган. Шундай ишланмаларнинг бирини «Новичок» деб атаган. Модда Устюрт саҳросида синовдан ўтказилгани эълон қилинган эса хорижий ОАВда «Нукус заҳари» ёки «ўзбек заҳари» деб қўлланилган.

1984-1988 йилларида Нукусдаги ҳарбий қисмлар мажмуасининг кимёвий қуроллардан ҳимояланган воситаларини яратиш маркази(26382-сонли ҳарбий қисм)да хизмат қилган заҳирадаги полковник Виктор Абрамов ҳам тўрт ярим йил кимёвий қуроллар синовини ўтказишда иштирок этганини таъкидлаб, бирон марта бўлса-да, «Новичок» сўзини эшитмаганини маълум қилади.

Биз у билан электрон почта орқали гаплашдик.

— Бизда бундай ном йўқ эди, — дейди у. — Кимёвий қуроллардаги барча синов рецетплари кодланган ҳолда, масалан, «Р-п» деб қўлланади, бу ерда «п» — рецетт рақамини англатади.

Қорақалпоқ давлат университети профессори, биология фанлари доктори Гаффар Ассенов эса Буюк Британиядаги асаб билан заҳарланиш можаросига жавобан, модданинг Қорақалпоғистонда мавжуд эмаслигини айтади. 90 ёшдан ошган Г.Ассенов бутун умри давомида Оролбўйи ҳудудини тадқиқ қилиб келган.

— 1992 йилда, тахминан ярим

йил давомида, бошқа мутахассислар қатори, мен ҳам Оролдаги полигонни зарарсизлантиришда бевосита иштирок этдим, — дейди Г.Ассенов. — Айтишим керак, биз ҳеч қандай контейнер ёки уларнинг изларини топмадик. Бугунги кунга қадар биз нафақат лабораториялар жойлашган ҳудудда, балки бошқа нуқталарда ҳам синов ўтказяптимиз. Бунда бруцеллез, вабо ва куйдирги штаммлари мавжудлигига алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ биз уларни топа олмадик.

Кимёвий қуролларнинг синовий қандай кечган?

Вил Мирзаянов «Новичок»ни Устюртда синовдан ўтказилган дейди. Бу жойни аҳоли «тақиқланган зона» ёки «40х40» (қирққа қирқ) деб номлашади. Шунинг ўзидан маълумки, полигон зонаси 40х40 км.ни қамраб олган. Ҳар бир километрда 5-6 метр келадиган тош устулар турибди. Жаслик қишлоғидан полигон зонасигача бетон йўл ётқизилган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида ушбу жойда, яъни Устюртнинг жануби-шарқий қисмида (Жаслик қишлоғи яқинида) кимёвий қуроллар ва уларга қарши ҳимоя воситаларини синаш учун мўлжалланган «Саккизинчи кимёвий мудофаа станцияси» ҳарбий ўқув полигони ташкил қилинган. Бу ерда аввал биологик қуроллар синалган. Кейин биологик қуроллар синовини Орол денгизининг ўртасидаги Возрождение оролига кўчган ва ўрни кимёвий қуроллар синаладиган полигонга айлантирилган.

Полигондаги ишлар Нукусдаги ҳарбий қисмлар мажмуаси томонидан бошқарилган. Устюртдаги полигонда, 26382-сонли ҳарбий қисмда хизмат қилган Виктор Абрамов «Нукус. Сайгаки» повестиде айнан Устюртдаги кимёвий қуролларни синовдан ўтказадиган ҳарбий полигонда уч маротаба бўлгани ва кўрган-билганларини ёзган. Турли кимёвий синовлар ҳақида В.Абрамов қуйидагича эслайди:

«Ўтлоқ майдоннинг шамол томонида махсус усқуналарга ўрнатилган снарядлар портлатилади. Портлаш пайтида ундан заҳарловчи модда сочилар ва осмонда заҳарланган булут ҳосил бўлиб, шамол бўйлаб тарқалар эди. Кимёвий қурол самолёт орқали ҳам сочиларди. Бунда осмонда камалакли ажойиб булут ҳосил бўлар, лекин бу кўриниши ажойиб бўлгани билан ўта хавфли заҳар эди.

Бир йили қиш эртароқ келди. Биз одатда кун совуқ тушганида дарҳол амалиётни тўхтатардик. Сабаби, шимолдан минглаб сайгоқлар тўда-си келар эди. Сайгоқлар келишидан бир неча кун аввал синовни тўхтатмасак, улар заҳардан қирчилиб кетиши мумкин эди. Бир гал шундай бўлди ҳам. Совуқ эрта тушиб, сайгоқлар биз кутгандан эртароқ келиб қолди. Ҳали полигон майдонида заҳар кетмаган эди ва оқибатда юзлаб сайгоқлар нобуд бўлди. Сайгоқларни зонадан ташқарида ўра қазиб кўмиб ташладиқ».

Унинг таъкидлашича, заҳар нари борса, 10 кунгача хавфли бўлиб, кейин зарарсизланади. Кўмилган сайгоқлар бўйича ҳам шунини айтиш мумкин. Амалиёт пайтида ҳудуднинг барча томони жиддий назорат остига олинган, сабаби, одам ёки жонзот яқинлашгудек бўлса, шу жойда ўлиб кетиши аниқ эди.

Айни пайтда мазкур ҳудуд «Сайгачий» мажмуа ландшафти кўриқхонасига тегишли. Ҳудудга кириш тақиқланган. Бизнесингча, шундай жойларни сайёҳлик мақсадида ҳам тарғиб қилиш вақти келди. Чунки бу жойларда совуқ уруш давридаги энг кўрқинчли қуроллар синовдан ўтказилган. Устюртнинг энг чиройли каньонлари ҳам шу томонларда. Бундан ташқари, миллоддан аввалги V-IV асрлардан тортиб, ўтган асрнинг 90-йилларигача бўлган жуда қизиқарли тарихий объектларни ҳам айнан шу ерда учратиш мумкин.

Есимхон ҚАНААТОВ,
журналист.

Илк маълумотлар қачон пайдо бўлган?

«Би-би-си» хабарига кўра, «Новичок» СССРда Органик кимё ва технология давлат иттифоқ илмий-тадқиқот институтида яратилган. Ушбу заҳарли моддаларни яратиш дастури «Фолиант» деб номланган. «Новичок» тўғрисида илк маълумот 1992 йилда «Московские новости» газетасида «Заҳарланган сиёсат» деб номланган мақолада эълон қилинди.

Мақола муаллифлари Органик кимё ва технология илмий-тадқиқот институти собиқ ходими Вил Мирзаянов ва Россия Фанлар академиясининг Геохимё ва аналитик кимё институти етакчи илмий ходими Лев Фёдоров эди. Унда ушбу хавфли қуролнинг Ўзбекистонда, яъни Нукусга яқин жойда Устюртда синовдан ўтказилгани, синов полигони 1992 йилда ўз фаолиятини тўхтатгани айтилади. Муаллифларнинг айтилишича, бу моддадан заҳарланган одам қайтиб тузаламади ва бир умр ногирон бўлиб қолади. Ушбу заҳарловчи модда асосида кимёвий қурол ҳам яратилган. Қуролни яратувчилар эса юқори даражада мукофотланган.

«Новичок» номи билан боғлиқ умуман тадқиқот ўтказилмаган...(ми?)

«Новичок» деб номланувчи заҳарловчи модданинг нима учун шундай аталгани тўғрисида аниқ маълумот йўқ ва унинг Устюртда

Чирчиқ шаҳрида миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш мақсадида тажрибали усталар иштирокида учрашув ташкил этилди.

МУДОФАА

Карантинда ҳарбий хизматга жўнатишадими?

— Уғлимни бир ойлик ҳарбий хизматга қақришяпти. Айтинг-чи, карантин вақтида ёшларни ҳарбий хизматга қақриш тартиби қандай бўляпти?

Носиржон АҲМЕДОВ.
Сурхондарё вилояти.



Баҳром ЗУЛФИҚОРОВ,
Мудофаа вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Сафарбарлик қақриуви резерви хизмати (бир ойлик) учун жорий йилнинг 20 июнига қадар фуқароларимиз тиббий текширувдан ўтказилиб, хизматга жўнатиш бошланади. Бунда сафарбарлик қақриуви резервига март ойида қақриш кераклиги инобатта олинди, аввало, шу муддатгача 27 ёшни тўлдирганлар жўнатилади.

Қайд этиш керакки, муддатли ҳарбий хизматга саралаб олинган фуқаролар 6-7 июнь кунлари коронавирустга таҳлил топширишди. Таҳлил натижаларига кўра, улар 9 июнь кунни муддатли ҳарбий хизматга юборилди. Хизматга юборилиш тартиби республикамизнинг 3 та ҳудуди бўйича бир вақтнинг ўзида поездлар йўналиши орқали амалга оширилди. Фуқаролар хизмат жойларига борганларидан кейин ҳам 14 кунлик карантинга олинди, юқори малакали шифокорлар назоратида бўлишди.

«ЕЗ — 2020»

Ёзги оромгоҳлар ташкил этиладими?

— Ёз мавсуми бошланди. Ҳар йили бундай пайтда оромгоҳларда иш қизгин давом этарди. Бу йил карантин даврида ёзги болалар оромгоҳлари фаолияти қандай ташкил этилади?

Мафтуна ШУКУРОВА.
Қашқадарё вилояти.



Нурмат ОТАБЕКОВ,
Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси раҳбари:

— Болаларни хавфсиз дам олдириш ва соғломлаштиришни ташкил қилиш учун Республика мувофиқлаштирувчи комиссияси баёнига асосан, ҳозирда 80 га яқин болалар оромгоҳи иш бошлаши режалаштирилган.

Оромгоҳга дам олиш ва ишлашга борадиган болалар ва тарбиячилар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтишади. Ота-оналар ва қариндошларга болаларни кўриш учун оромгоҳларга бориши ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб боришга рухсат берилмайди. Ҳар бир оромгоҳда тегишли эпидемияга қарши тадбирлар белгиланган.

Айтиб ўтиш керакки, ҳозир барча турдаги таълим муассасалари, жумладан, мактаблар фаолияти тўхтатилган. Шу сабабли мактаблар қошидаги оромгоҳлар жорий йил фаолият оритмайди.

ТРАНСПОРТ

Утилизация йиғими нима?

— Жорий йилнинг 1 августидан айрим транспорт воситаларига утилизация йиғими жорий этилиши ҳақида эшитиб қолдим. Кимлар бундай йиғимни тўлайди? Унинг миқдори қанча?

Ойбек ТҮЙЧИЕВ.
Тошкент шаҳри.



Фаррух ЖҲҲРАЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 2 июндаги «Ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун утилизация йиғимини жорий этиш тўғрисида»ги қарори билан фуқаролар соғлиғи ва атроф-муҳитни транспорт воситаларининг ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан химоя қилиш мақсадида утилизация йиғими жорий этилди.

Бундай йиғим Ўзбекистон ҳудудига транспорт воситаларини импорт қиладиган (эркин муомалага чиқарадиган) жисмоний ва юридик шахслар, юртимиз ҳудудида сотиладиган транспорт воситалари ишлаб чиқарадиган (йиғадиган, тайёрлайдиган) юридик шахслар томонидан тўланади. 2020 йилнинг 1 августидан транспорт воситасининг тури, соифаси, ишлаб чиқариш муддатидан келиб чиқиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваридан 1500 бараваригача утилизация йиғими ундирилади.

Шунингдек, қарор билан утилизация йиғими тўланмайдиган транспорт воситалари рўйхати ҳам тасдиқланди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

Контракт тўламаса, ўқишдан четлатадими?

— Қизим бу йил институтнинг 3-босқичини тамомлади. Олий таълим муассасасидан кўнғирок қилиб, шартнома пулини тўлаш кераклигини айтишди. Айтинг-чи, талабалар карантин пайтида шартнома пулини тўламаса, ўқишдан четлатадими?



Нодира ЭСОНОВА.
Тошкент шаҳри.

Абдусамад МАМАНАЗАРОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўлиги бошлиғи:

— Карантин вақтида талабаларнинг масофавий таълими йўлга қўйилган, бироқ талабаларни шартнома шартларини бажармаганлик учун талабалик сафидан четлатиш кун тартибига киритилмаган.

Шартнома пулини тўламаган талаба имтиҳонга киритилади, бироқ курсдан-курсга кўчирилгани тўғрисида буйруқ расмийлаштирилмади.

ХУКУК

Қандай ҳолларда фуқаро бедарак йўқолган деб топилади?

— Танишимнинг ўғли хорижга ишлагани кетиб, икки йилдан буён уйига келмайди. Унинг қаердалигини ҳам ҳеч ким билмайди. Айтинг-чи, фуқаро қандай ҳолларда бедарак йўқолган деб топилади?

Алибек ТУРСУНОВ.
Фарғона вилояти.



Бекруз ИНОЯТОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Фуқаролик кодексининг 33-моддасига кўра, агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида 1 йил давомида маълумотлар бўлмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ, суд бу фуқарони бедарак йўқолган деб топиши мумкин.

Йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлаш мумкин бўлмаса, бедарак йўқолган деб ҳисоблаш муддати йўқолган шахс тўғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин бўлмаган тақдирда эса — кейинги йилнинг 1 январидан бошланади.

